

13

536

NEW YORK TIMES» БЕСТСЕЛЛЕРИ

# ЛАТТЕ ОМИЛИ



МОЛИЯВИЙ  
МУСТАҚИЛЛИК  
ВА ЭРКИН ҲАЁТ  
САРИ

**ДЭВИД БАХ**  
ЖОН ДЭВИД МАНН

Дэвид Бах  
Жон Дэвид Манн

# **Латте омили**

Бадавлат бўлмай бой яшаш  
сири

Тошкент  
2022

УЎК 005.321  
КБК 65.290-93  
Ж 77

БАХ, Дэвид. ДЭВИД МАНН, Жон

Латте омили. Бадавлат бўлмай бой яшаш сири [Матн]:  
/ Дэвид Бах; таржимон – Раҳимжон Қудратов. – Тошкент:  
NIHOL, 2021. – 236 б.

ISBN 978-9943-23-223-5

Таржимон  
Раҳимжон Қудратов

*“Asaxiy Books” лойиҳаси доирасида таржима ва  
чоп қилинди.*

**THE LATTE FACTOR by David Bach and John David Mann**  
Published by arrangement with Atria Books, an Imprint of Simon & Schuster, Inc. in New York, NY. The Latte Factor and the Latte Factor Challenge are registered trademarks of David Bach and FinishRich Media LLC.

Бадавлат бўлмай туриб ҳам бой яшаш мумкинми?

Албатта, мумкин. Бунинг учун маошингизни оширишларини, лотереяга ютук чиқиши ёки кутилмаган хазина топиб олишни кутишга ҳожат йўқ.

Кўпчилик бир умр бошқаларни бой қилиш учун ишлаганини жуда кеч тушунади. Натижада ўзини ҳеч қачон бадавлат бўлолмайдиган муҳтож одамдек ҳис этиб, барча истакларини ноаниқ муддатга ортга суради...

Ушбу китоб қахрамони ҳам “Қурбим етмайди” дея кўп нарасада, ҳатто орзуларида ҳам ўзига чекловлар қўйган. У тасодифан танишиб қолган кекса бариста эса қизга ўзи ўйлаганидан анча бадавлатроқ эканини тушунтириб беради.

ISBN 978-9943-23-223-5

УЎК 005.321  
КБК 65.290-93

© “Asaxiy Books” МЧЖ, 2021  
Copyright © 2019 by David Bach

*Салом, ўқувчи!*

Биз – 2016 йилдан буён ўз фойдаланувчиларига ҳаётий ечимларни қабул қилишда ёрдам бериб келаётган Рауте компаниясимиз.

Иш бошлаган вақтимиз онлайн-тўловлар келажаги борлигига кўпчилик ишонмас эди. Шунга қарамай, йўлимиздан чекинмадик ва муваффақиятга эришдик. Ҳозир Рауте миллионлаб фойдаланувчилар ва бир неча ўн минг етказиб берувчиларни бирлаштирган компаниядир.

Сиз ҳам муваффақият қозонишингизга ишонамиз.

Орзуларингиз сари сабот билан олға бориш учун сизга мустаҳкам молиявий пойдевор керак. Қўлингиздаги китоб сизга молиявий мустақиллик нима эканлиги ва унга қандай эришиш мумкинлигини тушунишга ёрдам беради.

**Ёқимли ва мазмунли мутолаа тилаймиз!**

*Самимият билан, Рауте!*

## МУНДАРИЖА

Дэвид Бах ва унинг “Латте омили” китобига эътирофлар . . . . .	7
Ташаккурнома . . . . .	17
1-боб. “Окулус” бекати . . . . .	19
2-боб. Фотосурат . . . . .	25
3-боб. Сиз ўйлаганингиздан кўра бойроқсиз . . . . .	39
4-боб. Аввал ўзингизга тўланг . . . . .	53
5-боб. Шубҳалар . . . . .	75
6-боб. Молиявий режаларни унутиб, тўловларни автоматик амалга оширинг . . . . .	85
7-боб. Номи улуғ, супраси қуруқ . . . . .	103
8-боб. Пул ҳақидаги афсоналар . . . . .	117
9-боб. Латте омили . . . . .	131
10-боб. Учинчи сир . . . . .	151
11-боб. Йўлакдаги миллионер . . . . .	169
12-боб. Она . . . . .	179
13-боб. Озодлик минораси . . . . .	185
14-боб. Миконос . . . . .	191
Илова: Жадваллар . . . . .	213
Ташаккурнома . . . . .	227
Муаллифлар ҳақида . . . . .	231

## ДЭВИД БАХ ВА УНИНГ “ЛАТТЕ ОМИЛИ” КИТОБИГА ЭЪТИРОФЛАР

“Латте омили” – ажойиб асар. Дэвид Бахнинг стратегиялари 30 ёшимда миллионер бўлишимга ёрдам берди. Бу китобни ўқинг, амалда қўлланг, кейин уни ўзингиз таниган барчага улашинг. У ҳаётингизни ўзгартиришга қодир.

Грант Сабатъе,  
*“Молиявий эркинлик” асари муаллифи,*  
*“Millennial Money” сайти яратувчиси*

Йигирма йилдан ортиқ вақт давомида Дэвид Бах пул, сармоя, жамғарма, бойлик тўплаш ҳақидаги оддий, аммо таъсирли таълимоти билан одамлар ҳаётини ўзгартириб келмоқда. Буни биламан, чунки Опра Уинфри шоусининг “Латте омили” тамойиллари ҳақида суҳбатлашилган сонини эфирга узатгандим ва Дэвид Бах ўн миллионлаб одамлар ҳаётини ўзгартирганига гувоҳ бўлгандим. Биз шунчаки “Латте омили”ни муҳокама қилибгина қолмай, бу тамойилларни ҳаётимизда ҳам си-наб кўрдик!”

Кэнди Картер,  
*“The View” кўрсатуви ижрочи продюсери,*  
*“Опра Уинфри шоу”нинг собиқ продюсери*

“Латте омили” – орзуларингизни ҳозироқ рўёбга чиқаришга илҳомлантирувчи самимий саёҳат. Бах ва Маннинг ажойиб ҳикоячилик маҳорати асарни замонамиз ҳаётини ўзгартирувчи китобга айлантирган.

Фарнуш Тораби,  
“So Money” кўрсатуви бошловчиси,  
“У кўпроқ пул топганда” китоби муаллифи

Дэвид Бах умид ва илҳом ҳақидаги номалари билан бутун дунё аудиториясини ҳаракатга келтиради. “Латте омили” қалбингизга аланга ёқиб, кайфиятингизни кўтаради. Китоб эътиборингизга, мушоҳада қилишингизга ва ундаги тавсияларга қулоқ тутишингизга арзийди.

Робин Шарма,  
“Феррари”сини сотган роҳиб”, “Тонгги беш клуби” каби халқаро бестселлерлар муаллифи

Дэвид Бах шахсий молия бўйича дунёдаги энг яхши мутахассиси ва бунинг сабабини “Латте омили”да кўришимиз мумкин. Дэвид Бах сизга молиявий эркинликка эришиш ҳақида таълим беришни ҳаммадан яхшироқ билади. Аммо энг муҳими, ушбу китобдаги гўзал ҳикоя шу қадар реал, шу қадар қалбга яқинки, бойлик яратиш ва чиндан бадавлат яшашни бошлаш учун ҳақиқатан ҳам мана шу оддий қадамларни ташлагингиз келади. Менга ундаги ҳар бир саҳифа ёқди.

Брендон Берчард,  
“New York Times” бестселлери бўлган  
“Юқори самарадорлик одатлари” муаллифи

Дэвидни ўн йилдан ортиқ вақтдан бери биламан. Унинг абадиятга дахлдор тамойиллари сизни бой-бадавлат яшашдан кўра мазмунли ва сахий ҳаёт кечиришга илҳомлантиради.

*Скотт Ҳаррисон,  
Сув хайрияси асосчиси ва  
“New York Times” бестселлери –  
“Ташналик” муаллифи*

Дэвид Бахнинг китоблари 7 миллион нусхада сотилганининг сабаби бор: китобдаги ғоялар ҳаётда ҳам иш беради. Бу ажойиб ҳикоя сизни энг муносиб ҳаёт кечириш учун ҳаракат қилишга ундайди. Сармоя киритиш ва орзуларингизни рўёбга чиқариш учун чиндан бой бўлишингиз шарт эмас.

*Жин Чацки,  
NBC каналининг “Today” кўрсатуви молиявий  
муҳаррири ва “HerMoney” подкасти бошловчиси*

Ҳал қилувчи китоб! Бу кучли ҳикоя ҳаётингизни ўзгартиради. Келиб чиқиши ва касбидан қатъи назар, исталган одам асардан ўз орзуларини рўёбга чиқаришда, келажагини қуришда фойдалана олади.

*Сара Жейкс Робертс,  
ёзувчи, тадбиркор, ОАВда машҳур шахс*

Дэвид Бахнинг маслаҳатлари ниҳоятда беқиёс. Муаллиф мураккаб масалаларни олиб, уларни соддалаштиради – бу молиявий эркинликка эришиш учун том маънода учта



қадамдан иборат йўлдир. Унга эришишни унда-далайсиз!

Жон Гордон,  
“Энергия автобуси” ва “Ижобий етакчилик  
кучи” бестселлерлари муаллифи

“Латте омили” пул ва бахт ҳақидаги фикрларингизни бутунлай ўзгартиради. Йилига етмиштадан юзтагача китоб ўқийман ва улар орасидан айнан шу китоб мени ҳайратга солди. У фикрлаш тарзингизни остин-устун қилиб, ҳаётингизга ўн баробар куч бағишлайди!

Бенжамин П. Ҳарди,  
“Inc.com” сайти ҳамкори

Ушбу китобни ҳар бир америкалик аёл ўқиши керак. Дэвид Бах – аёлларнинг молиявий эркинлигини таъминлаш йўлида энг яхши курашчи. “Латте омили” эндиликда молиявий хавфсизлигингиз ва ўзингизга муносиб эркинликка эришишингизда қўлланма бўлади.

Дотти Ҳерман,  
“Douglas Elliman” компанияси  
президенти ва бош директори

Дарҳол классикага айланган “Латте омили” китоби ҳар қандай ёшдаги молия ҳақида ўйлашни ёқтирмайдиган, шунинг учун ҳам камбағал ва бахтсиз одам учун мукамал совғадир. Бир соат вақтингизни ушбу китобни ўқишга бағишланг ва натижасини бутун умрингиз давомида кўрасиз!

Кен Бланшар,  
“Бир дақиқалик янги менежер” ва “Сир”  
бестселлерлари ҳаммуаллифи

Бах ва Манн ёзган “Латте омили” сизга ўзингиз энг кўп қадрлайдиган нарсаларни яхшироқ аниқлашни ўргатади, натижада мақсадларингизга мос ҳаёт кечириниш учун пул-сарфлашингиз, тежашингиз ва сармоя киритишингиз мумкин бўлади.

*Эрин Лоури,  
“Пулсиз Миллиенал сармоя киритишни  
бошлади” китоби муаллифи*

Бу китобни Америка ва бутун дунё талабалари ўқиши керак. Дэвиднинг маслаҳатлари кучли, чунки уларга амал қилиш жуда осон. Келтирилган ҳикоя ҳам самимий, ҳам илҳом бағишлайди.

*Доктор Женнифер Аакер,  
Стэнфорд олий бизнес мактаби  
“General Atlantic” профессори*

Дэвид Бах мураккаб молия оламини ҳамма учун тушунарли изоҳлашдек моҳир қобилияти ва одамлар ҳаётига чин дилдан қайғуриши билан мени ҳайратда қолдиришдан тўхтамайди. “Латте омили” – замонлар оша эскирмайдиган асар.

*Луис Барахас,  
“Молиявий буюкликкача Латино саёҳати”  
китоби муаллифи*

Таниқли молиявий эксперт Дэвид Бах “Латте омили” китобида тасвирлаган усули билан ўн миллионлаб одамларни илҳомлантиради. Сиз шунчаки китобни ўқиб чиқишингиз ва уни ўзингиз учун қадрли инсонлар билан ба-

ҳам кўришингиз керак. Китобни ўқир экансиз, бир соатдан камроқ вақт ичидаёқ молиявий улгайишни ўрганасиз.

Бобби Ребелл,  
“Қандай қилиб молиявий улгайиш мумкин?”  
китоби муаллифи,  
“Financial Growth” подкасти бошловчиси,  
“Reuters”нинг бизнес телевидениеси собиқ  
бошловчиси

Ажаблантирувчи лаҳзаларга тўла қизиқарли ҳикоя. “Латте омили” сизни ҳайратда қолдиради ва қувонтиради, бу китоб молия ҳақидаги шахсий қарашларингизни ўзгартириб юборишга қодир.

Майкл Ҳайатт,  
“New York Times”нинг “Платформа” ва  
“Энг яхши йил” бестселлерлари муаллифи

Бах ва Манн ўзликни кашф қилиш ҳақидаги жозибали ҳикоя ичида шахсий молия асослари ва молиявий мустақиллик бўйича маҳорат дарсини таклиф этади. “Латте омили” – қимматбаҳо топилма!

Боб Рот,  
“New York Times”нинг “Қатъийлик кучи”  
бестселлери муаллифи

Бах ва Манн инсон ҳаётининг асосий сирини ва буюк ҳақиқатини тасвирлашда ақл бовар қилмайдиган яхши бир ишни бажаришди: чинакам бой ҳаёт – муаллифлар айтганидек, ҳар бир одам исталган шароитда эриша олади-

ган “чексиз ва чинакам қувонч”га тўла ҳаёт-дир. Ўқишингизни қатъий тавсия этамиз!

Салли Ҳелгесен,  
“Аёллар қандай кўтарилади?” ҳаммуаллифи  
ва “Аёл устунлиги” муаллифи

Бу китобни СЕВАМАН! Қувончга тўла бир соат ичида сиз бир нечта оддий, кичик қадамлар молиявий келажагингизда катта ўзгаришларга олиб келишини ўрганасиз. “Латте омили” ҳали бутун дунё бўйлаб шов-шувга айланади!

Даррен Ҳарди,  
“New York Times”нинг “Мураккаб эффект”  
бестселлери муаллифи,  
“SUCCES” журналининг собиқ ношири ва  
муҳаррири

Янги минг йиллик авлоди учун ажойиб китоб ва кичик ўзгаришлар молиявий келажагингизга катта таъсир кўрсатиши мумкинлиги ҳақидаги фойдали эслатма.

Жессика Мурҳаус,  
“Millenial Money Meetup” асосчиси ва  
“More Money” подкасти бошловчиси

Донишмандлик ва самимият билан содда услубда ёзилган, киши ҳаётини ўзгартириб юборувчи бу мўъжаз китоб туфайли Дэвид Бах миллионлаб инсонлар қалбидан жой олди. Ўқинг, ҳозироқ ҳаракатни бошланг (бу ўйлаганингиздан кўра осонроқ) ва ҳақиқий молиявий эркинлик қўлингизда бўлади!

Дэн Салливан,  
стратегик мураббий

Ажойиб, мароқли, кишини илҳомлантирувчи китоб! Ҳикояга шунчалик маҳлиё бўлиб қоласизки, ўз соҳасининг чинакам устасидан ҳаётингизни ўзгартирувчи сабоқ олаётганингиз ҳам ёдингиздан кўтарилади.

Боб Берг,  
“Ташаббускор” бестселлери ҳаммуаллифи

“Латте омили” китоби бир соатга қолмай пулингиз ва ҳаётингиз назоратини қўлга олишингизга ёрдам бериши мумкин. Бизнесда эндигина фаолият бошляяпсизми ёки анча йиллик ходимсиз, қарзларингиздан қутулмоқчимсиз ёки шунчаки орзу қилган ҳаётингизда яшашни хоҳлайсизми, булардан қатъи назар, “Латте омили” ҳар қандай ҳолатда ҳам молиявий фаровонлик, эркинлик ва ҳимояга эришишингизда ёрдам беради.

Жо Полиш,  
“Genius Network®” ва “GeniusX®” асосчиси,  
“Piranha Marketing Inc” президенти

Тахминан ўттиз ёшимда “Латте омили” китобини кашф этганимдан ва “аввало ўзингизга пул тўланг” стратегиясига амал қила бошлаганимдан бери рафиқам иккимиз молиявий томондан улкан ўзгаришларга эришдик. Энди биз миллионерлармиз, рафиқам ишламасдан, уйда болаларимизга тарбия бериш имконига эга бўлди, мен эса корпоративдаги ёқимсиз ишимни ташлаб, ўзим ёқтирган бизнес билан шуғуллана бошладим.

Филип “РТ” Тейлор,  
“FinCon” ва “PT Money” асосчиси

Дэвид Бахнинг шахсий молияга ёндашуви бутун бир авлодни илҳомлантиради. Ижодкорлар ҳамжамиятида бой яшаш кўпчилик учун имконсиздек туюлиши мумкин, аммо Дэвиднинг ҳеч қандай ортиқча қадам ёки режаларсиз оддий усули бизнинг ҳозирдан фаровон яшаш ва бир вақтнинг ўзида бой келажакка тайёргарлик кўриш қобилияти-мизни мувозанатлаштиради.

Чейз Жарвис,  
“CreativeLive” асосчиси ва бош директори

## | ТАШАККУРНОМА

*Опра Уинфрига*

Ўзининг инсон ҳаётини ўзгартирувчи шоусида “Латте омили”ни баҳам кўриш ва ўн миллионлаб одамларни қамраб олиш имконини тақдим этгани учун раҳмат.

*Паоло Козльога*

“Дэвид, сиз бу китобни ёзишингиз керак!” деган сўзларингиз ниҳоят мени “Латте омили”ни ёзишга ундади.

*Алати Брэдли Бахга*

Ўн йил давомида шу китобни ёзмоқчилигим ҳақидаги гапларимни эшитдингиз ва ҳеч қачон буни амалга оширишимга шубҳа қилмадингиз.

*Барчангиздан чексиз миннатдорман.*

## 1-БОБ

### “ОКУЛУС” БЕКАТИ

Душанба куни эрталаб Зои ҳар кунгидек “L” поездига ўтирганча ишга кетаркан, икки ҳиссалик латтесидан бир қултум ҳўплаб, фотосурат ҳақида ўйлай бошлади.

Аввал гарбга, кейин жанубга, Бруклиндан Қуйи Манҳэттендаги сўнги бекатга боргунча кетадиган қирқ дақиқа мобайнида Зои фақат фотосурат ҳақида ўйлади. Ва минглаб йўловчилар билан бирга поезддан тушиш учун эшик олдида турганида ҳам унинг хаёли ўша суратда эди.

Бу фотосуратда нима тасвирланганди ўзи?

Метро вагонининг эшиклари очилди ва Зои уммондан бир томчи каби оломон орасида ғойиб бўлди. Одамлар оқими уни Қуйи Манҳэттендаги деярли барча метро линиялари бирлашадиган Фултон марказига олиб борарди. Одамлар тўлқини уни кулранг йўлак бўйлаб етаклаб Жаҳон савдо маркази остидаги кенг очиқ майдонга олиб чиқди. Зои одамларнинг улкан оқимидан ажралиб, шу ерда тўхтади. Кейин горсимон шифтга қаради. У оқ пўлатдан ясалган улкан қуш – 11 сентябрь фожиалари



кулидан кўкда пайдо бўлган қақнус қовургаларига ўхшарди.

Зои яна юра бошларкан, бу жойнинг қанчалик улканлигини ҳис этди. Деярли икки юз метрли йўлга италянларнинг тоза оқ мрамври ётқизилган. У худди улкан соборда юрганга ўхшарди.

“Окулус” бекати. Дунёдаги энг машҳур ёдгорликлар ва сайёҳлик масканларидан бирининг кириш эшиги. Зои бу ердан ҳар куни икки марта – ишга кетаётганда ва уйга қайтаётганда ўтади, аммо ҳеч қачон бу жойга синчиклаб тикилиш учун тўхтамаган.

Зои ғарбий вестибюлнинг оқ мраммар билан қопланган ўтиш йўлагига кирди. Чап томонда тахминан футбол майдонига тенг улкан LED дисплей жойлашган. У одатда хаёли эскалаторга етиб боришда бўлгани учун доимий ўзгариб турувчи реклама ва ижтимоий эълонларга эътибор бермасди. Аммо бугун катта экранда чайқалиб турган тасвир Зоини яна бир бор тўхташга мажбур этди.

Суратда у сира хаёлидан чиқара олмайдиган ўша фотосуратдаги сингари қайиқ, балиқчилар жамоаси ҳамда тўрлар тасвирланганди. Фақат қайиқ унда кўрганидек қирғоқ ёнидаги сувда тебранмас, чўлнинг қоқ ўртасида қолиб кетган.

Ғалати, деб ўйлади Зои. Ғалати ва антиқа хавотирли.

У қараб турганида, экрандаги тасвир узра улкан ҳарфлар айланиб ёзув пайдо қилди:

**Қаерга кетаётганингизни билмасангиз,  
борадиган манзилингизни ёқтирмаслигингиз  
эҳтимоли катта.**

Бир неча сониядан кейин тасвир ғойиб бўлди ва унинг ўрнига янги эълонлар намойиш этила бошлади. Зои эса йўлида давом этди.

У йўлак охиригача бориб, эскалаторга чиқди ва икки қават юқорига кўтарилиб, қуёш нурларидан чароғон шиша залга кириб келди. Қиз ташқарига чиқиб, Ғарбий кўча томон бурилди. Қуёш унинг кўзларига ва у ишлайдиган бинога тушиб турарди. Жаҳон савдо маркази ғарбий яримшардаги энг баланд бино ҳисобланади. Зоининг кундалик саёҳати мана шу ерда яқун топади. У шу жойда тўхташни ва бошини орқага ташлаганча кўкка бўй чўзган улкан миноранинг чўққисини кўришга уриниб, юқорига қарашни ёқтирарди.

Бироқ бугун унинг фикру зикри бошқа жойда эди.

*Қаерга кетаётганингизни билмасангиз,  
борадиган манзилингизни ёқтирмаслигингиз  
эҳтимоли катта.*

Бу қандайдир реклама эди. Суғурта ёки автомобиль компанияси рекламасими ёки саёҳат иловасими, у аниқ эслай олмади. Жессиканинг бу реклама шиорига алоқаси йўқмикин? Тасвир нимани реклама қилганидан қатъи назар, қизнинг назарида бу Жессиканинг аккаунтларидан биридек туюлди. Аммо мана шу тонгда у қандайдир айнан Зоига қаратилган

шахсий хабарга ўхшарди. Бу нарса унинг ич-этини кемирди.

Худди хаёлидан чиқара олмаган анави фотосурат сингари.

Тўсатдан Зои чап қўлида латте борлигини эслади ва ундан бир қултум хўплади. Қаҳва аллақачон совиб қолган экан.

Одатда Зои бу пайтга келиб, кўчани кесиб ўтади ва бинога кириб, лифтда ўзининг офиси жойлашган ўттиз учинчи қаватга чиқади. Бугун у доимги йўлидан чалғиди. Фарбий кўчани кесиб ўтгач, кескин ўннга бурилиб Жаҳон савдо марказидан узоқлашди ва юзасида бинолар аксланаётган улкан квадрат шаклидаги иккита ҳовуз фаввора томон юрди. Бу фавворалар айнан Эгизак миноралар жойлашган майдонда қурилган ва сон-саноқсиз номлар қатор қилиб ўйиб ёзилган қора мрамор девор билан ўралганди.

9/11 ёдгорлиги.

Зои шимолий ҳовуз ёнида тўхтади ва мавжланаётган сувга қаради. Мрамор юзасини пайпаслаб, биринчи ўнта исми ўқиди. Исмлар шу қадар кўп эди. 2001 йилнинг ўша машъум сентябрь ойида бу ерда минглаб одамлар ҳалок бўлганди. У пайтлар Зои ҳали мактабда ўқирди. У бир квартал нарида осмонўпар бинолар орасидан кўриниб турган “Окулус” биносининг қовурғасимон қанотларига қаради.

Нега бугун ҳамма нарса унинг кўзига бошқача кўриняпти?

Қаерга кетаётганингизни билмасангиз, борадиган манзилингизни ёқтирмаслигингиз эҳтимоли катта.

Аслида, Зои қаерга кетяпти? У қаерда бўлишни кутганди?

У аввал бу ҳақда жиддий ўйлаб кўрганми?

Шу атрофда юрган одам бир сонияга тўхтаб, билагидаги соатига қаради ва шошилганча йўлида давом этди. Зои жойидан қўзғалди. У ишига кечикаётганди.

Жаҳон савдо марказидаги офис томон юрмоқчи бўлди, лекин яна нимадир уни турган жойида ушлаб қолди. Бунинг ўрнига қиз қўлида совуқ латтени тутганча яқин атрофдаги бетон скамейка ёнига бориб, унга ўтирди. Атрофида сайёҳлар, йўловчилар ва маҳаллий аҳоли оқими ўтиб борарди. Зои ўзига ўзи секингина деди:

“Ҳаётимни нималар қиляпман ўзи?”

## 2-БОБ

### ФОТОСУРАТ

Зои ҳар душанба кунларида бўлгани каби ўттиз учинчи қаватдаги лифтдан чиқиши биланоқ иш жойига етиб келди. Келаётган жума журналнинг баҳорги сонини чиқариш учун белгиланган охирги муддат эди. Шунинг учун ҳам бутун офис жонини жабборга бериб ишлаётганди. Мақолалар оқими, таржимаи ҳоллар, фотосуратларга ёзиладиган қайдлар – Эквадордаги маунтинбайкинг<sup>1</sup>, Болқондаги вино татиб кўриш маросимлари, таниқли саёҳатчиларнинг исмлари ёзилган фоторепортажлар – Зоидан эътибор талаб қиларди. Буларнинг барини бир шаклга солиб, ажи-бужи ёзувларини сайқаллаб, мукамал ёрқин насрга айлантириш унинг вазифаси ҳисобланарди.

Зои офислари Жаҳон савдо марказида жойлашган йирик нашриёт уйида ишларди. Бу жойни Озодлик минораси деб ҳам аташади. Бироқ Зоига бироз истехзоли туюларди: у қизгин иш жараёнини қанчалик яхши кўрмасин, офис деворлари ичида ўтказилган

<sup>1</sup> Велосипедда тоғдан пастга тушиш; экстремал машғулотлардан бири – ҳаволалардаги изоҳлар таржимонга тегишли.

вақтни эркинлик вақти дея олмасди. Зои ўз мавқеидан миннатдор, лекин иши жуда кўп меҳнат талаб этар ва ҳолдан тойдирар, иш ҳақи эса ўқувчилар тасаввур қилгани каби ҳайратланарли эмасди.

Бу ҳақда айтишнинг ўзи кулгили: мана, дунёга машҳур сайёҳлик журналининг бош муҳаррири ёрдамчиси, йигирма етти ёшли Зои ҳеч қачон Қўшма Штатлардан ташқарида ёки Миссисипининг ғарбида ҳам бўлмаган. Унда ҳатто саёҳат паспорти ҳам йўқ эди.

Ҳеч қачон саёҳат қилмаган саёҳат журнали муҳаррири.

Зои ноутбукини очди, корпоратив тармоққа кирди ва ишга киришди. Унинг бармоқлари клавиатура узра югуриб кетди.

Зои ишидаги тартибсизликдан завқланарди. Кишини ақлдан оздирадиган муддатлар, сўнги дақиқалардаги таҳрирлар, дурустгинадан то ўртамиёнагача ёзилган матн бўлагини олиб, қандайдир “яхшироқ бир нима”га айлантириш топшириғи. Зои юрагида пайдо бўлган ноаниқ ғашликни нари қувиб, клавиатура томон эгилди ва ишга шўнғиди.



– Ҳали очқамадикми?

Зои ўриндиғида қаддини ростлаб, кескин қайрилмаслик учун бўйнини айлантирди. Соат дарров бир бўлдимикан? У овоз келаётган

томонга ўтирилди ва иш жойини бошқалардан ажратиб турган ярим тўсиқ олдида раҳбари турганини кўрди.

– Ҳатто виртуал саёҳатчилар ҳам баъзида нимадир еб туриши керак, – дея қўшимча қилди бошлиғи.

Барбара журналнинг аксарият ходимлари каби замонавий ёки мода ортидан қувадиган одам эмасди. Баъзан Зоининг назарида Барбара кичик шаҳарчадан келган, янги – Қуйи Манхэттеннинг энг замонавий муҳитига тўлиқ мослаша олмаган меҳмондек туюларди (бошқача айтганда, Жессиканинг акси эди). Лекин Барбара ниҳоятда ақлли, табиий эмпатия ва ўткир сезги соҳиби бўлиб, бир қарашдаёқ ичингизда нима кечаётганини ҳис эта оларди. Зоининг фикрича, мана шу фазилатлари Барбарани ажойиб бош муҳаррирга айлантирган.

Зои олти йил олдин, компанияга биринчи бор келганида, уни ишга ёллаган одам ҳам шу Барбара эди. Иккаласи дарҳол тил топишиб кетишди. Барбаранинг ўзига хос катта умидлари ва жиддий мезонлари бор. Шу маънода уни қаттиққўл раҳбар дейиш мумкин, лекин одамларга босим ўтказмасди. Аксинча, Барбаранинг ходимларни ўзига тортадиган салобати бор эди. Яъни бу муносабатга сабаб ундан қўрқиш эмас, балки унинг кўнглини қолдирмасликка уриниш эди.

Зои ҳам ҳеч қачон бошлиғининг ҳафсала-сини пир қилмаган. У тинимсиз ишлайдиган ва ўз ишини қойиллатиб бажарадиган муҳаррир эди.

– Ҳа, очқадим, – деди Зои. У ноутбукини вақтинча ўчириб, тушлик қилиш учун юқорига чиқиш мақсадида Барбаранинг ортидан лифт томон эргашди.

Компания ошхонаси ойналари марказий Манхэттен ва Гудзон томонга қараган, шунингдек, бу ердан Озодлик ҳайкалини ҳам кўриш мумкин эди. Очиқ майдони ва оддий безаги билан бу қаҳвахона Манхэттендаги ҳар қандай юқори даражали тамаддихонадан қолишмасди. Яна исталган вақтда таниқли одамларни кўриб қолиши мумкин, Зои бу ерда ишлай бошлаган илк пайтиданоқ бунга кўникишига тўғри келганди.

Барбара ўзи билан олиб келган ялтироқ тушлик қутисини эҳтиёткорлик билан очди, Зои бу пайтда пештахта ёнига бориб, киноа<sup>2</sup>, Маркона бодомлари қўшилган товуқли салат ва барра кўкатни танлади. Салатни тановул қила бошлаганида Зои ҳозир ўзи устида ишлаётган мақола ҳақида гапирмоқчи бўлди, лекин у енгил-елпи гап сотишни уддалай олмасди ва бир-икки жумладан кейин жимиб қолди.

Орага бироз сукунат чўкди, бу вақтда Барбара сэндвичини ейиш билан андармон бўлди, кейин Зоига қаради.

– Хўш... – ниҳоят деди у. – Бугун ўзингизда эмасга ўхшайсиз. Ҳаммаси жойидами?

Мана, Барбаранинг зийраклиги шунда эди. Зои эрталабдан миясини чулғаб олган ғалати кайфиятни хаёлидан чиқариб юборишга урин-

<sup>2</sup> Шу номдаги донли экин ҳосилидан тайёрланган таом.



ди, лекин бошлиғи барибир буни пайқаганди. Зои оҳиста хўрсиниб қўйди. Лекин гапни нимадан бошлашни билмасди, чунки ўзи ҳам нималигини яхши тушунмаётганди.

– Гапларим ғалати туюлиши мумкин, – сўз бошлади Зои.

Барбара сэндвичидан яна бир тишларкан, “*давом этаверинг*” дегандек бош ирғади.

– Эрталаб, поезд томон кетаётганимда, ҳар доим Уильямсбургдаги қаҳвахонага тўхтаб оламан.

Зои қаҳвахона қаерда жойлашганини тасвирларкан, Барбара тагин бош ирғаб қўйди.

– “Елена қаҳваси” деган жой.

– У ерни биласизми?

Барбара қўлидаги сэндвичи оша Зоига қараркан, деди:

– Ҳа, давом этинг-чи?

– Яхши, – давом этди Зои. – Шундай қилиб, орқа деворга рамкага солинган фотосурат илинган. Айтмоқчиманки, у ерда рамкали суратлар жуда кўп, бу жой суратларга тўла, лекин айнан шуниси бошқача.

Бу фотосуратни Зои латте ва нонушта учун кекс тайёр бўлишини кутиб турадиган олдиндаги буюртмалар қаторидан ҳам кўрса бўларди. “Елена қаҳваси”даги тамадди таомлари ҳар доим янги тайёрланган, қаҳва жуда мазали бўлар, деворлардаги суратлар эса ҳайратланарли эди.

Зои суратни тасвирлаб бериб, жим қолди ва салатини ейишда давом этди.

– Кейин-чи? – сўради бироздан сўнг Барбара.

– Билмасам, – жавоб берди Зои. – Ўша сурат ҳақида ўйлаб тургандим. Шу холос. Негалигини тушунтиролмаيمان.

Зои тирикчилик учун жумлаларни моҳирона чиройли териш билан шуғулланарди, аммо айнаи дамда бу ишни қойиллата олмаётганди.

– Ва бу сурат сизники бўлишини хоҳлаяпсиз.

Зои хўрсинди. Албатта, хоҳлайди-да.

Бу жуда оддий манзара эди: саҳар пайти, соҳилдаги кичкина қишлоқ, қуёшнинг илк нурлари бамисоли марварид каби қаҳраб-тилла рангда порлаб шуъла таратади. Олд планда эса қайиқни денгизга чиқиш учун тайёрлаётган балиқчилар жамоаси. Қуёш чиқа бошлагач нур қизғиш рангга киради ва гўё суюқликка айлангандек тасаввур уйғотади, балиқчилар буни Олтин соат деб аташади.

Зои учун манзарада сеҳрли нимадир бордек эди. Кўринмас қувватга тўла, доимо ипак ипга осилиб турган сукунат лаҳзаси.

Фотосурат жуда катта форматда чоп этилган: эни тахминан бир метрдан ошиқроқ, бўйи эса бир метрга яқин. Шундай бўлса-да, Зои суратни батафсил кўрмаган, чунки у ҳеч қачон расмнинг олдига бориш ва уни чинакамига кўздан кечириш учун етарли вақт ажратмаганди. Ҳар куни эрталаб у одатда квартирандан бироз кечикиб чиқар ва икки ҳиссалик латте ҳамда кекс олиш учун қаҳвахонага

елдек учарди. Шундан сўнг уни Манхэттенга олиб борадиган “L” поездига ўз вақтида етиб олиш учун бекатга шошарди. Зои қаҳвахонада буюртмасига пул тўлаётганида, атрофга бир қараб олишга зўрға улгурарди. Шундай бўлса-да, мана шу қисқа назар ташлагандаёқ суратдаги нимадир қизнинг эътиборини тортарди. Ўша куни эрталаб у мана шу жиҳат нималигини англаш учун ярим дақиқа узоқроқ туриб қолди ва суратга бир-икки қадам яқинлашди. Албатта, бу оний лаҳза эди, аммо мана шу лаҳзанинг ўзиёқ тасвир унинг хотирасига жонли муҳрланиб қолиши учун кифоя бўлди.

Зои расмни хонасининг айнан қаерига осиб қўйиши мумкинлигини аниқ билади. Хона жуда кўп вазифани бажарар, нафақат яшайдиган, балки тушлик қиладиган, компьютерда ўтириб ишлайдиган жойи ҳам айни шу ер эди. Зои торгина квартирада битта шерик билан яшайди ва у ерда томоша қилишга арзирли кўп нарса йўқ. Қуёшли улкан океан соҳили манзараси бу хонани тубдан ўзгартириб юборган бўларди.

– Гап суратни *сотиб олишни* хоҳлаётганимда эмас, албатта. Бу шунчаки...

Шунчаки нима? Фотосурат Зоида тушунтириш у ёқда турсин, тасвирлаб ҳам бера олмайдиган ҳис-туйғуларни уйғотганди.

– Билмасам, – деди Зои ва ўйларини тарқатиб юбормоқчи бўлгандек бош чайқади. – Сурат сотувга қўйилганми ёки йўқми, ҳатто буни ҳам билмайман. Нима бўлганда ҳам, ҳатто сотувга қўйилгандаям...

Зои гапида давом этаркан, Барбара у билан баравар бир хил оҳангда шу сўзларни қайтарди:

– Уни сотиб олишга қурбим етмайди.

Агар Зоининг ҳаётини қўшиқ деб тасаввур қилсак, бу сўзлар унинг нақароти эди. Қолган сўзлар ҳам илҳомлантирувчи, ҳам саргузаштли, ҳам мулоҳазаларга бой: “Мен таҳсилни давом эттиришни, Американинг жануби-ғарбий қисмига саёҳатга боришни, Европа бўйлаб саёҳат қилишни, ёзиш ва йога билан шугулланишим мумкин бўлган ҳақиқий ётоқхонаси бор квартирада яшашни истоган бўлардим”. Лекин улар доим фақат битта нақарот билан тугайди: “Аммо бунга қурбим етмайди”.

Ростдан ҳам Зоининг бунга қурби етмасди. Бруклиндаги ҳаёт Манҳэттендагидек қиммат эмас, лекин барибир бу ерда яшаш ҳам анчага тушарди. Бунинг устига, ичига фишт тўлдирилган 45 килограммлик тўрва каби бўйнида талабалик кредитлари ҳам бор эди. Яхшики, шаҳарда яшайди, машинага эҳтиёжи йўқ, агар машинаси бўлганида ҳам, шу кунгача мусодара қилиб юборишган бўларди. Машина?! Эҳе! Зоининг ишлари қандай кетаётганини ҳисобга олсак, катта эҳтимол билан ёзгача унинг велосипедини ҳам қайтариб олишлари мумкин.

Зои сўз ва жумлалар билан яхши келишар ва ундаги визуал дид ҳам анча яхши эди. Рақамлар-чи? Йўқ, у рақамлар билан келиша олмайди. У ҳисоб-китобда нўноқ эди, ҳар доим шундай бўлган. Зои, онаси таъкидлаганидек,

Ўзининг бюджетини тартибга солишга ҳаракат қилди – “бюджет” Зои учун, эҳтимол, инглиз тилидаги энг ёқимсиз сўз бўлса керак. Бу уриниш, албатта, тўлиқ муваффақиятсизлик билан якунланди. Зои ишда вазифаларини жуда аниқ тузар ва натижа ҳам зўр бўларди, лекин шахсий пулига келганда, у умуман интизомсиз эди. Ҳаммаси айнан шундай бўлган. Мана, март ойи келди, Зои эса ҳамон ўтган Исо мавлудида оиласи ва дўстларига совға сотиб олиш учун олган кредитларини тўлаш билан овора. Агар у ҳисоб-китобларни кўздан кечиришга озгина вақт ажратса, балки, Мавлуддан олдинги тўланмаган кредит тўловлари ҳам чиқиб қолиши мумкин. Қарзлар, қарзлар ва яна қарзлар...

Ҳа, Зои ишини яхши кўради ва вазифасини зўр уддалайди; лекин тан олиш керак, аслида, у учма-уч кун кечириётганди. Ҳатто учма-уч дейиш ҳам мушкул – бу кўпроқ вақти-вақти билан хонада бир-бирини зўрға кўришга ўхшарди. Зои ўзини “Маошдан маошгача илиниб яшайпман” деган афишадаги болага қиёслаётганини ўйлади.

Ўзи бу сурат қанча тураркин – 500 долларми? 800 ёки 1000 долларми? Умуман олганда, у сотувга қўйилган бўлсаям, шубҳасиз, бир дунё пул турса керак, ваҳоланки, Зоида қайсидир истагини қондириш учун сарфлашларини кутиб ётган бунча бекорчи пул йўқ эди.



Барбаранинг овози Зоининг хаёлларини тарқатиб юборди:

– Сиз Ҳенри билан гаплашиб олишингиз керак.

– Ҳенри?

– Эрталаблари сиз борадиган қаҳвахонада қаҳва тайёрлаб берадиган ёши каттароқ эркак бор-ку. Ўша – Ҳенри.

Барбара айнан ким ҳақида гапираётганини тушуниб олиш учун Зоига бир лаҳза керак бўлди.

– Қаҳвахонадагини айтяпсизми? У ердаги баристани танийсизми?!

Барбара бўшаган тушлик қутисини ёпиб, ўрнидан турди.

– Уни кўп йиллардан бери биламан. Сиз бориб, у билан гаплашингиз керак. Ҳенри айрим нарсаларни кўради... – Барбара орада бироз сукут сақлади. – У нарсаларга бошқача кўз билан қарайди.

– Бариста билан гаплаш, дейсизми? – тагин сўради Зои. – Унга нима дейман?

Барбара Зоига ҳаммасидан хабардор-у, аммо сир бой бермагандек расмий нигоҳ билан қаради.

– Шунчаки у билан гаплашинг. Унга суратга олишни ёқтиришингизни айтинг. Нима деб жавоб беришига қаранг.

Зои қовоғини солди.

– Менга ишонинг, – деди Барбара, – у топқир одам.

– Хўш, у менга айнан қандай ёрдам беради? Ютуқли лотерея чиптасини танлашда кўмаклашадими?

Барбара елка қисди.

– Эҳтимол, бунга ёрдам бера олмас. Лекин ўзингиз айтдингиз, бу суратни сотиб олишга қурбингиз етмайди ва бу сизни ташвишлантиряпти. Тўғри айтдимми?

Зои жим қолди. Албатта, Барбара ҳақ. Ахир у – Барбара.

– Хўш, унда, – деди Барбара, – бу борада *нимадир* қилинг. Ҳенри билан гаплашинг.



Иш столига қайтаркан, Зои ўзини бироз айбдор ҳис қилди. Барбарага *аслида* нега безовталанаётганини айтмаганди. Уни нафақат фотосурат, балки бошқа нарса ҳам ташвишга солаётганди.

Янги иш.

Икки ҳафта олдин Зои билан коллежда ўқиган пайти қўшни бўлган Жессика гаплашганларида унга шаҳар марказидаги ўзи ишлаётган медиа агентлигида бўш иш ўрни очилганини айтганди.

– Сен меҳнаткашсан, Зои, – деганди Жессика. – Ақллисан, ёзиш услубинг ажойиб ва одамлар ҳам сени ёқтиради. Сен бу лавозим учун мукамал номзод бўлардинг.

Ўтган ҳафта Зои агентликнинг шаҳар марказидаги офисига ими-жимиди суҳбатга бориб келди. Ўша куни кечқурун Жессика қўнғироқ қилди ва суҳбатдан сўнг Зоини ёқтириб қолишгани ҳақида эшитганини айтди:

– Саноқсиз номзодлар келди, Зои, лекин сен энг яхшиси экансан.

Ва, албатта, ўтган жумада агентликдан қўнғироқ қилишди ва у расман энг биринчи номзод сифатида танланганини айтишди. Агар Зои хоҳласа, бу ишга наشريётдагидан кўпроқ маоши учун ҳам кирса бўларди. Бу эса ишда стресс даражаси янада юқорироқ ва жадвали тивизроқ (Зои бундан хавотир олмасди) бўлишини англатарди. Бироқ агентлик таклиф этаётган маош унинг ҳаётини чиндан ўзгартириб юбориши мумкин эди.

Дам олиш куни Зои онасига қўнғироқ қилиб, бу ҳақда яна гаплашди. Ишини ўзгартириш яхши фикр эканига онасининг ишончи комил эмасди.

– Эҳ, Зои, – деди у қизига, – бориға хурсанд бўлсанг-чи! Қолаверса, болажоним, пул кишини бахтли қила олмайди.

*Пул одамни бахтли қилмайди.* Зои бу сўзларни болалигида неча марта эшитган?

Суҳбатга отаси ҳам қўшилди, одатда бундай бўлмасди.

– Яхшилаб ўйлаб кўр, қизим, – деди у.

Зои эса бу сўзлар қандай маъно англатишини тушунди: “Мен дарҳол бу иш таклифини қабул қил, демоқчи эмасман... Лекин... эҳтимол, бу таклифни қабул қилишинг керакдир”.

Отаси бош пудратчи бўлиб ишлаган пайтида яхшигина пул топарди. Соғлиғи ёмонлашгач, қурилиш таъминоти компаниясининг кичикроқ конторасига ўтди. Бу ишда маоши камроқ, Зоининг тахминича, отасига у анча зерикарли



ҳам эди. Лекин улар амаллашаётганди. Дарвоқе, онасининг овози кейинги пайтда одатдагидан анча ҳорғин эшитилди. “Берганига шукур қил!” Ота-онасини бахтсиз деб бўлмасди, бунга Зоининг ишончи комил эди, аммо уларни чиндан ҳам бахтли дея тасвирлай олармиди?

Зоининг ўзини-чи?

У ўша куни эрталаб “Окулус”да кўрган фалати тасвир – соҳилдаги чўл ўртасида ташлаб кетилган қайиқни эслади.

*Қаерга кетаётганингизни билмасангиз...*

Агентликдагилар Зоига ҳозирги ишидан кетиш ҳақидаги қарорини ўйлаб кўриш ва ўз таклифларини расман қабул қилиш учун бир ҳафта вақт берди. Демак, агар Зои ҳақиқатан уларда ишлашни хоҳласа, жумагача аниқ жавоб айтиши керак. Шундан кейин Жессика билан ишдан кейинги анъанавий жума учрашувида бунини нишонлаш имконияти бўлади.

Зои кўраётган ягона муқобил вариант – ҳозирги маоши учун машаққат чекишда давом этиш ва лавозими кўтарилишига умид қилиш эди. Бу вақт ичида эса қўшимча пул ишлаш учун ёзишга ёки таҳрирга иш олиб, кечқурун ва дам олиш кунлари янада тифизроқ ишлаши (у одатда ҳозирги ишидаги вазифаларини уйига ҳам кўтариб келарди), қўшимча юклар қаторига уларни ҳам киритишга ҳаракат қилиши керак. Бу фикр уни, албатта, хурсанд қилмагани аниқ.

Аммо унинг бошқа танлови борми?

### 3-БОБ

## СИЗ ЎЙЛАГАНИНГИЗДАН КЎРА БОЙРОҚСИЗ

Барбара “нимадир қилинг” деб маслаҳат берганди. Эртаси куни эрталаб Зои нимадир қилди. У ишга тайёрланиб, уйдан ўн беш дақиқа олдинроқ чиқиб кетди. Барбара бариста билан гаплашиб олишни тайинлаганди, аммо Зои бунда ҳеч қандай маъно кўрмади. Лекин ҳеч бўлмаганда қаҳвахонада озгина вақт ўтказиб, фотосуратни яқиндан кузатиши мумкин бўларди.

Зои “Елена қаҳваси”га киргач, буюртма берди. Навбатда туриб, икки ҳиссалик латтесини олди ва атмосферадан завқланганча қаҳвахона бўйлаб сайр қилди. Фиштин девор, гумбазли шифт (у мавжуд эмасдек кўриниши учун қора ранга бўялганди), катта тўлиқ спектрли осма лампалар.. деворлардаги улкан, моҳирона ёритилган фотосуратлар шундай тасаввур уйғотадики, қаҳвахона худди замонавий Бруклин санъат галереясига ўхшаб қолгандек. Мода, лекин эски мактабга хос мода.

Зои фотосуратлар қаторини кузатаркан, қаҳвахонани айланиб чиқди. Улардан баъ-

зилари кишини ўзига тортадиган манзаралар эди: қор билан қопланган тоғ чўққилари, авж тўлқинида суратга муҳрланган шиддатли дарёлар, кенг ўрмон йўллари. Зоининг ўйлашича, суратлардаги айрим жойларни журналдаги иши орқали танирди. Бу ерда Буюк Хитой девори ва Италиянинг Пьемонтидаги оилавий узумзорда ишлаётган ёш эркаклар, Перу ўрмонларидаги ранг-баранг тўтиқушлар галаси тасвирланган суратлар бор эди.

Барча фотосуратлар ҳайратланарли эди, лекин Зои туну кун ўйлаб юрган фотосурати олдига боргунига қадар юришда давом этди.

Бу ўша фотосурат эди. Худди ўша. Зои салкам икки метр нарида тўхтади ва унга тикилиб қолди.

Бу бир қарашда кучли таассурот қолдирадиган манзара эмас — ҳеч бўлмаганда, сиртдан шундай туюлмасди. Қирғоқ яқинида жойлашган қишлоқдаги тонг палласи. Ўнг томонда балиқчиларнинг кичик кемаси денгизга чиқишга тайёрланмоқда. Одамлар кичик бандаргоҳ бўйлаб у ёқдан-бу ёққа юриб, қишлоқдаги юмушлари билан овора.

Нима уни ўзига бунчалик жалб этган экан?

У бир неча қадам яқинлашди ва бу ўнг бурчак остидаги миттигина босма ёзувни ўқиши учун кифоя бўлди. Эҳ, хуллас, суратга нарх қўйилганди: 1200 доллар.

Зоининг юраги уришдан тўхтаб қолди. Биргина сурат учун бу нарх қимматлик қилади, лекин... бу ўзгача сурат, шундай эмасми?!

Бошқа томондан ўйлаб қаралса, 1200 доллар унчалик катта пул эмас. Квартира учун тўланадиган ойлик ижара тўловидан камроқ. Зои буни сотиб олишга қодир бўлиши керак эди. Аммо у охирги марта истаган буюмига бемалол сарфлаши учун қачон ўз ҳисобида шунча маблағ турганини эслай олмади.

Ҳа, мана энди аниқ эслади: ҳеч қачон бунақа бўлмасди.

У сурат қаерда олинганини билиш учун ўша белги томонга яна бир бор эгилиб қаради, лекин бошқа ҳеч нима ёзилмаганди. Аслида, қўштирноққа олинган биргина сўздан иборат сурат номи нархга қўшимча берилган ягона маълумот эди:

### “Ҳа”

“Ҳа”. Бу денгиз бўйидаги қишлоқ фотосурати учун ғалати номдек туюлди. Нима дегани бу Ҳа? Бироқ, Зои суратга яна бир назар ташлагач, сурат номи ўзига ярашиб тургандек кўринди. Бу қаер бўлди экан? Грециядаги ороллардан бири бўлса керак.

“Сен қаердасан? – пичирлади у. – Родосдами? Санторинидами?”

Йўқ, у ерда эмасди.

“Крит оролидами ё?”

– Микноосда.

Овоз қулоғининг тагида эшитилганидан қиз сапчиб тушди ва қўлидаги қаҳвани тўкиб юборишига сал қолди.

– Кечирасиз, – узр сўради бир киши. – Ўзингизга билдирмай яқин келмоқчи эмасдим, бутун диққатингиз фотосуратда бўлгани учун сезмадингиз. Хўш, бу сурат эътиборингизни тортдимми?

Зои бош ирғади.

– Жуда чиройли. Ёруғлиги ҳам ажойиб. Сурат ростдан ҳам “Ҳа” деб тургандек, – дея қўшиб қўйди Зои номига ишора қилиб.

Эркак сурат ёрлиғига қаради ва бош ирғади. Зои қўлини узатди:

– Мен Зоиман, Зои Дэниелс.

Эркак Зои билан қўл бериб кўришди. Унинг қўллари бамисоли рассомлар сурат чизадиган юпқа мато сингари қуруқ ва совуқ эди.

– Ҳенри Ҳайдн, – деди у, бу сўзни худди ўйин<sup>1</sup> номи каби талаффуз қилиб. – У қадар машҳур бўлмасам ҳам, исмим таниқли баста-корнинг исмига ўхшайди.

– Ҳенри, – такрорлади Зои.

Уни энди таниди. Бу – ўша бариста.

– Ўйлаганингиздан кўра машҳурроқсиз.

Эркак “Йўғ-э?” дегандек бошини бир томонга эгди.

– Бошлиғим менга сиз ҳақингизда гапирганди, – тушунтирди Зои. – Айтишича, бу ерга келиб, сиз билан гаплашиб олишим керак экан.

– Шундайми? – деди эркак. – Нима ҳақида? Зои жавоб бериш учун оғиз жуфтлади, лекин жим қолди ва кулимсиради.

– Биласизми, очиги, ўзим ҳам билмайман.

Ҳенри жилмайиб суратга ишора қилди:

<sup>1</sup> “Hide-and-seek” – бекинмачоқ.

– Бу сурат кўп эътибор тортганини кўрмадим. Биласизми, аксарият одамларни кўпроқ драматик суратлар ўзига жалб этади. Тоғлар, даралар, шиддатли дарёлар ва шунга ўхшаш нарсалар.

Зои у нима ҳақида гапираётганини тушуниб турарди.

– Лекин айнан мана шу фотосурат.. ниҳоятда жонли кўринади, – деди Зои.

Ҳенри бош ирғади ва:

– Шахсан менга ҳам бу сурат қолганларидан севимлироқ, – деди.

Зои атрофидаги барча нарсани кўриш учун турган жойида аста-секинлик билан гир айланиб, кейин яна Ҳенрига қаради.

– Менга ҳам шундай.

Ҳенри яна бошини бироз эгди:

– Айтганча, кўриб турганингиздек, у ҳали сотилмаган.

Зои кулиб юборди.

– Қанийди, сотиб ололсам! Қўрқаманки, бунга қурбим етмайди.

Ҳенри Зоининг қўлидаги латтега ишора қилди.

– Агар бу латтени сотиб олишга қурбингиз етган бўлса, – деди сўнг, кейин орқадаги деворга боши билан имо қилди: – унда мана бу фотосуратни сотиб олишга ҳам имконингиз бор.

– Кечирасиз, нима дедингиз? – сўради Зои.

У тўғри эшитдимми ўзи? Лекин бундан ҳеч қандай маъно йўқ.

– Балки, ўйлаганингиздан кўра бойроқдирсиз, – дея қўшимча қилди Ҳенри.

Зои ҳайрон бўлганча жилмайиб қўйди. “Бу қандай ғалати гап бўлди?!” Аммо Зои ундаги ғайратни, некбинликни ёқтирди.

– Бу жуда ажойиб фикр, – жавоб берди Зои. – Лекин мен суратни шунчаки томоша қиляпман.

У суратга яқинроқ эгилиб, тафсилотларини кўздан кечириб бошлади: тош ётқизилган тор кўчалар, оқланган уйлар, шоҳона мовий эшиклар ва деразалар.

– Бу сурат... Микносада олинган деб ўйлайсизми?

Ҳенри ҳам суратга эгилди, кейин секин бош ирғади:

– Ҳа, шундай деб ўйлайман.

– У жуда гўзал...

Зои хўрсинди.

– Чиндан ҳам энг яхши кўрганим... – деди сўнг ўзига гапираётгандек оҳисталик билан, – мана шу ерда бўлиш, шу шўр томчилар нафасини ҳис этиш, чайкалар овозига қулоқ тутиш. Мана шу бутун манзарани ўз кўзларим билан кўриб, қулоқларим билан эшитсам...

У яна қаддини ростлаб, уялганидан жилмайди ва одатий овозда деди:

– Ҳар ҳолда, бу мутлақо имконсиз нарса.

– Мутлақо имконсиз, – такрорлади Ҳенри секингина, худди бу сўзларни мулоҳаза қилиб кўраётгандек. Кейин бошини ён томонга оғдирганча қизга қаради.

– Лекин бу бир саволга боғлиқ, шундай эмасми?

Зои нима деб жавоб қайтаришни билмасди.

– Демак, суратга олишни ёқтирасиз, – деди Ҳенри. – Айтинг-чи, “окулус” атамасини биласизми?

– Фултон маркази яқинидаги бекат шундай номланади. Аслида, мен ҳозир ўша ерга кетяпман, – деди Зои.

– Йўқ, йўқ, – деди Ҳенри. – Мен бино ҳақида гапираётганим йўқ. Фотографиядаги атамани назарда тутяпман.

Зои қошини чимирди.

– Окулус – қаерда туришни хоҳлаётганингизни аниқлаш, – тушунтирди бариста. – Қаерда турганингиз ва нимани кўраётганингиз расмнинг тўғри чиқишини белгилаб берди. Яъни манзарани ўзингиз хоҳлаётгандек тўғри тасвирлаш унга қайси томондан қарашингизга боғлиқ. Нимани назарда тутганимни тушунапсизми?

Зои аслида тушунганига ишончи комил бўлмаса-да, “ҳа” дегандек бош ирғади.

– “Окулус” фотография санъатида камерани қўйиш керак бўлган жойнинг номи ҳисобланади, аслида “oculus” лотинча “кўз” сўзидан келиб чиққан, – деб давом этди бариста. – Фақат бу чин маънода сизнинг кўзингиз. Суратни аввало миянгиздаги ақл кўзингиз билан кўрасиз. Ҳар кимнинг ўз “окулус”и бор ва у ўша орқали кўради.

– Тушунарли, – деди Зои. У илгари ҳеч қачон бу сўзнинг маъноси ҳақида ўйлаб кўрмаган экан.



– Мен ҳозир фотография ҳақида гапирдим, – деб қўшимча қилди Ҳенри, – лекин ёзмоқчи бўлган ҳикоянгизни ҳам шундай осонгина айтиб беришингиз мумкин. Ўзингиз амалга оширмақчи бўлган саёҳат, бир-икки соатда келиши кутилаётган дўстларингиз учун тайёрлайдиган таомингиз ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Сиз турган жой маълум бир нуқта ва у ерда учта нарса – сиз, объективингиз ва дунё бор. Хўш, сиз нимани ижод қиласиз?

Барбара нима деганди? *У кўп нарсани билди.* Зоининг хаёлига биринчи бўлиб “ғалатиноқ” сўзи келди. Лекин ёқимли “ғалати”. Жентльменларга хос. Ҳенри ҳам қаҳвахонанинг ўзи сингари эски мактаб одамларидан эди.

Ҳенри Ҳайдн бирорта мижоз уни кутиб турмаганига ишонч ҳосил қилиш учун ортига қараб, қаҳвахонани кўздан кечирди. Пештахта ортида турган узун соқолли ва замонавий шляпали бруклинлик олифта унинг нигоҳини илғаб, гап қотди:

– Хавотир олма, Ҳенри. Бизда ҳаммаси жойида.

Ҳенри яна Зоига қаради, бурчакдаги баланд кичкина столга ишора қилиб сўради:

– Бир дақиқа ўтираммизми?

Зои жилмайди.

– Нега ўтирмас эканммиз?

Зои унинг ортидан кичкина стол томон эргашди ва улар баланд курсиларга жойлашдилар. Ҳенри стол устидаги чарм муқовали қалин дафтарни олиб, уни очди. Сўнгра курт-

касининг чўнтагидан учи пўлатдан қилинган қалам чиқариб, ниманидир ёза бошлади ва бармоқлари сатрлар бўйлаб югурди. Бир неча сониядан сўнг у блокнотни Зоига қаратди.

Унда қабристон чизилган, қабр тошига эса чиройли ёзув битилганди.

### Зои Дэниелс Туғилди ?? – Вафот этди ??

– Тасаввур қилайлик, бу ҳаётингизнинг ниҳояси.

– Йўғ-э, – деди Зои қуруқ оҳангда. – Ёш вафот этибди, бечора.

Ҳенри кулиб юборди.

– Давомини эшитинг. Тасаввур қилайлик, қабртошингизга ёзув ёзаямиз. Келинг, уни сизнинг “окулус”ингиз деб атаймиз, – у қалам билан чизилган расмга ишора қилди. – Сиз мана шу ердан туриб, ортга – ўзингиз яратган ҳаётга назар ташлаяпсиз. Хўш, айтинг-чи, бу манзара нимага ўхшайди?

Зоининг нафаси ичига тушиб кетди.

Зои буни сўз билан тасвирлай олмас, аммо Ҳенри айтган сўзлар сўнгги бир неча кун ичида уни безовта қилаётган нарсанинг айнан ўзи эди. Унинг ҳаёт манзараси қандай? Қиз буни билмасди.

*Қаерга кетаётганингизни билмасангиз, борган манзилингизни ёқтирмаслигингиз эҳтимоли катта.*

– Кўрдингизми? – сўради Ҳенри. – Манзарани аввало ақл кўзингиз билан кўрасиз.

Сураатга олишдан аввал тасаввур пайдо бўлади. Ҳамма нарса шу манзарадан бошланади, қолган ҳамма нарсани у маълум томонга йўналтиради. Мана шу сизнинг окулузингиз ҳисобланади.

Зоининг телефони жиринглади. У экранга қаради. Ишга вақтлироқ етиб борган стажёр ишни қайси матнларни таҳрир қилишдан бошлаш кераклигини билмоқчи бўлиб хабар жўнатганди.

– Ишга боришингиз керак, – гап ташлади Зоидан олдинроқ Ҳенри.

– Ростдан ҳам кетишим керак, – деди Зои узр сўраб. – Суҳбат учун раҳмат.

У ҳозир бўлган воқеани “суҳбат”дан бошқанима деб аташ мумкинлигини билмасди. Санъат дарсими? Манзарани тўғри тасвирга олиш ҳақидаги қайдларми?

– Сиз билан гаплашганимдан хурсандман, – деди Ҳенри Зои ўрнидан туриб, эшик томон юраркан. – Хоҳлаган пайтингиз яна келавринг.



Зои ўттиз учинчи қаватга кўтарилганида, офисда иш аллақачон бошланиб, ҳатто авжига чиқиб бўлганди. У ғайратли стажёр билан уч дақиқа ичида гаплашиб олди, кейин санъат бўлимига қўнғироқ қилди, ундан сўнг ноутбукини очиб, ўз ишига шўнғиди.

Шундай бўлса-да, у “Елена”даги ғалати бариста билан бўлган сирли суҳбатни хаёлидан чиқара олмади. Барбара нима деганди? У нарсаларга бошқача кўз билан қарайди. “Буниси аниқ”, – пичирлади у ўзига. У Ҳенри билан бўлган учрашув ҳақида қанчалик кўп ўйласа, бу учрашув унга шунчалик ғалати, тушунарсиз бўлиб туюларди.

“Қаерда турганингиз ва у ердан нимани кўраётганингиз суратнинг қандай чиқишини белгилайди. Ўзингиз истаган тасвир манзараси мана шуларга боғлиқ. Нимани назарда тутганимни тушуняпсизми?”

Очиғи, қиз бунга умуман тушунмади.

Кейин унинг қаҳваси ҳақида бир эслатма бор эди. “Агар шу латтени сотиб олишга қодир бўлсангиз, унда фотосуратни ҳам сотиб олишга қурбингиз етади.”

Кейин эса буниси:

“Балки, ўйлаганингиздан кўра бойроқдирсиз?”

Буниси нима дегани экан?



Ўша кеча Зои яхши ухламади.

Дарҳақиқат, у ҳеч қачон яхши ухламаган. У одатда эрталаб соат икки-уч атрофида уйғонади ва бошида уни безовта қиладиган фикрлар айланиб юргани туфайли қайта ухлай олмайди. Зои айнан нимадан ташвишланаёт-

ганини билмас, бу умумий хавотирга ўхшаган нарса эди.

Аммо ўша кеча одатдагидан ҳам ёмонроқ бўлди. У уйғониб кетганидан сўнг яна ухлаб қолди, лекин бу сафар хавотир уни уйқусида ҳам қувиб етди.

У спорт залидаги югуриш йўлакчасида югураётганини туш кўрди ва ҳеч қандай тугмага тегмаган бўлса-да, бирдан ускуна ўз-ўзидан тезлаша бошлади. Муаммо йўқ: у қадамини тезлатди. Машина бўлса тўсатдан янада тезлашди. У тагин ортда қолмаслик учун машина тезлигида югуришга ҳаракат қилди. Тезликни пасайтириш учун тугмани босишга уриниб кўрди, лекин уддалай олмади, йўлакчада эса тезлик тобора ошиб борарди. У энди бор кучи билан югурар, юраги қинидан чиқиб кетай дерди, лекин машина тезлиги қатори югуролмай қолди...

У энтикиб уйғонганида, футболкаси тердан ҳўл бўлиб кетганди. Зои оҳиста ўринга ўтирди ва қоронғида пайпаслаб ёнидаги столдан стакандаги сувни олди. Кўзлари қоронғиликка ўрганди ва юрак уриши ҳам пасайиб, аста-секин меъёрий ҳолатга қайта бошлади.

Бу офир тушни шарҳлаш учун психология фанлари номзоди бўлиш шарт эмас. Зои аслида ҳафтасига эллик соатлик “югуриш йўлакчаси”да ўзини назорат қила олмаётганди. Эрталаб Бруклиндан Манхэттенга, кечқурун эса Манхэттендан Бруклинга чопади. Пул келади, кетади ва одатда келганидан кўра

кўпроқ кетарди. Буларнинг барчаси билан бир қаторда ҳаёти учун югураётгани, аммо яқин орада ҳеч қаерга ета олмаётгани борасидаги туйғу ҳам уни сездирмай таъқиб этаётганди.

Ярим зулмат қоплаган хонасининг деворларига тикиларкан, у ҳаётида жуда муҳим нимадир етишмаётганини ҳис қилди. У ҳар доим ўзини алдамай, реалликка тик қараган чоғлари буни сезарди. Нима етишмаяпти, севгими? Йўқ, севги эмас: у ҳали ёш ва бахтини топишига ҳали вақт етарли. Дўстларми? Йўқ, дўстлар ҳам эмас: Жессика ва бошқалар бор.

Зои тушуниб етди: у тирик, аммо чиндан ҳам *яшамаётган* экан.

## 4-БОБ

### АВВАЛ ЎЗИНГИЗГА ТЎЛАНГ

Чоршанба куни эрталаб Зои қаҳвахонага сешанбадагидан бир неча дақиқа олдин етиб борди. У залнинг охирида, севимли фотосура-ти олдида хаёлга чўмган Ҳенрини кўрди. Бир кун аввалги учрашувига тескари равишда бу сафар Зои уни чўчитиб юборди:

– Мени маъзур тутинг.

Ҳенри енгилгина сапчиб тушди.

– Эҳ, Зои! – хитоб қилди сўнг. – Мен шунчаки севимли фотосуратимиздан завқ олаёт-гандим.

– Кечирасиз, – деди қиз ва бир кун олдин Ҳенри ўзига айтган сўзларни қўшимча қилди: – Сизга билдирмай яқинлашмоқчи эмасдим, бутун диққатингиз фотосуратда бўлгани учун сезмадингиз.

Қиз жилмайди, Ҳенри ҳам бунга жавобан енгил кулди.

– Хотиранингиз яхши, – деди сўнг.

Қиз тағин соҳил манзарасига қаради ва қайтиб ортига ўтирилди.

– Кеча айтганларингиз ҳақида ўйладим... – қиз керакли сўзларни топишга тараддудлан-

ди. — Кеча қаҳва олишга қурбим етса, бу фотосуратни сотиб олишга ҳам имконим борлигини айтгандингиз. Ўзим ўйлаганимдан кўра бойроқ бўлишим мумкинлигини...

Ҳенри бош ирғади.

— Ўшанда айнан нимани назарда тутгандингиз?

Эркак бошини сал қиялатганча бир сония бармоғини лаблари устига қўйди, сўнг деди:

— Келинг, сиздан бир нарса сўрай: бу суратни сотиб олишингиз учун нимани ўзгартиришингиз керак бўларди?

— Очиғини айтсам, менга ҳозиргидан кўра кўпроқ маош тўланадиган иш керак бўларди.

— Ҳа-а, — деди у. — Мабодо шахсий нарсалар ҳақида сўрасам, қаршимасмисиз?

— Қандай қилиб бунга қарши бўлишим мумкин? — деди Зои. — Сиз аллақачон қабр тошимни ҳам чиздингиз. Демак, шахсий ишларимга ҳам аралашиб бўлгансиз.

— Ўринли танбеҳ, — деди Ҳенри кулиб. — Қаерда ишлардингиз? Қуйи Манҳэттенда деганмидингиз?

Зои бош ирғади.

— Жаҳон савдо марказида, — деди ва саёҳат журналидаги ишини қисқача тасвирлаб берди.

— Ўйлашимча, бу иш учун сизга дурустгина маош тўлашса керак.

— Дурустгина, — қўшилди Зои. — Лекин унчалик катта эмас. Бруклиндаги ҳаёт эса қимматга тушади.

— Тўғри. Сўрашга изн берсангиз, яна бир савол: бу компанияда тахминан қанча вақтдан буён ишляпсиз?



– Олти йиллардан бери.

– Тушунарли. Ақлли одам учун бу ўз ишида муваффақиятга эришиш учун етарли давр. Ўйлайманки, ҳозир сиз олти йил аввалгидан кўра кўпроқ пул топасиз. Тўғри айтдимми?

– Ҳа, тўғри, – маъқуллади Зои.

Ҳенри тагин бош ирғади.

– Хўш, сиз олти йил олдингидан бойроқ-мисиз?

Зои кўзларини пирпиратди.

– Бойроқ? – такрорлади у худди бегона тилдаги сўзни айтаётгандек.

– Масалан, энди орттирган пулингиз – ўзингиз хоҳлаган нарсага сарфлашингиз мумкин бўлган кичик жамғармангиз борми?

Дарҳақиқат, икки йил олдин, Зои ёрдамчи муҳаррир лавозимидан муҳаррир лавозимига кўтарилганида, яхшироқ маош ола бошлаганди. Аммо у қанча кўп пул топса, яшаш ҳам шунчалик қимматга тушаётганга ўхшарди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, ҳозир топаётган пулидан харажатлари ва қарзлари кўпроқ эди.

– Бойроқ... – такрорлади Зои. – Йўқ, мен бундай демаган бўлардим. Бойиб кетганим йўқ.

– Сиз ёлғиз эмассиз, – деди Ҳенри. – Яқинда бир тадқиқотнинг ҳайратланарли натижаларини ўқидим, мамлакат аҳолисининг ярмида ҳатто фавқулодда вазиятларда ишлатиш учун ҳам қўшимча 400 доллар пул топилмас экан. Ҳар ўнта одамдан еттитаси у маошдан бу маошгача учма-уч тирикчилик қилаётганини айтаркан. Кўпчилик эса ҳатто кундалик харажатларини кредит карта ҳисобидан тўлайди.

– Ростданми? – Зои кўп одамлар у билан бир қайиқда – бир хил вазиятда эканига унчалик ҳайрон бўлмади. Ахир шунинг учун ҳам у ишлайдиган саёҳат журнали жуда машҳур эмасми? Одамлар қурбим етмайди деб, ўзларига раво кўра олмаган саргузаштларни журнал саҳифаларидан томоша қилишни севадилар.

– Аммо ундан ҳам қизиқроқ жойи, – деди Ҳенри, – тадқиқотда қатнашган инсонлардан нима учун пулини тежамагани ёки қандайдир пенсия режаси<sup>1</sup>ни бошламагани ҳақида сўрашганда, деярли ҳамма бир хил – “ойлигим етарли эмас” деб жавоб берган, – Ҳенри кулиб юборди. – Уларнинг бари камида шундай дейишган, лекин, албатта, бу тўғри эмас. Даромдининг ортиши ҳеч қанақасига уларнинг аҳволини ўзгартира олмайди.

Зои Ҳенрининг сўзларига бор эътиборини қаратди:

– Нима дедингиз?

У нотўғри эшитган бўлса керак. Иш ҳақининг кўпайиши ёрдам бермайдими? Ахир бу муаммонинг асл ечими-ку!

Ҳенри афсус билан бош чайқади.

– *Йўқ, аслида бу ечим эмас.* Аксарият одамлар кўпроқ пул топа бошлаши билан уни кўпроқ сарфлашни ҳам бошлайди.

– Бу... – тўхтаб қолди Зои. “*Бундай эмас, ҳар ҳолда мен бундай қилмайман*” демоқчи эди у.

<sup>1</sup> Пенсия жамғармаларини мустақил шакллантириш имконини берувчи нодавлат пенсия таъминоти тури.

Аммо бу гап тўғримиди?

– Фаолияти давомида чўққига кўтарилиб, тўсатдан миллионларга баҳоланадиган, аммо кўз очиб юмгунча синадиган қайсидир кино юлдузи, машҳур хонанда ёки спортчи ҳақида тез-тез ўқиб турасизми? – сўзлашда давом этди бариста.

Бир ҳафтагина олдин Зои худди шунга ўхшаш воқеани ўқиганди.

– Лотерея ютганлар қанчалик тез қарзга ботиб кетишади? Кўряпсизми, бундай одамлар учун *пул топиш* эмас, балки уни *сақлаб туриш* муаммо, – давом этди бариста. – Ғалати ҳақиқат шундаки, Зои, ишлаб пул топиш, ҳатто у жуда катта миқдорда бўлса ҳам, албатта бадавлатликка олиб келавермайди. Нима учун? Чунки аксарият одамлар ишлаб кўпроқ пул топишни бошлаши билан шунчаки сарфлашни ҳам оширадилар. Даромад бамисли тўлқин, харажатларингиз эса қайиққа ўхшайди. Тўлқин кўтарилса, қайиқ ҳам у билан баравар юқорилайди.

У қаҳвахонага бир назар ташлаб, яна Зоига ўгирилди.

– Поездга улгуришингиз учун бироз вақтингиз борми? – сўради сўнг.

– Вақтим бор, – жавоб берди Зои. Ахир у бугун айнан шунинг учун вақтли уйғониб, уйдан шошилиб чиқиб келмадими? У Ҳенрига эргашиб, кичкина стол олдига бораркан, Ҳенри тасвирлаган нарсалар ҳақида ўйларди: *даромад тўлқинга ўхшайди, сарф-харажатларингиз эса қайиқ кабидир.*

“Ағдариллиб кетмагунча, – деб ўйлади у. – Ёки чўл ўртасида қолгунича...”

– Бойлик, молиявий эркинлик, – деди Ҳенри стол ёнига ўтиб ва Зоига ўгирилди, – бу унчалик мураккаб нарса эмас, бор-йўғи уч қадамлик жараён.

– Келинг, бу уч қадамни тахмин қилиб кўраман, – деди Зои. – Энг машҳур тароналар қаторидан жой оладиган қўшиқ ёзиш, лотереяга ютуқ чиқиши ва одатда тез-тез бахтсиз ҳодисага дучор бўладиган бой қариндошингдан мерос қолиши...

Ҳенри кулганча стулга ўтирди. Зои эса аввалги кундагидек унинг ёнидан жой олди.

– Мен буни “молиявий эркинликнинг учта сирини” деб атайман, – сўз бошлади Ҳенри. – Гапларим биров баландпарвоз туюлиши мумкин-у, лекин бу кўзга кўринмайдиган сирлардир. Ҳамма улар ҳақида биламан, деб ўйлайди, лекин деярли ҳеч ким билмайди. Шундай қилиб, биринчи сир қандай ишлашини айтиб берай.

– Қулоғим сизда, – жавоб берди Зои.

“Ғалати-ю, тушунарли-я...” ўйлади Зои. У биринчи марта Ҳенрининг ўтмишига қизиқиб кўрди: у қаердан келган ва Бруклиндаги кичик қаҳвахонага қандай жойлашиб қолган?

– Ўтган ҳафта неча соат ишлаганингиз ҳақида сўрасам майлими? – савол берди Ҳенри

– Қирқ соатча.

Аслида, эллик соатга яқин, ҳатто ундан кўпроқ ишлаганди.

– Яхши. Шу соатларнинг қанчасини ўзингиз учун ишлашга сарфладингиз?

Зои жавоб бермоқчи эди, аммо бир оғиз сўз айтишга улгурмай тўхтади. *Ҳаммасиними? Ёки ҳеч қанчасиними?*

– Мен... нимани назарда тутаётганингизни тушунолмадим, шекилли. Ўзим учун ишлаш? Қандай қилиб?

– “Ўзингиз учун ишлаш” деганда топган пулингизнинг ўзингизга кетадиган қисмини назарда тутдим. Ҳаётингизни қуришга, ўзингизга сармоя киритишга сарфланадиган қисмини.

– Яхши, – деди Зои ва бир зум жим қолгач, деди: – Саволингизга жавоб бера олмасам керак.

– Хўш, келинг, унда буни аниқлаймиз.

У чарм муқовали дафтаридаги бўш саҳифани очди, ўша оддий қаламини чиқарди ва тушунтиришда давом этаркан, нималарнидир чизди:

– Айтайлик, иш кунингиз соат 9:00 да бошланади. Одатда 9:00 дан 11:30 гача топган пулингиз тўғридан-тўғри солиқларга кетади.

У соат чизиб, соат тўққиздан ўн бир яримгача бўлган вақт оралиғини белгилади ва ушбу бўлакка қопини пул билан тўлдираётган узун бўйли ва соқолли Сэм амакининг<sup>2</sup> суратини чизди.

– Вой, – ғўлдиради Зои, – буни ҳеч қачон шу тарзда ўйламаган эканман.

---

<sup>2</sup> Сэм амаки – АҚШ ҳукуматини ифодалаш учун ишлатиладиган тахаллус.

Ҳенри бош ирғади.


– 11:30 дан кейин ишга келишни хоҳлаб қолади киши, – дея кулиб қўйди. – Соат 11:30 дан 14:00 гача ишлаган пулингизни...

Бариста тўхтаб, Зоига кўз ташлади:

– Уйингиз ипотеками? Ижарами?

– Ижара, – жавоб берди Зои.

Ҳенрининг чизиш услуги уни ҳайратда қолдирди: бир нечта қатъий ва тезкор чизиқлар ва чизма тайёр! Сурат бамисоли қаламининг учидан қоғозга лип этиб тушишни кутиб тургандек эди.



– Яхши. Ижара ва коммунал тўловлар. 14:00 дан 15:00 гача ишлаб топганингиз одатда транспорт харажатларини қоплайди. Ва 15:00 дан 17:00 гачаси – қолган ҳамма нарса: соғлиқ, ўйин-кулги, қарз, кредит қарзлари...

– Талабалик кредитлари, – қўшимча қилди Зои.

– Ҳа, тўғри, – деб маъқуллади Ҳенри. – Талабалик кредитлари. Жуда ёмон нарса-да. Ва, албатта, озиқ-овқат...

– Асосан кўчада овқатланаман, – изоҳ берди Зои.

– Ҳа-я, қаҳва ҳам бор, айтганча, – Ҳенри Зоининг қўлидаги латтега ишора қилди.

– Ҳа, қаҳвани ҳам унутмайлик, – деди Зои.

Иккаласи ҳам кулишди.

– Мана шу орадаги бир неча дақиқалик ишдан келадиган пулни тежаб қолишга ҳаракат қилишингиз мумкин. Лекин кўпчилик бундай қилмайди. Кун охирига бориб, суратни сотиб олиш учун ортиқча пулингиз қолмаслигига ҳам сабаб шунда.

Бу гапларнинг бари нохуш туюлганига қарамай, Зои охириги сўзларни эшитганида танасини жимирлатган оний лаҳзалик тўлқинни ҳис этмай қолмади. “Суратингиз...” У бош ирғади ва буларнинг бари нимага олиб боришига қизиқди.

– Хўш, мен учта сир мавжуд дегандим-а? Демак, биринчи сир қуйидагича, – Ҳенри бошқа бўш варақни очди ва тезда катта-катта қилиб ушбу сўзларни ёзди:

## 1. Аввал ўзингизга тўланг

– Аввал ўзингизга тўланг, – такрорлади Зои. – Албатта.

– Бу ҳақда олдин ҳам эшитганмисиз? – сўради Ҳенри.

– Қаердалигини аниқ эслай олмайман, лекин бу фикр таниш кўриняпти.

– Ажойиб. Бунинг маъносини биласизми?

Зои “албатта” демоқчи эди, лекин бунинг ўрнига у жим қолди ва эҳтиёткорона деди:

– Мен... Менимча, тушундим.

Ҳенри жилмайди ва қошларини кўтарди.

– Аниқми?

– Агар маош олсам, пулимни биринчи бўлиб ўзим учун сарфлашим керак. Бунинг маъноси шундайми? – Зои Ҳенрига қаради.

Ҳенри яна жилмайди.


– Яқинлашдингиз. Кўпчилик буни “пул ишлаб топганингизда, уни биринчи навбатда ўзингизни сийлашга, ёқимли, хоҳлаган нарсанингизни сотиб олишга ишлатишингиз керак” деб тушунади.

– Лекин бундай эмасми?

– Йўқ, унчаликмас. “Аввал ўзингизга тўланг” дегани – ишлаб топган пулингизни олганингизда уни биринчи навбатда қўлга киритадиган одам сиз бўлишингиз ва бу пулни ўзингиз учун сақлашингиз керак дегани. Бошқача айтганда, ҳар кунингизнинг биринчи соатидан келадиган даромадни ўзингизга тўлашингиз керак.

У яна дафтардаги бўш саҳифани очди ва иккинчи расми чизди:





– Ишга борганингизда вақтингизни пулга айирбошлайсиз. Ҳеч бўлмаганда бир соатлик даромадингизни ўзингиз учун сақламасангиз, нима учун ҳар куни кун бўйи ишлашингиз керак? – деди Ҳенри чизишда давом этаркан. – Шунга қарамай, кўпчилик иш ҳақини олганидан сўнг нима қилади: давлат ўз улушини олиб бўлгач, пулларини қарз тўлаш ва турли буюмлар сотиб олишга сарфлайди. Шундан сўнг нимадир ортиб қолса, ўзларига сақлаб қўяди. Лекин пулнинг ортиб қолиш эҳтимоли жуда кам. Балки, ортиб қолар, балки, йўқ. Одамлар биринчи навбатда бошқаларга, ўзларига эса охирида тўлайдилар. Мабодо ортса.

Шунинг учун ҳам кўплаб одамлар кунига саккиз, тўққиз, ўн соатдан, ҳафтани ҳафтага, ойни ойга улаб, ўн йиллаб ишлайдилар. Бу бир умр давомида ўртача 90 000 соат дегани. Ўйлаб кўринг, тўқсон минг! Аммо охирида, нафақага

чиққанларида, улар шунча вақт давомида ҳеч нарса ни қўлга кирита олишмагани, бутун умрларини эса ўзларини эмас, балки бошқаларни бойитишга сарфлашганини тушуниб етишади.

Зои жим қолди. Унинг ота-онаси ҳам шундай одамларданмиди?

– Қойил, – деди Зои.

– Ростдан ҳам қойил, – қўшилди Ҳенри.

Бироз жимликдан сўнг Зои сўради:

– Хўш, шунда аслида қандай бўлиши керак?

Ҳенри унга диққат билан қаради ва жавоб берди:

– Кичкиналигингизда банкада танга тўплаганмисиз? Сотиб олишни хоҳлаган буюмингизга пул жамғариш учун.

Дарҳақиқат, Зои болалигида эмас, балки ўн саккиз ёшида, Нью-Йоркка илк бор келиб, коллежда ўқишни бошлаганида шундай қилганди. У ёзда қўлидан келганча ҳар бир долларни тежаб, уч ой ичида ўзига велосипед сотиб олди ва янги маҳалласини бемалол айланиб чиқиш имконига эга бўлди. Ўшанда у ўз ишидан ҳайратда қолганди, ахир аслида пулни аямай ишлатарди. Шундан кейин ҳам бир неча марта пул йиғишга уриниб, банкага ўн, ҳатто йигирма долларликдан солиб юрди, лекин ҳеч мақсадига эриша олмади. Доим нимадир бўлиб, банкадаги пулга қўл соларди. Бироқ велосипеди ҳалиям бор эди.

– Хўш, бу ҳам худди шундай, – деди Ҳенри.  
– Фақат банкага тангалар солиб қўйиш ўрнига

долларларингизни “аввал ўзингизга тўланг” номли ҳисобингизга солиб қўясиз. Техник жиҳатдан айтганда, буни пенсия ҳисоби дейиш мумкин.

– 401(к)<sup>3</sup> га ўхшаб, – деди Зои.

– Айнан шу, – деди Ҳенри. – 401(к).

Зоининг компаниясида 401(к) режаси бор эди; у иш бошлаган пайтда бу ҳақда айтишганини эслади. У ўшанда бу ҳақдаги хатлар ва электрон почта хабарларини олиб, уларни кўриб чиққанди.

– 401(к) гоёси оддий, – деди Ҳенри. – Ҳар сафар маош олганингизда, биринчи ўринда унинг бир қисмини, айтайлик, 10 фоизини. *солиққа тортилгунига қадар* ажратиб оласиз. Бу унинг таркибини бутунлай ўзгартиради.

– Таркибини ўзгартиради?.. – такрорлади Зои. У матнлар ва параграфлар ҳақида гап кетганда билимдон эди, лекин математикага келганда оқсарди.

Қизнинг юзидаги ифодани пайқаган Ҳенри сўзлашда давом этди:

– Келинг, буни кўрсатиб тушунтириб берай.

У чўнтагидан ҳамёнини чиқариб, беш доллар олди ва ўртадаги стол устига қўйди.

– Айтайлик, сиз ҳар куни беш доллар олиб, банкага солиб қўясиз. Тўплаган пулингиз бир ҳафта ичида қанча бўлади?

---

<sup>3</sup> 401(к) – Америкадаги иш берувчилар таклиф қиладиган энг машҳур пенсия режаси бўлиб, унга кўра, ходимларга солиқ имтиёзлари берилган ҳолда шахсий пенсия ҳисоб варағига ойлик маошидан 15 фоизгача ушлаб қолишга рухсат берилади. Ходимда бу пул орқали инвестиция киритиш имкони бўлади.

– Бир ҳафта давомида кунига беш долларданми? – сўради Зои.

Буни ҳисоблашнинг қийин жойи йўқ эди.

– Ўттиз беш доллар бўлади, – жавоб қайтарди Зои.

Ҳенри бош ирғади.

– Бу ойига тахминан 150 доллар дегани. Фараз қилайлик, сиз кунига топиладиган ўша беш долларни солиқ олинмайдиган махсус ҳисоб рақамига қўйдингиз, дейлик, бу сумма йилга 10 фоиз даромад келтириб туради. Биринчи йил охиригача пулингиз канча миқдорга етишини биласизми?

Зои ўйлади. 150 ни ўн иккига кўпайтириш керак.

– Билмадим, 1500 доллардан сал кўпроқми?

Ҳенри яна бошини “ҳа” деган мазмунда қимирлатиб қўйди.

– Аниқроғи, фоизларни ҳисобга олсак, бир минг саккиз юз саксон беш доллар бўлади. Энди эса мураккаб фоиз<sup>4</sup> формуласи орқали ҳисобланса, қандай натижа бўлишини кўриб чиқамиз.

У куртқасининг чўнтагидан кичик калькулятор чиқариб, рақамларни маржондек тера бошлади. “*Ҳалиям чўнтак калькуляторидан фойдаланадиганлар бор эканми?*” ўйлади Зои

<sup>4</sup> Миқдорни бир неча марта бир хил фоизга ошириш “мураккаб фоиз формуласи” орқали амалга оширилиши мумкин. Мураккаб фоиз формуласи:  $A=A_0 \cdot (1+p/100)^k$   
Масалан: 100 000 сўмлик товарнинг нархи 2 марта 20 фоиздан кўтарилганидан сўнг товар нархи қуйидагича бўлади:  
 $A=100\ 000 \cdot (1+20/100)^2=100\ 000 \cdot 1.2^2=100\ 000 \cdot 1.44=144\ 000$  минг сўм

ўзича кулиб. Бариста ҳақиқатан эски мактаб одамларидан эди.

Ҳенри тўхтади ва Зоига қаради.

– Агар сиз кунига беш доллардан жамгарсангиз, қирқ йилдан кейин бу миқдор қанча бўлади деб ўйлайсиз?

– Билмайман, балки...

Зои бу миқдор 50 000 доллардан кўпроқ бўлиши мумкинлигини тасаввур қила олмади, лекин ҳар эҳтиётдан рақамни икки баравар оширди.

– Юз минг долларми?

Ҳенри табассум қилди.

– Аслида, деярли ўн баравар кўпроқ.

У дафтарни очди ва ёзганларни Зои ўқиши учун саҳифани қиз томонга бурди:

Агар кунига беш доллар тежаб, бу пуллардан йиллик ўн фоиз пул ишлаб топсангиз, оладиган натижангиз қуйидагича бўлади:

1 йил	=	1 885 \$
2 йил	=	3 967 \$
5 йил	=	11 616 \$
10 йил	=	30 727 \$
15 йил	=	62 171 \$
30 йил	=	339 073 \$
40 йил	=	948 611 \$

Зои бу рақамларга тикиларкан, тили айланмай қолди:

– Л-лекин... Бу деярли бир миллион доллар-ку!

– Ҳа, – деди Ҳенри. У ҳамёнидан яна бир банкнота чиқарди. Бу сафар унинг қўлида ўн долларлик пул турарди. У пулни олдинги беш долларнинг устига қўйди.

– Энди ставкаларни оширамиз. Ўзимизга кунига беш эмас, *ўн доллардан* тўлаяпмиз ва ушунча бояги солиққа тортилмаган пулдан тўланган ҳисобимизга ўтказаяпмиз, деб тасаввур қилайлик. Келинг, бу усулда қирқ йилдан кейин *қандай* натижага эришишимизни кўрамиз.

Агар кунига ўн доллар тежаб, бу пуллардан йиллик ўн фоиз пул ишлаб топсангиз, шундай натижани олган бўлардингиз:

1 йил	=	3 770 \$
2 йил	=	7 934 \$
5 йил	=	23 231 \$
10 йил	=	61 453 \$
15 йил	=	124 341 \$
30 йил	=	678 146 \$
40 йил	=	1 897 224 \$

Рақамлар қаторини кўздан кечириб, пастларкан, умумий суммага қараб, Зоининг кўзи қинидан чиқиб кетай деди:

– Қанақасига... Буни қандай қилдингиз?

Ҳенри кулимсиради.

– Буни *мен* қилганим йўқ, Зои, табиат қилди. Табиат шундай ишлайди. Бактериялар

худди шу усулда кўпаяди. Миш-мишлар шу усулда тарқалади. Бойлик ҳам шу усулда пайдо бўлади. Баъзилар буни коинотдаги энг қудратли куч деб ҳисоблашади. *Мураккаб фоиз мўъжизаси.*

Зои кичкина жадвалга тикилиб турарди. Қанақасига бундай бўлиши мумкин?

– Кунига бор-йўғи ўн доллар... – деб пичирлади у.

– Кунига атиги ўн доллар, – такрорлади Ҳенри унинг ортидан. – Аммо мана шу кунлик ўн долларлар киши ҳаётини ўзгартириши мумкин. Бу борада хато қилманг, Зои, банкага танга солиш, кунига ўн доллар тўплаш каби ҳаракатларнинг ўзи кичик, ҳатто аҳамиятсиз бўлиб туюлиши мумкин, аммо буни амалга ошириш-чи?

Ҳенри табассум қилди ва давом этди:

– Эҳтимол, бу ҳаётингиздаги энг муҳим қарор бўлиши мумкин.

Зоининг хаёлида Барбаранинг “*Нимадир қилинг*” деган овози янгради.

– Келинг, энди бошқа бир мисолни келтираман, – деди Ҳенри. – Буниси янаям мавзуга яқинроқ. Ҳозир неча ёшдасиз?

Зои ҳали оғзини очмасидан бариста қўшимча қилди:

– Биладан, ҳақиқий олийжаноб эркак аёлнинг ёшини сўрамайди, аммо мен илм-фан учун сўраяпман. Ва бу сиригизни ҳеч кимга айтмайман.

– Агар илм-фан йўлида бўлса, майли, – деди Зои пинагини бузмай. – Йигирма етти ёшдаман.

– Зўр, – деди Ҳенри. – Тасаввур қилайлик, сиз ҳафтасига 1000 доллар ишлаб топасиз. *Ҳақиқий* маошингиз қанча эканини сўрамайман. Бу борада ўта эҳтиёткорман.

Зои кулиб юборди. Аслида, у деярли тўғри тахмин қилганди.

– Демак, шундай бўлса, кунига 200 доллар топасиз, – давом этди Ҳенри. – Тажрибага асосланган яхши бир қоида бор: ҳар кунлик ишнинг илк соатидан келадиган даромадни олиб қўйинг. Бошқача айтганда, кунингизнинг энг биринчи соатини *ўзингизга тўлашга сарфланг*.

У бир тўхтаб давом этди:

– Кўпчилик бунни умуман тушунмайди. Ўртача америкалик ўз даромадининг 4 фоизидан камроқ қисмини ўзи учун тежаб қолади. Бошқача айтганда, кўпчилигимиз ўзимиз учун атиги 20 дақиқа ишлаймиз. Ва ҳар беш америкаликдан биттаси умуман тежамайди, демак, улар ўзларига *бир тийин* ҳам сарфлашмайди.

– Вой, – пичирлади Зои.

Бу гап айнан у ҳақида эди, чунки ҳозиргача ҳеч қандай жамғарган пули йўқ.

– Кунига саккиз соатдан ишлайсиз деб тахмин қилсак, – давом этди Ҳенри, – ҳар кунлик ишингизнинг биринчи соатини *Зоига тўлаш учун* тежаб қоламиз, дейлик...

У ҳисоб-китобларга киришаркан, бошини эгди:

– Кунига 25 доллар ёки ҳафтасига эса 125 доллар. Бунни эллик икки ҳафтага кўпайтирсак,



йилига 6 500 доллар топаётган бўласиз. Фоизни қўшиб ҳисобласак, тахминан 6 800 доллар.

У кичкина калькуляторида ҳисоб-китобларни амалга ошираркан, бошқа бир жадвални чиза бошлади.

Зои Ҳенри ёзаётган рақамларни кўриб, юрак уриши тобора тезлашаётганини ҳис қилди.

Агар ҳар ҳафта 125 доллар тежаб (кунига 25 доллардан), бу пуллардан йиллик ўн фоиз пул ишлаб топсангиз, оладиган натижангиз қуйидагича бўлади:

1 йил	=	6 798 \$
2 йил	=	14 308 \$
5 йил	=	41 893 \$
10 йил	=	110 821 \$
15 йил	=	224 228 \$
30 йил	=	1 222 924 \$
40 йил	=	3 421 327 \$

Ишини тугатгандан сўнг Ҳенри қаламини секин столга қўйди ва ўриндиққа суянганча қизнинг жавобини кута бошлади.

Зои рақамларга тикиларкан, ҳайратда қолганди. *Уч миллион доллардан кўпроқ маблағ. Кунига бир соатлик иш ҳақини тежашдан.*

Ҳенри соатига қаради.

– Вақт ҳам бўлай деб қолибди, ишга чопишингиз керак, менимча, – деди сўнг секингина.

Зои телефонига қаради ва ўрнидан сакраб турди:

– Вой Худойим, ҳақиқатан кетадиган вақтим бўлибди.

– Ана, айтдим-ку, – деди Ҳенри ҳам студидан сирғалиб тушаркан. – Сизни кузатиб қўяман.

Улар эшик олдига боришганда, Зои деди:

– Бу... билмадим... Жуда оддий кўринаркан.

– Ростдан ҳам, бу жуда оддий, – жавоб берди Ҳенри. – Шунинг учун ҳам иш беради. Инсоннинг ҳаётини одатда жуда оддий ғоялар ўзгартиради, мураккаблари эмас.

– Сизнинг “кунига ўн доллар”ингизга ўхшаган ғоялар, – фикрни хулосалади Зои.

Ҳенри унинг қўлидаги латтега ишора қилиб, яна жилмайиб қўйди.

– Худди қаҳвангиз – *латте омиллингиз* сингари.

– Тўғри, – тасдиқлади қиз улар эшикка яқинлашганларида. – Менинг латте омиллим.

Аммо Зои бу нимани англатишини умуман тушунмаганди.

– Хўп, раҳмат сизга, – деди Зои. – Анча... анча маълумотга эга бўлдим.

Сўнг миннатдорлигини билдириш учун қўлини Ҳенрига узатди.

– Ҳмм... – деди Ҳенри қизнинг юзидаги шубҳани ўқиб. У Зоининг қўлидан тутганча унинг юзига яна бир лаҳза қараб қолди.

– Зои, рақамларни эсдан чиқаринг, – деди кейин секингина. – Бу рақамларнинг ортида турган нарса катта аҳамиятга эга. Энг аввал

Ўзингизга тўлаётганингизда ўзингизни чиндан ҳам биринчи ўринга қўйган бўласиз.

Зои қовоғини солди. У шундай қилишдан ўзини тўхтата олмади: чунки қулоғи остида онасининг “Ўзингни бошқалардан олдинга қўйма, Зои, ҳар доим бошқа одамларнинг манфатини устун бил!” деган овози эшитилгандек бўлганди.

Ҳенри енгилгина бош ирғади.

– Биламан, бу қайсидир маънода сизга берилган таълим-тарбияга зид, тўғрими? Сизга доимо яхши одам ўзини биринчи ўринга қўймаслиги, у доимо бошқаларни ўйлаши айтилган бўлса керак. Тўғрими?

– Ҳа, шунақароқ.

– Ва, албатта, бу гапларнинг барчаси ҳақиқат. Бор эътиборимизни бошқаларга яхшилик қилишга қаратиш маданиятли инсон эканимизни англатиб турадиган фазилат. Аммо ҳаётнинг ўзи мантиққа зид – баъзида бошқаларга яхшилик қилишнинг ягона йўли ўзингизни биринчи ўринга қўйиш бўлиб қолади. Нима демоқчилигимни тушуняпсизми?

– Очигини айтсам, йўқ, – ростини тан олди Зои.

– Одатда самолёт ҳавога кўтарилган пайтда йўловчиларга бериладиган тавсияни эслайсизми? Фавқулодда вазиятда кислород ниқобини биринчи навбатда ўзингизга, кейин эса болага тақиб қўйиш керак, дейишади. Бу мантиқсиздек кўринади, чунки биринчи ўринда болаларга ғамхўрлик қилинг, дейишса керак деб ўйлагандингиз, шундайми? Аслида эса

йўқ, чунки ҳушингиздан кетиб қолсангиз, унда ҳеч кимга яхшилиқ қила олмайсиз. Тушуняпсизми?

– Ўйлашимча... ҳа, – деди Зои.

Ҳенри ҳамон унинг қўлидан тутиб турар, энди эса иккинчи кафтини ҳам Зоининг қўллари устига қўйди.

– Мен бир нарсага ишонаман, Зои. Яъни ҳар биримиз шу заминга, ҳаётга ўзгача, фақат ўзимизга хос ишларни амалга ошириш учун келганимизга ишонаман. Биз бошқа ҳеч кимнинг қўлидан келмайдиган ишларни амалга ошириш учун туғилганмиз. Аммо кўпчилигимиз бундай қилаётганимиз йўқ. Чунки кўпчилигимиз биринчи навбатда бошқаларга тўлаш билан бандмиз.



Зои “L” поездига ўтирганча ишга кетаркан, Ҳенрининг айтганлари ҳақида ўйлади. “Мен ҳар биримиз ҳаётга ўзгача, фақат ўзимизга хос ишларни амалга ошириш учун келганимизга ишонаман. Аммо кўпчилигимиз бундай қилаётганимиз йўқ...”

Зои бунга ишондими?

Агар ишонган бўлса, унинг бу дунёдаги вазифаси нима?

## 5-БОБ

### ШУБҲАЛАР

Ўша куни Зои автопилот режимида ишлади. Яъни қўли ишда-ю, хаёли Ҳенри билан бўлиб ўтган суҳбатда эди. Ниҳоят, у телефонини қўлига олди ва нималарнидир қайд этишни бошлади. Шундан сўнг ёзганларини компьютерда қайта териб чиқди ва қайдларни саралаб, йўл-йўлакай уларни тартибга солди.

Археолог қазилма суякларни тўплаб, улар бир-бирига қанчалик мос келишини тушунишга урингани сингари Зои муҳаррир сифатида маълумот ва матнлар қаторини синчковлик билан кўздан кечириб чиқарди. Имло, грамматика, тиниш белгилари кабилар кутиб туриши мумкин. Зои энг биринчи қидирган нарса асосий ғоя бўларди. Ёзувчи айнан нима демоқчи ўзи?

Зои ўз қайдларига кўз югуртирди:

Аксарият одамлар кўпроқ даромад олишни бошлаганларида, шунчаки кўпроқ сарфлашни ҳам бошлайдилар.

Бу ҳақда ҳамма биламан деб *ўйлайди*, лекин деярли ҳеч ким бу *билимдан* фойдаланмайди.

Аввал ўзингизга тўланг.

Баъзилар бу тамойилни дунёдаги энг қудратли куч деб ҳисоблайди.

Кунига ўн доллар тежаш ҳаётингизни ўзгартириб юбориши мумкин.

Ҳар кунлик ишингизнинг биринчи соатидан келадиган даромадни сақлаб қўйинг.

Қайдлар ичида бир кун олдин ёзиб қўйилган яна бир изоҳ бор бўлиб, у ҳам молиявий масалалар бўйича маҳоратли устадан ёзиб олинган фикрга ўхшарди:

Агар латте сотиб олишга имкон топган бўлсангиз, ушбу фотосуратни сотиб олишга ҳам қурбингиз етади.

Зои ҳали ҳам Ҳенри бу билан, яъни “сизнинг латте омилингиз” деганда нимани назарда тутганини билмасди.

Унинг латте омили?

Поезддан тушгач, Зои уйга қайтаётиб “Елена қаҳваси”га яна бир тўхтаб ўтди. У Ҳенрининг вақти бўлса, уни топиб, латте омили ҳақида сўрамоқчи эди. Аммо бариста аллақачон кетган экан. Пештахта ортида турган ёшгина йигит унинг соат 15:00 да кетганини айтди.

– Ҳа, тушунарли, – жавоб берди Зои. – У эрталаб соат 7 да ишга келганди. Унинг сменаси анча олдин тугаган бўлса керак.

– Унинг сменаси? – ўсмир кулиб юборди. – Ҳенри сменада ишламайди.

“Сменада ишламасмикан?”

– Унда одатда соат нечада кетади? – сўради Зои.

– Хоҳлаган вақтида, – елка қисди йигит. – Одатда учга яқин, лекин баъзан кечроқ. Ёки аввалроқ.

Хоҳлаган вақтида? Бу қандай иш бўлди экан?



Зои уйга яқинлашганида ҳам хаёли шу фикр билан банд эди. У бинога кириш эшигини очиб, зинадан кўтарилди, “Жеффри Гарбер” белгиси турган тугмани босди ва: “Ўн беш дақиқа ичида пицца келади!” – деб бақирди.

Зоининг қўшниси Жеффри – мустақил ижтимоий медиа иловалари яратувчиси. У, шунингдек, коммунал тўловларни тўлаш учун қидирув тизимини оптималлаштириш, “Facebook” рекламаларини такомиллаштириш каби техник ёрдам ишлари билан ҳам шуғулланиб турарди. Лекин у ижтимоий медиа иловалари орқали бойиб кетишни кўзлаганди. Жеффри ўзи яратган ушбу иловалар “Instagram” иловасичалик машҳур бўлиб кетишига ишонар ва бир неча йилдан бери Зоига у ёки бу лойиҳада улуш таклиф қилиб келарди. Лекин Зои бу таклифларни мунтазам рад этарди.

Ҳозирги кунгача ушбу лойиҳаларнинг ҳеч бири, Жеффри ўйлаганидек, “Instagram” даражасига чиқа олмади.

Жеффри яхши йигит, Зои уни яхши кўради. Лекин Зои унинг бемаъни қарашларини қабул қила олмасди. Зоининг наздида Жеффри

ким бўлишидан қатъи назар, “бой одамлар”ни душман сифатида қабул қиладигандек туюларди, айниқса, муваффақиятли корпорацияларга шубҳа кўзи билан қарарди. Масалан, қиз ишлайдиган нашриёт ҳам шундай катта корпорациялардан эди. (Зои ажабланарди: агар иловаларидан бирортаси бозорда ўрнини топса, Жеффрининг ўзи ҳам шунақа йирик муваффақиятли корпорацияга айланмайди-ми?) Аммо дунёқарашларидаги тафовутларга қарамай, улар яхши дўст эдилар ва ҳафтада бир марта кечки овқатни бирга ейишга одатлангандилар. Таомни эса навбатма-навбат буюртма қилишарди.

Бугун Зоининг навбати эди. “Luigi”дан келтирилган, устида ҳамма нарса муҳайё катта классик пицца. Битта қўнғироқ билан Бруклиндаги энг яхши пиццани буюртма қилиш мумкин (идиш ювиб ҳам ўтирмайсиз).

Уларнинг умумий жиҳатларидан бири — очиги, ўзи бир хил жиҳатлари кам эди — на Жеффри, на Зои овқат пиширишни ёқтирарди. Тостерда қиздирилган тешик кулча ёки куйиб кетган қуймоқни айтмаса, Зои ҳеч нима тайёрламасди. Онаси ҳам унчалик овқат пишириш ташвишини қилмаган, оила асосан музлатилган овқатларни микротўлқинли печда қиздириш билан овора бўлиб, ошхонадаги печь ёки музлаткичдан кўра уларнинг олдида кўпроқ вақт сарфларди. Зоининг бувиси нон пиширган. Лекин онаси бу анъанага нуқта қўйган: “Нон пишираманми? Ҳатто оддий қиём тайёрлашни ҳам билмайман-ку!”



Тамадди пайтида Зои Жеффрига галати бариста ҳақида гапириб берди.

Ҳенрининг ўзига тортадиган нимасидир бор эди, Зои унинг ёнида ўзини яхши ҳис этарди. Харизмага ўхшаш нимадир, лекин бу мутлақо бошқа нарса эди. Зои ўша фотосуратдаги ўзига маҳлиё этган нарса нима эканини била олмагани каби, бу синоатни ҳам тушунмасди.

Жеффри Зоининг ўша кунги воқеалар ҳақидаги ҳикоясини жимгина эшитди.

Қиз пиццани еб бўлгач, бармоқларини артди ва ноутбукини очди. Зои ўша куни ишида ўтирган пайтида Ҳенри қаҳвахонада чизган ўша жадвални қайтадан чизишга вақт ажратганди. У бу сафар бир кунлик жамғармасини 25 доллар деб белгилаганди. Унинг ҳисобкитобларига кўра, шунда жамғармаси бир йил ичида тахминан 6800 долларга, 40 йилда эса қандайдир астрономик миқдорга айланиши мумкин экан.

Зои ноутбукидаги электрон жадвални очди ва уни Жеффрига кўрсатди.

– Буни қаранг, – деди у, – 40 йилдан кейин 67 га кираман ва шунда тўлиқ нафақага чиқиш ҳуқуқим бўладими? Қўлимда эса *уч миллион доллардан кўпроқ* пул бўлиши мумкин, Жеффри!

Йигит шошилмай ҳар бир бармоғини намойишкорона артиб чиқди, кейин эса креслога суяниб, қўлларини обдан тозалади ва Зоига қаради.

– Жиддий айтяпсизми? – деди сўнг. – Зои, Қўйсангиз-чи. Ўн фоизми? Қандай қилиб?

Шу 10 фоизни қаердан топмоқчисиз? Бундай фоиз ставкалари аллақачон ўтмиш сарқитига айланиб бўлган. Қолаверса, бутун тизим чириган ва буни сиз ҳам биласиз. Қанча кўп тежашга уринсангиз, ҳукумат сиздан шунчалик кўп пул юлиб олади.

Ҳенри маошининг бир қисми солиққа тортилишидан олдин четга олиб қўйиш ҳақида нима деганди? Зои унинг сўзларини ё эслай олмади, ё ўшанда тўлиқ тушунмаган ти.

— Бунинг устига, *инфляция* ҳам бор. Қирқ йилдан кейин бир миллион долларнинг қиймати қанча бўлишини биласизми? Эҳ-ҳе. Агар ўшанда қариялар уйдан жой олишга қурбонгиз етса, омадингиз келгани шу бўлади. 401(к) пенсия режаси ҳақида нима дейиш мумкин? Улар буни шунчалик кўп қоидалар, тартиблар ва чекловлар билан мураккаблаштирадики, барчаси сизга қарши ишлайди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, — қўшимча қилди у, — яна қанча пайт бу ишда бўлишингизни ким билади? Ишдан кетсангиз, пенсия режангиз нима бўлади?

Хафа бўлманг-у, Зои, лекин Ҳенри деганингиз буларни қаердан ҳам билсин? Ўзи 60-70 ёшларда бўлса керак-а? Шу ёшдаям бариста бўлиб ишлаб юрибдимми?

Бу саволга Зоининг ҳеч қандай жавоби йўқ эди.



Жеффри пицца учун раҳмат айтди ва хонасига қайтиб кетди. Зои кейинги қирқ беш дақиқани сочларини ювиш, аллақачон деярли бўшаб қолган музлаткични тозалаш ва камдан-кам ишлатиладиган печкасини қиртишлаб ювишга сарфлади. У ниҳоят ўзини стулга ташлади ва ишлашдан тўхтади. Мана шундагина ақлдан озган кишилардек ҳамма ёқни тозалаш билан овора бўлаётганининг сабабини тушунди.

Зои буюмларни тозалаш асносида Жеффрининг Ҳенри ҳақидаги шубҳаларидан қолган “излар”ни ҳам ўчириб, уларни хаёлидан тозалашга уринаётганди.

Қиз ўзи охирини тўлдириб қўйган Ҳенрининг чизмаларидан ҳаяжонланган, “барча инсонлар маълум бир сабаб билан дунёга келган” қабилидаги сўзларини хаёлидан чиқаролмас, бу гапдан ҳатто руҳланганди. Тан олиш керак, Ҳенри Зоининг қалбида қандайдир умид учқунларини ёқиб юборганди.

Жеффри эса буларнинг барини биттада ўлдириб қўйди.

*Бундай фоиз ставкалари аллақачон ўтмиш сарқитига айланиб кетган.*

Зои телефонини олиб, яқинларининг рўйхатини бирма-бир қараркан, “Онам” деб ёзилган қаторга бармоғини босди. Бир неча сигналдан сўнг онаси телефонини кўтарди.

– Салом, ойи.

– Салом, азизам. Ишларинг жойидами? – жавоб берди онаси ҳорғин овозда.

– Ҳаммаси яхши. Мен ҳам сиздан шуни сўрамоқчи эдим, яхшимисиз? Овозингиздан жуда чарчаганга ўхшайсиз...

– Ҳа, лаънати грип-да, болам, – жавоб берди онаси. – Аввалига отангни оёғидан чалиб йиқитди, кейин менга ёпишиб олди.

Онаси хўрсиниб қўйди, аммо яна гапира бошлаганида Зои унинг овозидан хурсандлигини билди:

– Телефонда овозингни эшитишим билан аҳволим анча яхшиланди. Хўш, ҳаётинг яхшими, қизим? Ишда-чи, ҳаммаси жойидами?

– Яхши, ойи. Эшитинг, сиздан бир нарса сўрасам, майлими? Дадамнинг иш жойида ўзларининг 401(к) пенсия режалари бор, шундай эмасми? Ундан келадиган даромад қанча бўлишини биласизми? Отам янги жойга кўчганида эски ишхонадаги 401(к) га нима бўлганди?

– Эҳ, қизим... Ростини айтсам, билмайман. Буларнинг барчасини отангинг ўзи ҳал қилади. Сен анави бошқа ишга ўтиш ҳақида ўйламаяпсан, шундайми?

Шу пайтда Зоига кимдир қўнғироқ қилаётгани ҳақида огоҳлантирувчи овоз эшитилди. Зои экранга қаради – Жессика қўнғироқ қилаётганди.

– Ҳали бир қарорга келганим йўқ, ойи. Кечирасиз, кетишимга тўғри келяпти.

– Борига шукр қилишни ўргангин, азизам. Дарахт ҳам бир жойда кўкаради, дейишади, ахир...

– Биламан, она. Сизга эртага яна қўнғироқ қиламан. Ҳозир менга зарур қўнғироқ бўляпти, бу шошилинич. Сизни яхши кўраман!

Зои онаси билан суҳбатини тугатди. Кейин дарҳол навбатдаги қўнғироққа жавоб бермоқчи эди, лекин охирги сонияларда иккиланиб қолди. Негадир ҳозир Жессика билан бу мавзуда гаплашгиси келмади. У телефонни кўтармади ва нариги томондан овозли хабар келди:

*“Салом, Зои. Жума кунги режамиз ўзгаргани йўқми? Бу ҳафта ичимликлар менинг ҳисобимдан! Кўришгунча! Раҳбаринг билан журналдан кетиш ҳақида гаплашиб олдингми?”*

Зои телефонини ўчирди ва уни столга қўйди.

– Йўқ, – деди у бўм-бўш уйга қараркан. – Ҳали гаплашмадим.

Зои яна бир марта (шу ҳафта ичида юзинчи марта бўлса керак) агентликнинг иш таклифи ҳақида ўйлаб кўрди. Каттароқ умидлар, каттароқ маош, каттароқ масъулият. У чуқур нафас олди ва секинлик билан нафасини чиқарди.

У ерда Жессиканинг ҳаёти жуда тез суръатда кечади, бу аниқ. Агар Жеффрининг стратегияси катта муваффақиятга интилиш, бирданига миллионлаб долларлик шартномаларга эришиш бўлса, Жессиканинг стратегияси бор кучини ишга солиб, барчадан ўзиб кетиш орқали юқори чўққиларга чиқиш эди. Жессика босқичма-босқич кўтарилмаётган, балки босқичларсиз бирданига юқорига сакраётганди.

Зои-чи? Унинг стратегияси қандай?

## 6-БОБ

### МОЛИЯВИЙ РЕЖАЛАРНИ

### УНУТИБ, ТЎЛОВЛАРНИ

### АВТОМАТИК АМАЛГА ОШИРИНГ

Пайшанба куни эрталаб ташқари жуда совуқ эди. Зои пальтосига ўраниб олган бўлишига қарамай, шамолга қарши тез юриб бораётганида совуқ суяк-суягигача ўтиб кетаётганини ҳис қилди. Шундай бўлса-да, қаҳвахонага етиб боргач, у иккиланиб қолди. Жеффрининг сўзлари ҳамон унинг хаёлларини таъқиб этарди. У Жеффрининг бемаъни қарашлари ҳақиқат бўлиб чиқишини хоҳламасди. Лекин унинг баъзи гапларида жон бор-ку, шундай эмасми? Балки, барчасига эътибор бермай, ишга кетавериши керакдир.

Зои чуқур нафас олди, эшикни очди ва қаҳвахонага кирди.

Ҳенри ўзининг бурчакдаги столида ўтириб, баланд бўйли одам билан суҳбатлашарди. Галстук, дазмолланган оқ кўйлак, тўқ рангли жинси шим, илон терисидан тикилган этиклар, Сьерра-Неваданинг контурли харитасига ўхшаб кетадиган дағал юз – буларнинг барчаси

ушбу новча инсонни кастингда ковбой ролида чиққан кишидек қилиб кўрсатарди.

Ажабо! Зои қаҳва ичиш учун навбат кутар экан, Ҳенри ўша бурчакдаги столни ўзининг уйидек эгаллаб олганини ўйлаб ҳайратланди. Шундагина биринчи марта “Балки, у шунчаки бариста эмасдир” деб ўйлади. Эҳтимол, у эрталабки сменада ишлайдиган менежердир? Аммо Барбара уни бариста деб айтмаганмиди?

– Хайрли тонг, Зои, – саломлашди Зоининг қаҳвасини қўлига олиб келаётганини пайқаган Ҳенри. – Сизни дўстим билан таништиришга рухсат беринг. Бу дўстим Барон, у энергетика бизнеси билан шуғулланади.

– Бен Доусон, – деди эркак Зоининг қўлини ушларкан. – Аммо дўстларим мени Барон деб чақиришади. Душманларим бўлса Оклахомада, шундай экан, улар мени нима деб чақиришлари муҳим эмас.

– Танишганимдан хурсандман, Барон. Зои Дэниелсман, – деди қиз эркакнинг қўлини сиқаркан. Ҳенрининг қўли юмшоқ матодек бўлса, Бароннинг кафти қўтос терисига ўхшаб кетарди. – Умид қиламанки, сизларга халал бермайман.

– Асло, – деди Ҳенри ва бўш стулга ишора қилди. – Ўтиринг, марҳамат.

Кейин эса Баронга юзланди:

– Зои сифатли суратларнинг ошиғи.

– Ҳенри менга келажак ва бойлик ҳақидаги қарашларини гапириб берди, – деди Зои стулини тўғриларкан.

Бароннинг қошлари кўтарилди.

– Аҳа, – деди у секин, салмоқли бош ирғаб.  
– Учта сирми? “Аввал ўзингизга тўланг” ва шу кабиларми?

– Айнан ўзи! Кунига ўн доллар билан бойиб кетиш, – жилмайди Зои.

Барон яна қошларини чимирди.

– Ҳа-а, – деди у жиддий ва Ҳенрига ўгирилди. – Ҳар хил бемаъни гапларинг билан бечора қизнинг бошини қотириб ташляпсанми, қаҳвачи?

Ҳенри жилмайди ва Барон томон эгилди.

– У аллақачон бой, – деди у ишонч билан. – Фақат буни ҳали ўзи билмайди.

Кейин Зоига қаради ва кўз қисиб қўйди.

– Ҳа, – деди қиз, – энди анча енгил тортидим.

Барон ҳингиллаб кулиб юборди.

Ҳенри бошини бир ёнга эгиб, Зоига ўйчанлик билан қаради:

– Лекин ҳали бу мавзуда саволингиз бор.

“Саволим жуда кўп” ўйлади Зои.

– Ҳа, ростдан ҳам сўрайдиганларим бор, – жавоб берди кейин. – Айтганимдек, пул масаласида тартибли эмасман. Кунига доллар тежаш каби нарсаларда...

Ҳенри бош ирғаб қўйди.

– Очигини айтсам, режага риоя қилишим жуда қийин, – давом этди Зои. – “Аввал ўзингизга тўланг” ғоясини тўлиқ тушундим, лекин ҳафталар, ойлар (йилларни-ку, айтмаса ҳам бўлади) давомида бу тартибга амал қилиб яшай олишимга кўзим етмайди.



– Катта эҳтимол билан узоқ муддат бир хил режага амал қилиб яшолмаган бўлардингиз, – тасдиқлади Ҳенри. – Шунинг учун ҳам бизда иккинчи сир бор.

У суҳбатдоши гапининг салмоғини ҳис этиши учун бир муддат сукут сақлаб, кейин сўради:

– Менимча, сизга молиявий режалашнинг самараси ҳақида ўргатишган бўлишса керак, шундай эмасми?

“Э худойим, мана, етиб келдик!” ўйлади Зои. У бюджет, ҳисоблаб бориш кабилардан нафратланарди. Бу оқилона ишлигини биларди, лекин ичида азал-азалдан бюджетни тартиблаш гоёсига қарши чиқиб турадиган телбавор туйғу бор эди.

– Молиявий режалар! – бирдан хитоб қилди Барон. – Эҳ! Молиявий режа борасида қиладиган биринчи ишингиз – бу гоёнинг ўзини, самарасини ва барчасини оласиз-у, кейин қолган чиқитлар билан ахлат қутисига улоқтирасиз, тамом!

Зои кулавериб, бўғилиб қолди. “Ҳа! Бу масалада фикримиз ўхшаш экан!”

– Молиявий режалар! – такрорлади Барон. – Қандай бемаънилик!

Барон гапиришдан тўхтай демасди! У Зои томон эгилди.

– Сиз ҳам молиявий режалардан нафратланасиз, шундайми?

Зои бош ирғади.

– Албатта, нафратланасиз-да! Ҳамма нафратланади. Хўп, майли, ҳамма ҳам эмас. Мо-

лиявий ҳисоб-китоблар, режаларга келганда улар билан табиий равишда яхши чиқишиб кета оладиган одамлар ҳам бор. Улар ноёб, яккашоҳлар каби камдан-кам учрайдиган, қимматбаҳо мавжудотлар. Бизга ўшанақа одамлар керак. Уларга муҳим ишларни топшираемиз. Мен ишлаётган жойда бюджет ҳисоб-китобларини жуда яхши кўрадиган катта молиявий таҳлилчимиз (CFO)<sup>1</sup> бор. Эҳтимол, тунда ёстиғи остида ҳам шу ҳисоб-китобларини сақласа керак. Қолганлар-чи? Қолганлар оддий бандалармиз. Биз молиявий режалардан худди заҳардан нафратлангандек нафратланамиз.

Зои бу одамни Ҳенри қандай ҳовуридан туширишини ва шунда ҳам уни ўзи билган босиқ бариста сифатида кўришни интиқлик билан кутаётганди.

Ҳенри фақат бош ирғаб қўйди:

– Барон ҳақ, албатта.

Зои унга тикилиб қолди:

– Кечирасиз, лекин?..

– Бу молиявий режалар дегани корпорациялар ёки йирик ташкилотларга яхши, лекин якка шахслар учун унчалик яхши эмас, – деди Ҳенри. – Жамғарма режангиз иш бериши учун ҳар ҳафта чек ёзишингиз керак бўлса, бу шунчаки бажарилмайдиган иш. Бу характерга боғлиқ эмас, Зои, инсон табиати шундай. Шахсий бюджетни тартиблаш, кирим-

---

<sup>1</sup> CFO – инглизча “chief financial officer” сўзлари қисқартмаси бўлиб, молия бошқарувчиси маъносини англатади.

чиқимларни ҳисоблаб бориш ғояси назарий жиҳатдан оқилона бўлиб кўриниши мумкин, аммо чинакам ҳаётда бу иш бермайди.

– Нима учунлигини биласизми? – суҳбатга қўшилди Барон.

Зои томоқ қириб олгач деди:

– Йўқ, билмайман. Хўш, нега экан?

– Чунки бу иш қизиқ эмас, шунга! – суҳбатни яна илиб кетди Барон. – Бу парҳез тутишга ўхшайди: уни бошлаш осон ва охиригача олиб бориш деярли иложсиз. Пулингиз қаёққа кетиши кераклиги ҳақида рўйхат тузиш ва бутун бошли ҳаётингизни тартибга солишга уриниш – даҳшатли туш. Бу *табиатимизга зид!*

Ҳенри табассум қилди.

– Тўғри, мен шу ҳақда айтмоқчи эдим: қанчалик мантиқий ва ишончли бўлиб кўринмасин, ҳеч қандай молиявий режа “аввал ўзингизга тўлаш”га мажбурлай олмайди. Буни амалга оширишнинг фақат битта усули бор.

У блокнотини олиб, кеча ёзган саҳифасига қайтди ва “Аввал ўзингизга тўланг” деган сўзлари остида ўзининг узун ва йирик дастхати билан шундай деб ёзди:

## **2. Молиявий режаларни унутиб, тўловларни автоматик амалга оширинг**

– Агар сиз ҳар ҳафта чек ёзишингиз ёки омонатларни мунтазам равишда тўлдириш учун онлайн дастурга киришингиз керак бўлса, эртами-кечми, нимадир муаммо чиқади ва сиз

шунчаки режага амал қилишдан тўхтайсиз. Зои, сизга бир савол: ўзингизни банд одам деб ҳисоблайсизми?

– Албатта, – деди Зои, – мени банд эмас деб айтиш қаттиқ ҳақорат бўларди.

– Албатта, бандсиз, – тасдиқлади Ҳенри. – Ҳар бир одам шундай. Тахминимча, сизга керак бўлган охирги нарса – молиявий режа тузиш ва ҳар ҳафта ҳисоб-китобларни амалга ошириб бориш каби қўшимча ишларни бўйнингизга олиш. Ҳақиқат шундаки, буни шунчаки бажаролмаган бўлардингиз.

Зои бу фикр билан баҳслаша олмасди.

– Ягона ечим, – деди Ҳенри, – кундалик қарорлар қабул қилишдан сизни озод этиб, бу ишни оддий автоматик режимга ўтказишдир. Шунда улар кўринмас фонда ўз-ўзидан амалга ошаверади. Сиздан назорат, интизом, ирода кабилар талаб қилинмайди. Шунчаки тизимни ўрнатинг ва унинг ишлашига қўйиб беринг.

– Чўнтагингда йўқ пулни сарфлай олмайсан, – гап ташлади Барон.

– Айнан шуниси зўр, – деди Ҳенри, – автоматик тизимнинг ажойиблиги ҳам шунда. Ҳар икки ҳафтада ёки ҳар ойда иш берувчингиз билан маошингиз солиққа солинишидан олдин 401(к) пенсия режангиз тўловлари дарҳол автоматик ҳисобдан чиқарилишини келишиб оласиз ва банк ҳисобингиз автоматик равишда тўлдирилади. Шу холос.

– Шунчалик оддийми? – ишонқирамай сўради Зои.

– Ахир ечим осон бўлиши керак. Осон бўлмаса, уни қилмайсиз. Агар уни автомат режимга ўтказмасангиз, режаларингиз ҳам амалга ошмайди.

– Автоматик тизимга ўтиш, – пичирлади Зои, бу сўзларни телефонига ёзиб оларкан.

Барон яна гапга қўшилди:

– Ҳукумат буни аллақачон англаб етган. Иккинчи жаҳон урушигача биз – барча намунали америкаликлар – ўз маошларимизни тўлиғича олардик ва кейинги йилгача Сэм амакига улушини тўламасдик. Муаммо шундаки, биз – барча яхши америкаликлар – ёмон режа тузгандик. Бизда *молиявий режа* йўқ эди, – у кулиб қўйди. – Улар халқ солиқ тўлай олиши учун аввал молиявий режалашни ўрганиши керак, деб ҳисоблашди ва бюджет ҳисоб-китобларини ўргатадиган кампанияларга пул сарфлаб кўришди. Қуриб кетсин – бу ҳам иш бермади! Шундай қилиб, Сэм амаки “Жин урсин!” деди ва ўз улушини ҳар ойда олишига ёрдам берадиган оддий тизимни ўрнатди...

– *Автоматик равишда*, – қўшимча қилди Ҳенри.

– Айнан!.. – такрорлади Барон. – Ҳисоб-китобни билмайдиган кичкина қўлимизга маошимиз тушмасидан олдин унинг бир улуши автомат тарзда олинади. Нима ҳам дердик, бу тизим иш берди. Ҳар сафар ҳар бир долларни ишлаб топганимизда, *биринчи бўлиб Сэм амакига тўлаймиз*.

– Шундан кейин Америка корпоративи ҳам шу “ўйин”га киришди, – деди Ҳенри. – Бирор спорт залига борасизми, Зои?

Дарҳақиқат, Зои спорт залига боради. Югуриш ва бошқа машқларни бажаради.

– Залга аъзолик бадали ҳар ой ҳисобингиздан автоматик тарзда ечиб олинади, шундай эмасми?

Зои бош ирғади.

– Улар аъзо бўлган кунимдан шу тизимни ўрнатишган, – жавоб берди Зои.

– Албатта-да! Аксарият компаниялар ҳозир шундай қилади, – дея қўшимча қилди Барон. – Чунки бу усул иш беради!

– Мана шу иккинчи сир, – деб хулоса қилди Ҳенри. – Сиз шунчаки худди шу ишни ўзингиз учун қилишингиз керак. Ҳукумат сизга ҳатто солиқлар ундирилгунга қадар буни амалга ошириш учун махсус усулни тақдим этган.

– 401(к), – пичирлади Зои.

– Ҳа, сизнинг 401(к) режангиз, – тасдиқлади Ҳенри. – Солиқдан олдинги пенсия ҳисоби. Бунинг бошқа турлари ҳам мавжуд – IRA, ўз-ўзини иш билан таъминлаш режаси (SEP) ва бошқалар – бошқа мамлакатларда ҳам шундай тушунча бор. Улардаги дастурлар бошқача ном билан аталиши, тафсилотлари турлича бўлиши мумкин, лекин барчаси бир хил нуқта: даромадингиз солиққа тортилишидан олдин биринчи навбатда ўзингизга *автоматик равишда* тўлашингиз мумкин бўлган жойга айланади.

– Ва шу билан бирга, – деди Барон стулини орқага суриб, ўрнидан тураркан, – маъзур тутасизлар, хонимлар ва жаноблар, менимча, озгина танаффус қилиб, “Елена”нинг энг яхши қаҳваларидан татиб кўриш вақти келди. Сизга нимадир керакми, хоним?

Зои жилмайиб қўйди.

– Йўқ, раҳмат.

У ўзини “хоним” деб чақирганларини охирги марта қачон эшитганди-я?

– Дўстингизнинг табиати ўзига хос экан, – деди Зои улар Бароннинг бар томон йўл олишини кузатиб туришаркан.

– Ҳа, – тасдиқлади Ҳенри. – Шунингдек, у ҳеч қачон таслим бўлмайдиганлар тоифасидан. Нефть бизнеси билан шуғулланарди, лекин бу соҳа оғир кунларни бошидан кечирди. Кейин у Нью-Йоркка кўчиб ўтди, у ерда энергетика соҳасида – қайта тикланадиган энергия манбалари (шамол, қуёш энергияси ва барча энг янги технологиялар) билан шуғулланадиган компаниядан иш топди. Кишини ҳайратга соладиган янгиликлар. Водород, фойдаланилган иссиқликни бошқа энергияга айлантириш..

Ҳенри овозини йўғонлаштириб, пастлатди ва Баронга хос оҳанг билан деди:

– Дадамнинг хаёлига ҳам келмаган нарсалар булар.

Зои кулиб юборди. Ҳенрининг Барон ҳақидаги таассуротлари ажойиб эди.

– Келажакка хуш келибсиз, – қўшимча қилди у ва Зоига тикилди. – Лекин ҳали ҳам саволларингиз тугамаган.

- Аслида, бир нечта саволим бор, менимча,  
– деди Зои. – Мумкин бўлса, сўрасам?  
– Бемалол.



“Хўш, бошланди” ўйлади Зои. У қўполлашишни истамаганди, лекин Жеффрининг эътирозларини тўғридан-тўғри сўрашдан бошқа ҳеч бир усул билан аниқ жавоб ололмаслигига кўзи етди.

– Кеча даромаднинг бир қисмини йилига 10 фоиз даромад келтирадиган махсус ҳисоб рақамига қўйиш кераклигини айтгандингиз.

Ҳенри бош ирғади.

– Ҳайрон бўлган жойим... бу ҳақда бир дўстим билан гаплашгандим... У энди бундай ставкаларни топишнинг иложи йўқ, бу ўтмишдан қолган нарса, деди.

Ҳенри табассум қилди.

– Тушунаман. Кўпчилик бунга шубҳа билан қарайди. Бироқ, аслида, 1926 йил (маълумотларни сақлаш бошланган йил)дан бери биржа ҳар йили ўртача 10 фоиздан кўпроқ ўсишни кўрсатди. Албатта, иқтисодиётда кўтарилишлар ва пасайишлар бўлади, бозорларда акциялар нархи қимматлаб тушиб туради. Ҳар қандай йилда қанча даромад олишингиз ўша йилга ва нимага сармоя киритганингизга боғлиқ. Аммо агар сиз вазиятга каттароқ давр миқёсида қарасангиз, ўртача ҳисобда акциялар нархи кўтарилганига гувоҳ бўласиз.



Бозорлар кўтарилиб тушиб туради, ҳар доим шундай бўлган. Лекин бирор марта тушган нархлар қайта кўтарилмай қолмаган. 2008 йилги иқтисодий таназулдан сўнг акциялар бозорида пул топиш мумкин бўлган кунлар тугагани айтилди. Ўшандан бери бозорда нима бўлганини тахмин қилиб кўринг-чи?

– Акция нархлари кўтарилдимми? – сўради Зои.

Ҳенри табассум қилди.

– Йиллик ўртача 10 фоиздан ортиқ ўсиш бўлди.

– Қойил, зўр-ку!

– Тарихга қарайдиган бўлсак, – деб давом этди Ҳенри, – ҳатто энг зерикарли консерватив акциялар ва облигациялар портфели ҳам сизга 8 фоизлик соф фойда келтирган бўларди. Лекин гап аниқ рақамда эмас, Зои. Гап шундаки, даромадингиздан тежаб, уларни мураккаб фоиз орқали кўпайтириш керак.

– Майли, – деди Зои ва яна Жеффри билан бўлган суҳбатини эслади. – Аммо ҳар қандай ҳолатда ҳам, бу пуллар кўпайгач, уларни ҳисоб рақамимдан олганимда солиқ тўлашим керак, тўғрими?

– Ҳа, рост – деб жавоб берди суҳбатдоши. – Аммо агар сиз бугун ҳукуматга 30 центлик солиқ тўлаш ўрнига ўша долларни ўзингиз учун сақлаб қолсангиз, уни ҳозироқ сармоёга киритишингиз мумкин бўлади. Вақт ва мураккаб фоиз мўъжизаси билан бу пуллариингиз юқори тезликда ўсиб боради.

Сиз эса даромадларингиз ортиб борса-да, бунинг учун ҳар йили солиқ тўлашингиз шарт бўлмайди.

Ҳенри дафтаригадаги бўш варақни очиб, рақамлар ва иккита узун эгри чизиқдан иборат жадвал чиза бошлади.


— Келинг, сизга буни тушунтирай.

Қаҳвахона эшиги олдида шовқинли кулги эшитилди. Зои ортига ўгирилиб қараб, Барон қандайдир ҳикоялари билан қаторда турган мижозларни хушнуд этаётганини кўрди. Ҳамма, жумладан, пештахта ортида турган олифта кийимли киши ҳам баланд овозда куларди.

Ҳенри уларга эътибор бермай, чизмасини чизишда давом этди ва Зоига тушунтира бошлади:

— Тасаввур қилайлик, сиз йиллик 10 фоизлик ставкада 100 минг доллар сармоя киритдингиз. Ўттиз йил ичида улар 661 минг долларгача кўтарилади. Аммо агар сиз солиқ тўлаш муддати кечиктирилган ҳисоб рақамига бир хил миқдорни қўйсангиз, худди шу вақт ичида пулингиз 1.7 миллион доллардан ортиқ бўлади. Бу, бошқача айтганда, тахминан уч баробар кўп дегани.

Солиқ тўлаш муддати кечиктирилган ҳисобга сармоя киритиш катта тафовут ҳосил қилади!



Зои рақамлардаги барча математик ҳисоб-китобларга батафсил эътибор қаратмади, лекин у умумий мазмунни тушунди. “Тахминан уч баравар кўп.” Мана шу гапнинг ўзи етарли эди.

– Пул ўсаётган пайтида солиққа тортилмаган бўлса, шунчаки тезроқ ўсмайди, балки бир неча баробар тезроқ ўсади. Хўш, солиқни даромадингиз кўпайганидан кейин тўласангиз, нима муаммо? Агар сиз ростдан ҳам биринчи

навбатда солиқларни тўламоқчи бўлсангиз, Roth IRA ҳисобини<sup>1</sup> очишингиз мумкин, у ерда ҳар сафар ҳисобингизга маблағ киритаётганингизда солиқ ушлаб қолинади, аммо ставкалар эвазига орттирилган даромадлар ҳар доим солиқсиз ўсади. Агар барча пулни ҳозир ҳисобимда ушлаб туриш ва ҳукуматга кейинроқ солиқ тўлаш ёки пулларимнинг бир қисмини ҳозирнинг ўзидаёқ солиққа тортишдан бирини танлашим керак бўлса, мен биринчисини танлаган бўлардим.

Зои ҳамон жадвалга тикилиб турарди.

– Нега бу ҳақда *ҳалма* ҳам билмайди?

Ҳенри елка қисди.

– Ажойиб савол. Баъзида энг оддий ҳақиқатлар кишининг эътиборидан осонгина четда қолади. Ёки оддий бўлгани учун.. четга сурилади. Одамлар драматик нарсаларга ўч, оддий ҳақиқатлар олдидан эса бепарво ўтиб кетишади. Филни қандай ейиш ҳақидаги иборани эслайсизми?

Зои латтесидан бир қултум ҳўплади ва бош ирғаб қўйди.

– Битта-битта тишлаб.

– Бойлик тўплашда ҳам айнан шундай: битта-битта доллар тежаб, катта давлат ҳосил қиласиз. Аммо кўпчиликнинг бой бўлиш ҳақидаги *тасавурлари* умуман бошқача: лотереяда ютасан; омадинг келади ва дўстинг янги криптовалюта ёки ҳали ҳеч ким бил-

---

<sup>1</sup> Жисмоний шахслар учун шахсий пенсия ҳисобининг тури. Roth IRAга сармоя киритишнинг асосий афзалликларидан бири шундаки, охирида маблағлар ечиб олинганида, улар солиққа тортилмайди.

майдиган ажойиб юқори технологияли компаниянинг акциялари ҳақида маслаҳат беради.

Зои Жеффри ва унинг янги “Instagram” ихтиро қилиш режаси ҳақида ўйлади.

– Ёки меросхўрга айланасиз. Узоқ қариндошингиз – бесўнақай катта холангизнинг бошига кутилмаганда пианино тушиб кетиб вафот этади ва унинг мероси сизга қолади (“Яхши эсдалик” ўйлади Зои кулиб). Ёки ҳовлингиздан кўмилган хазина топиб оласиз. Буларнинг барчасида қандай умумийлик бор, биласизми? Буларнинг барчаси “Бир кун келиб, менинг кўчамда ҳам байрам бўлади” ёки “Бир кун менинг ҳам кемам келади” деган келажаги йўқ, мужмал умиднинг турли усулларда безатилган кўринишларидир.

– Киноларда албатта шундай бўлади, лекин реал ҳаётда-чи? – у бош чайқади. – Ютуқли лотерея чиптасини сотиб олган ҳар бир кишига ютуқсиз чипта учун навбатда турган миллионлаб одамлар тўғри келади. Улар қирғоқ бўйида ўтириб, денгизга қараганча бир кун юк тўла кемаси келишига умид қилаётган одамлардир. Бу эртак, Зои, бу эҳтимол, бизнинг вазиятимизда кундалик ҳаётга тик қарашдан чўчиб, ўзимизга хаёлот олами билан тасалли беришнинг бир усулидир.

– Эҳ, – тин олди Зои. – Жуда маҳзун эшитиларкан.

– Бори шу. Жуда кўп одамларда ростдан ҳам шундай. Файласуф Торо “сокин умидсизликдаги ҳаёт” деган ибора ишлатганди, биз эса юқоридаги вазиятни айни шу иборанинг молиявий ифодаси сифатида кўришимиз мум-

кин. Лекин гап шундаки, бундай бўлиши шарт эмас. Сизнинг кемангиз аллақачон шу ерда, оёқларингиз остида. Сиз унинг устида турибсиз. У аллақачон йўлга чиққан. Капитан эса ўзингизсиз. Савол шундаки, қайси манзилга қараб йўл олгансиз? Ва қайси манзилга боришни истаган бўлардингиз?

– Мана, биз келдик!.. – Бароннинг овози келди тўсатдан ва у кичкина столга қандайдир қалин икки бўлак пирог, Зоининг олдига эса бир финжон қаҳва қўйди. – Қовоқчали нонлар. Сизга яна битта латте олиб келдим, Зои. Ҳар эҳтимолга қарши.

Ҳенри у келган томонга қараб, одамлар турган навбат эшиккача чўзилганини кўрди ва ўрнидан турди.

– Энди менга рухсат берасиз, – деди сўнг ва пештахта ортига ўтиш учун нари кетди.

Барон ёнларидаги стол устига ўзи қўйган кичкина патнисга ўгирилиб, ундан қандайдир иссиқ нарса солинган кичкина сопол идишни олди.

– Янги тайёрланган иссиққина эспрессо, ажойиб...

## 7-БОБ

### НОМИ УЛУФ, СУПРАСИ ҚУРУҚ

– Барон! – кичкинагина башанг кийинган аёл Баронга яқинлашиб, унинг елкасига қоқди. – Бечора қизнинг бошини қотириб ўтирибсизми?

– Зои, менинг яхшироқ ярмим билан танишинг, – деди Барон.

Кейин эса аёлига юзланди:

– Жоржия, бу – Зои, Ҳенрининг дўсти.

Барон қиз томонга юзланиб, сирли хабарни етказаетгандек пичирлади, аммо бу баланд пичирлаш бўлиб, бешта стол наридагиларга ҳам бемалол эшитиларди:

– Бир нарсага тушунмайман. Жоржия доим шу ердан туриб охирги марта келганимизда томоша қилган суратларини қайтадан томоша қилиб ўтиради. Худди суратлар биз қарамаган пайтда ўзгариб қоладигандек-а!

Аёл Бароннинг сўзларига эътибор бермади ва Зоига қараркан, Ҳенрининг ўрнига ўтирди.

– Барон бу ерга гап сотиш учун келади, мен эса санъат учун келаман. Сиз билан танишганимдан хурсандман, Зои, – деди Жоржия ва қўлини узатиб, қизнинг кафтини оҳиста сиқиб қўйди.

Зои кулиб юборди.

– Мен иккаласи учун ҳам келсам керак. Қўшимчасига қаҳва учун ҳам.

– Ҳа, тушунарли, – деди Жоржия.

Барон қовоқли нонидан тановул қилишни бошлаганида Жоржия совитиш учун эспрессосини пуфларди.

– “Елена” барибир бошқача, – деб қўйди Жоржия.

– Маъзур тутсангиз, сизлардан бир нарса сўрасам, – гап бошлади Зои. – Ҳенри билан қандай танишсизлар?

– Яхши, – жавоб берди Барон Жоржия оғзини очишга улгурмасидан. – Бу қизиқ воқеа. Адашмасам, ўн беш йиллар олдин эди-ёв...

– Ўн саккиз, – гапга аралашди Жоржия.

Барон елка қисди.

– Ҳа, ўн саккиз бўлса бордир. Ҳар ҳолда, анча олдин эди. Иқтисодиёт юксалишда эди, нефть бизнеси ажойиб кетаётганди, олтин дамлар эди, олтин. Яхши ҳаёт кечириб юрардик. Ўзимни анча яхши бизнесмен деб билардим. Оклахома далаларининг қироли! Ўзимни коинотнинг хўжайинидек тутардим. Оддий қилиб айтсам, аҳмоқ эдим. Молия бўйича ҳақиқий даҳолар у ерда эди, – у боши билан Жоржияга имо қилди. – Лекин қайсарлик билан буни тан олмасдим.

Барон бошини хотини томонга эгди:

– Тўғрими, азизам?

– Изоҳга ҳожат йўқ, – жавоб берди хотини.

– Техасда шундай ибора бор, – деб давом этди Барон. – Номи улуғ, супраси қуруқ. Бу



ибора мақтанчоқ, аммо ортига қарасанг, ар-зирли ҳеч вақоси йўқ одамларни тасвирлаш учун ишлатилади. Мен ҳам шундайлардан эдим. Харажатларим молиявий ва жисмоний имкониятларимдан кўпроқ, ҳаддан ташқари зўриқишда эдим.

У тагин қаҳвасини майдалаб ҳўплаётган Жоржия томонга бош ирғади.

– Ва Жоржияни ҳам ўзим билан бирга судраб юрганим учун, менимча, иккаламиз ҳам шундай зўриқишда эдик, десам, инсофдан бўлади. Иқтисодиёт ўзгарди. Тўсатдан нефть бизнеси ҳам ўзининг қудратини йўқотди ва замон ўзгара бошлади.

У пештахта ортида турган ва меҳмонларга қаҳва тайёрлаш билан банд бўлган Ҳенрига қаради.

– Ҳенри сизга қандай қилиб бойлик ортириш ҳақида айтиб бердимиз? – сўради Барон Зоидан.

– Бир вақтда бир доллардан, – жавоб қилди Зоидан.

– Қизиғи, шу йўл билан бойлигингизни йўқотишингиз ҳам мумкин экан, – деди яна Жоржия.

– Ҳа, – тасдиқлади Барон ва яна Зоиданга қаради. – Биринчи топган миллионим, биласизми, унга нима бўлганди?

У бошини чайқади ва давом эттирди:

– Биринчи миллионингни топиш жуда қийин, йўқотиш эса жуда осон ва пулларнинг барчасини тугатмагунингизгача буни ҳатто

сезмайсиз ҳам. Қизиқ, нега шундай экан? – у елка қисди. – Шунчаки пул шунақа нарсадир.

У бир хўрсиниб қўйди ва давом этди:

– Қарабсизки, кунлардан бир куни шифокор қабулида ички кийимда ўтирибман, у ҳар хил асбоблар ва стетоскоплар билан атрофимда парвона. Юрагимни эшитиб кўриб, унинг уришини ўлчайди, у қилади, бу қилади ва охири томоғини қириб: “Барон, сизга бир гап айтишим керак”, – дейди. Ва менга агар ичишни, чекишни ва кунига деярли беш килограмм гўшт ейишни тўхтатмасам, ўлишим мумкинлигини айтади. Мен эса “Қоғозга ўраб ўтирмай, очик айтинг, доктор!” – дейман. “Барон, сизда икки танлов бор: ё зарарли одатларингизни танланг, ё ҳаётингизни”, – деб жавоб беради у. Шундай қилиб, ўша ерда, докторнинг жин ургур столидан индамай унга қараб ўтираман. Ва ниҳоят, у мендан: “Хўш? Нимадир дейсизми?” – деб сўрайди. Мен бўлсам: “Бир дақиқа тинч қўйинг. Шунини ўйлаяпман ўзи!” – дейман.

Барон бошини орқага ташлаб, шундай қаттиқ кулиб юбордики, қаҳвахонанинг бир қанча мижози нима бўлаётганини кўриш учун бошларини овоз келган томон буришди. Яқин атрофдаги столларда ўтирганлар эса ўгирилмасдан ҳам кулишди. Зои тушундики, булар Бароннинг ҳикояларини аввал ҳам эшитган доимий мижозлар экан.

– Ва мен бу борада жуда қаттиқ, бир неча ой ўйладим. Ўзимни ўзгартириш учун ҳеч нарса қилмадим, шунчаки бу ҳақда ўйладим. Кўпинча бир хил нарсаларни ўйлардим: “Ҳа-

зиллашяпсизми? Гўшт ейишдан воз кечаман? Чекишни ташлашим керак? Коктейль ичишни бас қилишим шарт? Э, бор-э!”

Спиртли ичимликларга муккасидан кетмагандим, мен учун ичишни ташлаш катта муаммо эмасди, лекин буларнинг барини бирдан ташлаш муаммо эди. Вазним ўттиз олти килограмм ортиқча бўлса, ўзимга бўлган ишончим уч юз олтмиш тонна эди. Нима тезроқ қулаши борасида рақобат кетаётгандек эди: банк ҳисобимми ёки никоҳимми?

– Ёки юрагингиз, – деди Жоржия.

– Ҳа, тўғри. Буни унутаёзибман.

– Хўш-хўш, жарроҳ юрагингизни операция қилгани ҳақида ҳам унутиб қўйгандирсиз, – қўшиб қўйди Жоржия.

Барон хахолаб юборди.

– Ҳа, тўғри, – деди у яна. – Шунақаям бўлганди.

Зоига бу икки инсоннинг худди комедиядаги тажрибали дуэтлар каби ўзаро ҳазиллашиши жуда ёқди. Уларнинг ёши Зоининг онаси қатори эди. Қизиқ, яқинлари шунақа ҳазиллашиб кулганини у охириги марта қачон кўрганди?

– Бароннинг юраги хуруж қилиб қолганида Нью-Йоркда иши билан юрганди, – деди Жоржия. – Мен Тулсадан учиб келгунимга қадар уни аллақачон операцияга тайёрлаб қўйишган экан.

– Азизам... – гапга аралашди Барон. У бутун бошли ўн сония давомида сукут сақлагани учун сабри чидамай кетаётгандек эди. – Мен бо-

риб қарай-чи, яна бир финжон янги қаҳвадан ҳидлай олармикинман. Зои, сизга ҳам олиб келайми?

– Йўқ, раҳмат, – деб жавоб берди Зои.

Барон пештахта томонга юрди. Зои эса Жоржияга юзланди.

– Шундай қилиб, уни операцияга тайёрлашаётганмиди? – сўради Зои суҳбатни давом эттиришга ташаббус кўрсатиб.

Жоржия суҳбатни давом эттиришдан олдин бироз тин олди.

– Биз...

Зои тўсатдан Жоржиянинг кўзлари ёшланганини англади.

– .. уни йўқотиб қўяй дедик. Эшакдай қайсар одам-да ўзиям, – деди Жоржия ва кулиб бир кўзини столдаги мўъжаз салфеткага артди. – Ва у ҳеч ким: шифокорлар, ўз хотини, ҳатто қизимизни ҳам эшитмасди.

Аёл чуқур нафас олди ва қаҳвасидан яна бир қултум ҳўплагач, сўзлашда давом этди:

– Аммо Ҳенрига қулоқ солди.

“Ҳенрига?” Зои касалхонага ётқизилган Оклахома нефть магнати ва Бруклиндаги қаҳвахонанинг эрталабки смена менежерининг йўли қандай туташиб қолиши мумкинлигини тасаввур қилишга уринди.

– Ҳа, – тасдиқлади Жоржия. – Биз дарҳол уйга кетолмадик. Барон касалхонадан чиққанидан кейин ҳам бир қанча вақт узоққа кетмай туришимизни тавсия қилишди. “Шаҳардан чиқиб кетишни умуман режа қилманг”, дейишади-ку киноларда, шунақа.

У яна оҳиста табассум қилди ва сўзлашда давом этди:

– Биз вақтни ўтказиш учун Бруклиндаги санъат галереяларида сайр қилишни бошладик. Бир куни бу ерга қаҳва ичиш учун келдик ва деворлардаги суратларни томоша қилиб қолдик. Ҳенри билан ўшанда учрашгандик. Барон иккиси бир зумда тил топишиб кетишди. Ва Ҳенри дарҳол унга тўғри йўлни уқтира бошлади. Турли нарсаларни тушунтирди.

– Пул ҳақидами? – сўради Зои.

Жоржия табассум қилди.

– Озиқ-овқат ва умуман турмуш тарзи ҳақида. Аслида, ҳаётда қандай омон қолиш ҳақида. Биринчи марта Ҳенри Баронга соғлиғингни ҳам худди моддий аҳволингни яхшилагандек яхшилайсан, дегани эсимда.

Кейинги жумлани икки аёл баравар айтди:

– *Битта-битта қадамлар билан.*

Жоржия илиқ табассум қилди.

– Ва Барон чиндан ҳам Ҳенрига *қулоқ тутди*, – Жоржия бош ирғаб қўйди. – Кичик мўъжизалар учун Яратганга шукрлар бўлсин. Аммо тез орада молиявий аҳволимиз оғирлашди. Айниқса, шифохонадаги якуний текширув учун тўлашимизга тўғри келган пайтда сал қолса менинг ҳам юрагим хуруж қилай деди.

У Зоига қаради ва сўради:

– Боя Ҳенри сизга аллақачон бой эканингизни, лекин ҳали буни ўзингиз билмаслигингизни айтаётгандими?

Зои бош ирғади ва ўйлади: “Қойил! Бу аёл ҳамма нарсани эшитаркан”.

– Тўғриси, бизда бунинг акси эди. Биз аллақачон банкрот бўлгандик, аммо ҳали ўзимиз билмасдик. Лекин кейин ҳаммаси ойдинлашди.

У қаҳвасидан озгина ҳўплаб, яна Зоига қаради.

– Харажатларимиз қанчалик ортиб кетганини билмасдим. Молиявий ишларни доим Барон ҳал қилишига қўйиб берганман. У операция столига ётганидан кейингина почталарни ўзим очишни бошладим ва ишлар қандай кетаётганини кўрдим. Тўғрироғи, деярли касод бўлганимизни билдим. Барча кўчмас мулкларимиз гаровга қўйилганди, муддати тугаган кредит карталаримиз Озаркс<sup>1</sup> тоғларидек тизилиб турарди. Биз ойлик минимал тўловлардан бошқа ҳеч нима қилмаётгандик.

Зои сесканиб кетди. Фақат ойлик минимал тўлов Зоининг ўзига хос кредит-менежмент усули эди. Яъни у ҳам айна шу вазиятда эди.

– Бу ёмон эканини сезиб турардим, – давом этди Жоржия. – Аммо қандай қилиб бу ҳолатга тушиб қолганимизни тушунолмасдим. “Жоржия, агар кредит картанг бўйича 20 000 доллар қарзинг бўлса ва ойлик тўловларнинг энг кам миқдорини тўлаб қўйсанг, қарздан тўлиқ қутулиш учун ўн саккиз йил вақт керак бўлади. Ва умумий 46 000 доллардан кўпроқ

<sup>1</sup> АҚШнинг бешта штати: Миссури, Арканзас, Оклахома, Канзас ва Иллинойс бўйлаб чўзилган тоғ.

пул тўлашга тўғри келади”, – деб тушунтирди бир куни Ҳенри менга. Бу сўзларни эшитиб ҳушимдан кетай дедим. Ахир бу биз бошида олган қарз миқдорининг икки бараваридан ҳам кўпроқ маблағ эди.

– Эҳ, – хўрсиниб қўйди Зои.

– Ва бу фақатгина битта карта эди холос, – деди Жоржия. – Биз тушиб қолган чуқурга етиб бориш учун эса шуни бир нечта карталарга кўпайтириш керак бўларди. Мураккаб фоиз мўъжизаси. Бу ҳақда Ҳенри айтиб берган бўлса керак, ҳойнаҳой?

Зои Жоржиянинг тахминини тасдиқлаб, бош ирғади.

– Бу мураккаб фоиз деганлари иккала томонлама ишлайди – сиз учун ва осонгина сизга қарши ҳам. Қарз тўпланиши мумкин ва агар у тўпланишни бир бошласа, тез ва жуда қўрқинчли даражада ўсиб боради.

У гапираркан, бошини афсус билан чайқаб қўйди:

– Бизда ҳаммаси яхши деб ўйлагандим. Лекин ундай эмас эди. Устимиз жуда ялтироқ, ичимиз эса *ўта* қалтироқ бўлган экан.

Зоининг хаёлида душанба куни эрталаб кўрган рекламасидаги ўша ғалати расм – чўл ўртасида турган қайиқ жонланди.

*Қаерга кетаётганингизни билмасангиз, борадиган манзилингизни ёқтирмаслигингиз эҳтимоли катта.*

– Кейин нима қилдингиз? – сўради Зои.

– Шундай қилиб... – деди Жоржия, – Ҳен-

ри муаммоларимизни босқичма-босқич ҳал этишимизга ёрдам берди. Биз Тулсадаги ақмоқона уйимизни ва иккита ёзги ҳовлимизни сотдик. Савдодан унчалик кўп пул топмадик, лекин ҳеч бўлмаганда қарзлардан қутулдик. Манҳэттендаги кичкина квартиранинг дастлабки тўлови учун етарли пулимиз қолди. Шундан кейин ҳеч қачон Оклахомага қайтмадик. Ва аста-секин ҳаммасини қайта тиклашни бошладик. Барон чекишни ташлаганида, унинг ўзи айтганидек, бу кутилмаган *дивидендлари тўлашга* хизмат қилди. Бу одам нафақат тирик қолди, балки эндиликда ойлик харажатларимизниям сезиларли қисқартирди, — деб кулди Жоржия. — Ҳенри сизга *латте омилли* ҳақида айтганмиди?

Зои бош ирғади ва хотирасига бу ҳақда Ҳенридан сўраши кераклигини ёзиб қўйди, чунки у *ҳали ҳам* бунинг маъносини англаб етмаганди.

— Шундай қилиб, — давом этди Жоржия. — Барон буни *сигарет омилли* деб атади. Ва сигаралар омилли!

Жоржия ёқимсиз тутун булутини қуваётгандек, қўлини юзи олдида силкитди.

— Барон чекишни ташлагач, бир ой ичида ўзини тамомила янги одамдек ҳис қила бошлади: хириллаши ва йўтали тўхтади. Пулларимиз солинган “қайиқ” корпусидан сизиб чиқаётган яна бир оқим бор эди — кредит карталардан фойдаланишни тўхтатдик. Уларни тўлаш учун бир неча йил керак бўлди,



лекин нима бўлганда ҳам, буни уддалай олдик. Машиналарнинг фақат ишлатилганини сотиб ола бошладик. Онам: “Вазият оғир бўлса, бунга чидай олганлардагина нақд пул бўлади”, дерди.

Жоржия жилмайиб қўйди. Кейин гапида давом этди:

– Онамнинг шиори шундай эди: ишлатилган нарса сотиб ол ва нақд пулда тўла.

Жоржия эспрессосининг охирги қултумини ичиб, бўш сопол чашкани столга қўйди.

– Сизга яна бир гапни айтаман. Ҳенри нафақат молиявий аҳволимизни, балки эримнинг ҳаётини, ҳатто никоҳимизни ҳам сақлаб қолди. Барон иккимиз пул ҳақида гаплаша бошладик. Баҳслашишни эмас, балки ҳақиқатан ҳам гаплашишни, муаммоларни бирга ҳал этишни йўлга қўйдик. Пул бизни бўлакларга бўлиб ташлади, лекин бизни жипслаштирган ҳам пулнинг ўзи бўлди. Турмушга чиққанмисиз, азизам? – сўради Жоржия.

Зои боши чайқаб, йўқ ишорасини қилди.

– Унда келажагингиз учун ёдда тутинг: жуфтликларнинг ажралишига энг катта сабаб пул бўлади. Муаммо пулнинг ўзи ёки ҳатто унинг етишмаслигида эмас, балки эр-хотинлар ўзаро у ҳақда гаплашмаслиги ва уни бирга ишлаб топмаганида.

Биринчи марта ўтириб, бюджетимиз, ҳаётимиз ва келажагимиз ҳақида юракдан суҳбатлашганимизни асло унутмайман. Иккимиз ҳам айнан нимани хоҳлашимиз ва унга эришиш учун қандай қадамлар қўйишимиз кераклиги-

ни гаплашиб олдик. Ўша пайтда худди черковдаги сичқонлар каби хонавайрон бўлгандик. Шу ҳолатда ошхонамизда ўтириб, у билан сармимий суҳбат қуришни кўз олдингизга келтира оласизми? – Жоржия табассум қилди. – Менга келсак, ўша пайтда дунёдаги энг бой аёл эдим.

Улар бир муддат жим қолишди.

– Шундай қилиб, биз ўшандан бери Ҳенрининг қаҳвахонасига келиб турамыз. Танишганимиздан кўп ўтмай, Ҳенри Барон ишлайдиган энергия компаниясига яхшигина сармоя киритди. Энди бўлса, улар қачон қараманг, қандайдир янги технологиялар ва шунга ўхшаш нарсалар ҳақида гаплашишаётган бўлади. Сизга нима бўлди? Ҳаммаси жойидами, азизам?

Зои худди ўқ овозини эшитгандек бирдан қотиб қолди. Жоржия “яхшигина сармоя” дедими? Яхшигина сармоя? Ҳенри?

Зоининг хаёллари тўзиб кетганди.

– Тўхтанг. Сиз Ҳенрининг қаҳвахонасига келиб турамыз, дедингизми? Бу унинг қаҳвахонасимми? – сўради Зои.

Жоржия қўлини Зоининг қўли устига қўйдди.

– Ҳа, азизам, Ҳенри – бу қаҳвахонанинг эгаси. Қаҳвахонани у ишга туширган.

– Жоржия! – чақирди Барон. У аёллар ўтирган стол томон қайтаркан, қўлидаги соатига ишора қилаётганди. Жоржия ўрнидан турди.

– Хўп!.. – жавоб қилди аёл, кейин изоҳ берди: – Қизимизни аэропортда кутиб олишимиз ке-

рак. Сиз билан танишганимдан жуда хурсанд бўлдим, Зои.

Кейин эр-хотинлар “Кейинги ҳафта кўришгунча, Ҳенри!” дея қаҳвахонадан югуриб чиқиб кетишди.

Столда қаҳвасига тикилганча қотиб қолган Зои эса ҳамон бошини кўтаролмасди.

## 8-БОБ

### ПУЛ ҲАҚИДАГИ АФСОНАЛАР

Поездда ишга йўл оларкан, Зоининг мияси ровлаб кетганди.

Ҳенри оддий бир бариста деган ўй хаёлига қаердан келди ўзи? Аммо Барбара шундай демаганмиди? У душанба кунги тушлик пайтида кечган суҳбатни эслади. Йўқ, Барбара бундай деганди: “*Эрталаблари сиз борадиган қаҳвахонада қаҳва тайёрлаб берадиган каттароқ ёшли эркак*”. Ҳенрини қаҳвахона ишчиси деб фараз қилган Зоининг ўзи эди, чунки ҳар куни унинг пештахта ортида ўтирганча, мижозларга қаҳва тайёрлаб бераётганини кўрганди. Бунинг устига, Ҳенри сира ўзини қаҳвахонанинг *хўжайинидек* тутмаган.

Аммо Барбара унинг кимлигини билган бўлса керак. Нега бу ҳақда индамаганикин? Нега уни Ҳенри билан гаплашиб олишга ундадийкин?

Зои офисга етиб олиши билан дарҳол Барбарани топиб, ундан ҳаммасини сўрамоқчи бўлди. Лекин бундай қилмади. Аксинча, ўттиз учинчи қаватга кўтарилгач, Барбара билан учрашиб қолишдан қочишга уринди.

Зои душанбадан бери хўжайини билан гаплашмаган, бугун эса пайшанба эди. Бу тасодиф эмасди. Зои шаҳар марказидаги агентликда янги иш бошлаш учун нашриётни тарк этиши ҳақида Барбара билан қандай гаплашишни билмасди.

Лекин Зои ишини ўзгартириш бўйича ҳали аниқ қарорга келмаган, Жессика билан ҳам шунинг учун гаплашишдан қочиб юрганди. Тан олиш керак, бу янги иш Зои учун бой бериб бўлмайдиган зўр имконият бўлиб кўринаётганди. У битта айлана бўйлаб югуриш ҳиссидан, олдинга силжий олмасликдан чарчаган ва бу йўлнинг охирини кўролмаётган эди. (Эй худойим, шу нарса ҳатто тушларига кириб чиқаётганди!) Талабалик кредитлари ҳам ой сайин камайиб эмас, аксинча, ошиб бораётгандек эди.

Буларнинг барчаси уни Жоржиянинг “мураккаб фоиз деганлари икки томонлама ишлайди” деган сўзлари ҳақида ўйлашга мажбур қилди: *Қарз тўпланиши мумкин ва агар у тўпланишни бир бошласа, жуда тез ва ўта кўрқинчли даражада ўсиб боради.*

“Эҳ, нимасини айтасиз...” ўйлади Зои. Мана, Жоржия ва Барон вазиятларини ўзлари учун сезиларли ўзгартирганга ўхшаяпти-ку! Ва улар қисман бўлса-да, Ҳенрининг маслаҳатига таянишган.

Ҳенрида жуда кўп саволларга жавоб бор, Зои буни қадрлайди. Бироқ, шунга қарамай, у айтган ҳамма нарсада гўё нимадир етиш-

маётгандек, нимадир мос келмаётгандек эди. Бу нима бўлса ҳам, Зоини қийнаётганди.

Журналнинг баҳорги сонида берилаётган мақолалардаги гапларни қисқартириш, хатбошиларни тартибга келтириш ва жумбоқлар рукнининг якуний қисмларини жойига қўйиш каби вазифалар устида ишларкан, Зоининг бошида мана шу ўйлар айланаверди.

– Ҳали очқамадингизми?

Зои ўтирган жойида столи билан Барбара томонга бурилди. Соат дарров бирдан ўтди-микин?

– Раҳмат, Барбара, лекин мен тушликка чиқмоқчи эмасман.

Зои тушлик учун столнинг тортмасига протеинли ширинлик солиб қўйганди.

– Майли, ўзингиз биласиз, – деди Барбара.

Зои ишга мук тушди. Лекин бир дақиқадан сўнг у елкалари оша қараб, Барбаранинг ҳамон шу ердалигини, ўзига қараб турганини пайқади.

– Шунақа қилиб, Ҳенри билан гаплашиб олдингизми? – сўради у.

Зои хўрсиниб қўйди.

– Ҳа, гаплашиб олдим. Барбара, у қаҳвахонанинг хўжайини эканини нега айтмадингиз?

– Бу унинг иши, меники эмас. Айтмоқчи бўлса, ўзи айтади. Қолаверса, ўзингиз сўрамадингиз ҳам.

“Жуда кулгили” деб ўйлади Зои ва деди:

– Нега айнан Ҳенри билан гаплашинг, деб туриб олгандингиз?

Барбара елка қисди.

– Айтганимдек, у нарсаларга бошқача кўз билан қарайди. Сиз эса тинмай нарсалар сотиб олишга қурбингиз етмаётгани ҳақида гапирётгандингиз. Ростини айтсам, бу гапнинг сийқаси чиқиб кетди.

Зои кулиб юборди ва Барбаранинг кўзларидаги енгил учқунни пайқайди. Гўё Барбаранинг ўзи ҳам кулиб юборадигандек эди.

– Бундан ташқари, – қўшимча қилди бошлиқ, – мен гаплашасиз, деб туриб олмадим. Шунчаки, туртки бердим.

– Туртки, – табассум билан жавоб берди Зои.

Барбара бир зум жим қолди, сўнгра сўради:

– Демак?

– Нима демак?

– Шу кунларда Ҳенри сизга нималарнидир айтгани шубҳасиз, улар ҳақида нима деб ўйлайсиз?

Зои яна хўрсиниб қўйди.

– Билмадим, Барбара, – Зои компьютерга қаради ва яна бошлиқига юзланди: – Мен... нима десам экан, ростдан ҳам пул билан жуда яхши эмасман.

Барбара Зоининг иш жойини ажратиб турган ярим тўсиқ олдига келиб, бош чайқайди.

– Эҳ, Зои, Зои.

– Нима дейсиз? – деди Зои танқиддан қочаётгандек туюлмаслиги учун оҳангини бироз ўзгартириб.

– Биласиз, қўл остимдаги ходимларнинг шахсий ишларига бурнимни тикмайман, деган

қоидам бор. Лекин сизга ҳар бир аёл эшитиши керак бўлган бир гапни айтмоқчиман. Майлими?

– Майли, хўжайин, – деди Зои.

Барбара “хўжайин” деб аташларини ёмон кўрарди, лекин бу сафар Зоининг сўзига эътибор ҳам қилиб ўтирмади.

– Жиддий гапиряпман. Эшитасизми?

– Қулоғим сизда, – жавоб берди Зои.

Барбара келиб, Зоининг столи четига ўтирди.

– Пул ҳақидаги афсоналар тўғрисида айтмоқчиман, – деди сўнг. – Буларни журналистика мактабларида, ҳатто бизнес мактабларида ҳам ўргатишмайди.

У Зоининг столига назар ташлади.

– Ёзиб оляпсизми?

Зои ўзининг очиқ ноутбукига ўгирилиб, ҳар иккала қўли билан ёзишга шайлангандек бўлди ва Барбарага қаради.

– Пул ҳақидаги афсоналар. Сизга мактабда ҳам ўргатишмайдиган нарсалар, – такрорлади кейин.

Барбара бош ирғади.

– Хўш, давом этамиз. Биринчи афсона – “қанча кўп пул топсангиз, шунча бой бўласиз” деган фикр.

Зои янги файл очди ва сарлавҳани ёзди:



## 1-афсона:

**Қанча кўп пул топсангиз, шунча бой бўласиз**

– Ҳенри бу ҳақда аллақачон сизга айтгандир, шундайми? – деди Барбара. – Молиявий аҳволингиз қандай бўлишини қанча пул топишингиз белгиламайди. Кўпчилик муаммо маошда, деб ўйлайди. Лекин уларнинг муаммоси оладиган маошида эмас, балки сарф-харажатларида. Мени нотўғри тушунманг, барқарор даромад – ажойиб нарса, лекин кўпроқ пул топиш ортидан қувиш молиявий муаммоларни ҳал қилади, деб ўйлаш – хато.

Зои ҳарфларни тераркан, юзидаги ифодани сездириб қўймасликка уринаётганди. Масалан, айбдорлик ҳиссини. Барбара Зоининг янги иш таклифи ҳақида ўйлаётганини билармикин? Эҳтимол, билар. Чунки Нью-Йорк медиа бозори катта бир қишлоққа ўхшайди: ҳамма бир-бирининг нима қилиб юрганини билади.

– Даромадингизни ошириш билан сиз ўзингиздаги пул муаммоларини катталаштирасиз холос, – давом этди Барбара. – Чунки молиявий муаммоларингиз пулга оид одатларингиздан келиб чиққан ва шунчаки даромадни кўпайтириш орқали йўқолиб кетмайди. Молиявий муаммоларни ҳал қила оладиган ягона нарса кўпроқ пул топиш эмас, балки одатларни ўзгартиришдир. Мени тушуняпсизми?

– Ҳа, – жавоб берди Зои ёзишда давом этаркан.

Лекин у тушунмаганди. Зои Барбаранинг гапларидаги мантиқни англаб етди, аммо бу гоёни ҳамон ақлига сиғдира олмаётганди. Унинг муаммоси пули *етарлича* эмаслигида! Қанақасига пул миқдорини ошириш муаммони ҳал қилмаслиги мумкин?

– Молиявий барқарорликка катта иш ҳақи орқали эмас, балки оқилона жамғариш ва сармоя киритиш орқали эришиш мумкин. Бу фикр эса бизни пул ҳақидаги нақд пулингиз кўпроқ бўлиши керак, деган иккинчи афсонага олиб боради. “Пул пулни чақиради” деган иборани эшитганмисиз?

Зои бош ирғади.

– Бу нафақат нотўғри фикр, балки иккинчи афсонанинг ўзи ҳам мана шу.

Зои саҳифани янги бўлакка ажратди ва бошқа бир сарлавҳани киритди:

## 2-афсона:

### *Пул пулни чақиради*

– “Сармоя киритиш учун етарли пулим йўқ”. Мана шу сўзларни қанча аёлдан эшитганимни билмайсиз, – давом этди Барбара. – Бу гапга дод дегим келади. Бу худди “кутилмаган жойдан катта пул келмагунча, олдинга силжий олмайман” дегандек гап. Молиявий хавфсизлик – ўзига хос аъзолик тўловлари орқали киришингиз мумкин бўлган қандайдир эксклюзив клуб эмас. Буларнинг барчаси ёлғон. Бойлик орттириш учун жуда кўп пулингиз бўлиши шарт эмас. Ҳенри сизга кунига 5

доллар, кунига 10 доллар ва шу тарзда давом этадиган жадвалларни кўрсатдимиз?

Зои “ҳа” деган маънода бошини қимирлатди.

– Ҳенри ҳаводан олиб гапирмайди. Рақамлар алдамайди. Мураккаб фоизнинг кучи Ернинг тортишиш кучи каби ҳақиқийдир. Молиявий хавфсизликка эришган кўпчилик одамлар буни худди шу йўл – *битта-битта доллар* орқали амалга оширганлар. Буни бошлаш учун катта улуш шарт эмас. Шунчаки вазиятингизга тик қараб, уни ўзгартиришга аҳд қилишингиз керак. Ўзингизга “пул билан яхши чиқиша олмайман” дейишни тўхтатишингиз керак, чунки шахсий молиявий масалаларда яхши бўлиш учун даҳо математик ёки Уолл стритдаги энг кучли ходимлардан бири бўлишингиз шарт эмас. Сизга энг кераклиси – ўзингизга нисбатан виждонингиз уйғоқ бўлиши. Бугунги кунда эса бу жуда кам учрайдиган хислат. Лекин, Зои, бу борада сизда ҳеч қандай муаммо йўқ. Ҳар доим сизни шунинг учун ҳам яхши кўрганман – доимо соф виждонли одамсиз.

Зои юзи қизариб кетганини ҳис қилди. У қўлларини клавиатурадан олди.

– Нима демоқчилигингизни тушундим, Барбара. Чиндан ҳам тушундим. Билмадим... Мен пулни ҳаётимдаги энг муҳим нарса сифатида кўриб ҳаёт кечиришни истамайман.

– Албатта, ундай бўлмайди. Мен ҳам шундай қилинг демоқчи эмасман. Гап шундаки, сиз ҳаётингиздаги энг муҳим нарса пул

*етишмовчилиги* бўлиб қолмаслиги учун ҳаракат қилишингиз керак. Айтганча, ҳеч ким сиз учун ҳаракат қилмайди, бу фақат ўзингизнинг қўлингизда. Зои, пул ҳақидаги навбатдаги афсона, эҳтимолки, афсоналар ичида энг каттаси бўлса керак. Бу афсона шундай: “Бошга кулфат тушиб, офир дамлар келганида, бошқа биров – турмуш ўртоғингиз, мураббийингиз, оқ отли шаҳзода ёки кимдир келиб сизни қутқаради. Бошқа биров келиб сизга ғамхўрлик қилади”.

Зои тағин ёза бошлади.

### 3-афсона: *Ғамхўр ҳалоскор*

– Одатда кўпчилик буни тилига чиқармайди. Кимдир келиб менга ёрдам беради, демайди, – давом этди Барбара. – Лекин “Молиявий ишларим ҳақида йигитим, эрим, отам, молиявий маслаҳатчим қайғуради” ёки “Э-э, ҳаммаси ўз-ўзидан яхши бўлиб кетади” деган хатти-ҳаракатлари ва қарорлари шуни айтиб туради. Сизга айтадиган янгилигим: йўқ, ҳеч ким сизга ғамхўрлик қилмайди, ҳеч нарса ўз-ўзидан яхшиланиб кетмайди.

Зои Жоржия Доусоннинг сўзларини эслади: “*Харажатларим қанчалик ортиб кетганини билмасдим*”. Ва онаси ҳам доим “*Буларнинг барчасини отангнинг ўзи тушунади, ўзи ҳал қилади*”, дерди.

– Катта қопда сизга пул келтирадиган ҳеч қандай оқ отли шаҳзода йўқ. Ўзингизга ўзингиз

шаҳзода бўлишингиз керак, Зои. Айтганча, бу нафақат аёлларга, балки эркакларга ҳам тегишли. Дунё ўзининг молиявий келажагини тартибга солиш учун бошқа бировни: адвокати, брокерини, компаниясини, кейинги президентни кутаётган эркакларга тўла. Бу эса шунчаки тўғри эмас!

Фаровонлигингиз соғлиғингиз кабидир. Соғлиқ ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди. У ўз-ўзига ғамхўрлик қилолмайди. Соғлиғингизга ғамхўрлик қилишни бошқа бировга топшира олмайсиз. Пул ҳам худди шундай. Даромадингиз ҳам, саломатлигингиз ҳам бошқа бировнинг эмас, бутунлай ўз қўлингизда.

Зои ёзишдан тўхтади ва бир лаҳза бу фикрлар ҳақида ўйлай бошлади. У Барбарага қаради:

– Аммо сиз ҳар бир аёл эшитиши керак бўлган нимадир ҳақида айтмоқчиман, дегандингиз.

Барбара бош ирғади.

– Келинг, сизга ўзимиз ҳақимизда, аёллар ҳақида гапириб бераман. Дунёмиз ривожланган бўлишига қарамай, аёллар ҳали ҳам эркакларникига қараганда ўртача 20 фоиз кам даромад олади. Ишдаги штат қисқаришларидан эркакларга қараганда аёллар кўпроқ зарар кўришади. Улар болалар ва кекса ота-оналарига ғамхўрлик қилиш каби мажбуриятлари учун умрларининг ўн йилдан кўпроғини сарфлайдилар ва бунинг натижасида эркакларга қараганда 34 фоиз

кам пенсия оладилар. Уларнинг ижтимоий суғурта имтиёзлари ҳам сезиларли даражада паст. Шунга қарамай, тушуняпсизми, аёллар эркаклардан ўртача етти йил узоқроқ умр кўришади, никоҳларнинг ярми эса ажралишлар билан тугаши сабабли исталган аёлда ўзининг “олтин йиллар”ини ёлғиз ўтказиш эҳтимоли катта. Оилали эркакларнинг 80 фоизи жуфти билан бирга яшаётганида вафот этади, турмуш қурган аёлларнинг 80 фоизи эса бева сифатида, ёлғизликда ўлим топади! Қашшоқликда кун кечираётган ҳар беш бева аёлнинг тўрттаси эри вафот этгунига қадар камбағал бўлмаган.

Барбара Зои ёзиб улгуриши учун бироз тин олди.

Зои эса ҳатто буларни нима учун ёзиб олаётганини ҳам тушунмасди. Кишини тушкунликка соладиган бу фикрлар уни яна бир бор онаси ҳақида ўйлашга мажбур қилди. У сўнгги пайтларда онасининг қанчалик ҳорғин кўрингани, бот-бот қайталаётган бел оғриқларини яширгани (бу ҳақда Зои отаси билан қўнғироқлашганида билиб қолди) ва энди бўлса шамоллаб қолгани ҳақида ўйлади. Отаси вафот этса, онаси қандай кун кечиради?

– Мени эшитяпсизми? – сўради Барбара.

Зои унга қаради.

– Ҳмм. Тушунарли қилиб, очиқчасига, қозга ўрамасдан гапиряпсиз.

– Бу сўзлар одамнинг қулоғига ёқиб тушмайди, албатта, – деди Барбара. – Лекин буни

билиш муҳим. Биламан, 20-30 ёшда ҳали бу ҳақда ўйлашга жуда кўп вақт бордек туюлади. Пенсия ҳали жуда ҳам узоқ ва ҳатто шунчаки бир хаёлдек кўринади. Аммо вақт – оқар дарё, кўз юмиб очгунигизча ўтиб кетганини билмай қоласиз. Жуда кўп аёллар бир куни уйғониб, ёлғиз, камбағал ва барча имкониятларни қўлдан бой берган одамга айланганини англаб етадилар. Кейин “Қандай қилиб бу аҳволга тушиб қолдим?” деб ўзларига савол бера бошлайдилар.

Зои душанба куни эрталаб “West Concourse” йўлида кўрган реклама – чўл ўртасида қолиб кетган қайиқни эслади. Кема капитани ҳам ўзига худди шу саволни берган бўлса керак.



Барбара ўз ишига қайтгач, Зои, чамаси, бир соатлар столига энгашганча ўтириб қолди ва бирдан бутун ҳафта давомида уни жуда ўйлантирган муаммо нималигини англади. Унинг Ҳенрига яна битта саволи бор эди. Ва бу шунчалик аниқ бўлиб туюлдики, у ўз пешонасига шапатилаб қўйди.

Ўша куни у эрталаб Ҳенрига бир нечта савол берди. Депозитлар бўйича 10 фоиз олиш ҳақиқий экани ҳақида. Солиқ масаласида. Аммо булар Жеффрининг саволлари эди, уники эмас. Жеффрининг “*Етмиш ёшли бариста молия бўйича ниманиям биларди?*” деган эъти-

розига эса Жоржия ойдинлик киритди. Ҳенри аслида бариста эмас, балки қаҳвахона эгаси бўлиб чиқди. Зои узоқ вақт давомида “Биринчи навбатда ўзингга тўла” деган тартибга риоя қила олмасам керак деб шубҳаланаётганди, аммо Ҳенрининг “Тўловларни автоматик тарзда амалга ошириш” ғояси бу хавотирни ҳам бартараф этди.

Бироқ аслини олганда уни безовта қилаётган нарса булар эмас. У яна Ҳенри билан гаплашиб олиши керак эди.

Бир кун олдин Зои уйга кетаётиб қаҳвахонага кирганда, у ердаги йигитча Зоининг Ҳенрининг қачон ишга келиши ҳақидаги саволига нима деб жавоб берганди? “*Хоҳлаган вақтида. Одатда учга яқин, лекин баъзан кечроқ. Ёки аввалроқ.*”

У компьютери экранидаги соатига қаради – 14:15. Агар *шошилса*, ҳали ҳам Ҳенрини кўришга улгуриши мумкин.

Нима учун бунчалик шошаётганини Зоининг ўзи ҳам тушунмасди. Бу ўзи қанчалик аҳамиятли? Аммо аҳамияти борми-йўқми, у Ҳенрига саволини бериши ва жавоб олиши керак. Ва буни ҳозироқ амалга ошириши керак.

У ноутбукини сумкасига солиб, вақтлироқ жўнаётганини билдириб қўйиш учун Барбара ўтирган хона томон югурди.

– Кетишим керак бўлиб қолди, – деди Зои унга ва лифтга қараб шошилди.



## 9-БОБ

### ЛАТТЕ ОМИЛИ

Зои “Елена қаҳваси”га етиб келганида Ҳенри эндигина эшикни очиб, кетишга ҳозирланиб турганди.

– Ие, Зои? Кутилмаган бу ташрифингизни қандай сийлай? – сўради Ҳенри.

– Яна... яна бир... саволим бор, – деб зўрға гапирди олти квартал наридан югуриб келган қиз нафасини ростлаганча.

– Бемалол, – жавоб берди Ҳенри. У бирма-бир орқасидаги эшикка, кейин эса Зои келган томонга ва қизнинг ўзига кўз ташларкан, сўради.

– Қаҳва ичамизми?

Зои “ҳа” деб жавоб бериб, унинг ортидан “Елена қаҳваси”га кириб бормоқчи эди, лекин Ҳенри бунинг ўрнига кўча бўйлаб жадал юриб кетди. Зои шошиб унинг ортидан эргашди. Бурилишга етиб келганларидан сўнг Ҳенри ўгирилиб, биринчи эшик олдида тўхтади ва Зоини ичкарига таклиф қилди.

Улар “Starbucks” қаҳвахонаси остонасида туришарди.

Зои “Чиндан шу ерга кирамизми?” деган-дек, Ҳенрига ишонқирамай қаради.

– Сиздан кейин, – деди Ҳенри мулойимлик билан жилмайиб.

Улар ичкарига кириб, буюртма учун пештахта ёнига боришди.

– Икки ҳисса латте, – деди Зои. Ва қўшиб қўйди: – Илтимоc, ярмини кофеинсиз қилиб бера оласизми?

– Мумкин бўлса, иссиқ чой, – дея буюртма берди Ҳенри. – Инглизча нонушта.

У чойи ва Зоининг латтеси учун пул тўлади (қиз эътироз билдирди, лекин Ҳенри тўлайман, деб туриб олди; “эски мактаб одамларига хос олийжаноблик” дея ўйлади Зои ва жилмайди). Улар орқароқдаги кичкина столга ўтиришди.

– Билмадим, – деб гап бошлади Зои. – Сиз билан “Starbucks”да ўтириш жуда ғалати ва қандайдир нотўғри ишдек туюларкан.

– Шунақами? – ҳайрон бўлди Ҳенри жилмайиб.

– Албатта, душманни билиш ҳам яхши, менимча, – деди Зои латтесидан бир қултум хўплаб. Сўнг қаҳва қуйилган қоғоз идишини Ҳенрининг чой қуйилган идишига уриштирди:

– Душманнинг ичидаги хавfli разведка учун!

Ҳенри сирли жилмайиб қўйди ва чой пакетини бир неча марта иссиқ сув солинган картон идишга ботирди.

– Бир нарсани тан олмоқчиман, – деб давом этди Зои. – Қаҳвахона сизники эканини билгунимча, “Бариста бўла туриб молиявий эркинлик сирларини қандай биласиз?” деб сўрамоқчи эдим.

Ҳенри чой пакетини олиб четга қўйди, сўнг жиддий қиёфада Зоига қаради.

– Айтмоқчисизки, агар “Аввал ўзингизга тўланг” каби ғояларнинг барчаси иш берса, 70 ёшга кириб ҳам қаҳвахона пештахтаси олдида ўтирмаслигим керак эди, тўғрими?

Зои қизариб кетди ва ерга қаради.

– Йўқ, мен айтмоқчи эдимки...

У яна Ҳенрига қаради ва маҳзун жилмайди:

– Ҳа, гапимнинг мазмуни деярли шундай эди.

Ҳенри жилмайиб, чойини совитиш учун пуфлади.

– Сизга ўзим ҳақимда бироз гапириб берсам. 30 йиллар олдин “Елена қаҳваси”ни очганимда, бу атрофда турли танишларим бор эди. Уларнинг бари кетди...

– Афсусдаман, – деди Зои.

Лекин Ҳенри кулиб юборди.

– Йўқ, йўқ, нотўғри тушунманг, – тушунтирди сўнг. – Улар *ўлгани йўқ*. Улар бошқа ёқларга кўчиб кетишди ёки бизнесни ташлашди. Нега айнан мен қолганимни биласизми? Нима учун бизнесим банкротга учрамади?

– Қаҳваларингиз яхши бўлгани учунми? – сўради Зои, кейин давом этди: – Йўқ, фақат шу туфайли бўлмаса керак. Атмосфера туфайлими?

Ҳенри яна сирли кулиб қўйди.

– Сизни яхши кўрадиган доимий мижозлар бормиди?

Ҳенри табассум қилди.

– Бундай фикрда эканингиздан жуда хурсандман, раҳмат сизга. Лекин йўқ, тўғри жавоб бу эмас. Бизнесим ҳали ҳам давом этаётганига сабаб – мен қаҳвахона жойлашган *бинони яхлит сотиб олдим*.

– Бинони сотиб олдингиз?.. – такрорлади Зои.

– Ва унинг ёнидаги бинони ҳам, – дея қўшимча қилди Ҳенри. – Ва бу кўчадаги бошқа бир нечта биноларни ҳам.

Зоининг тили калимага келмай қолди. У Ҳенрини аввалига “ғалати бариста” деб ўйлаганди, энди эса тасаввурлари мутлақо ўзгариб кетди.

– Дунёда икки тоифа одамлар бор, Зои. Ҳаммамиз ҳар куни пул сарфлаймиз ва шу орқали кимнингдир бойиб кетишига хизмат қиламиз. Ҳар бир одам бойлик жамғаради. Фақат бир савол бор: ким учун? Сиз ижара квартирада туришингизни айтгандингиз. Ижарада яшасангиз, ҳаётингизни бошқара олмайсиз, аксинча, у сизни хоҳлаган кўйига солади. Кўчмас мулкка эга бўлганингизда эса ҳаётингиздаги ҳодисаларни бошқаришни ҳам қўлингизга оласиз. Ўз уйинг бўлса, ҳаётинг ҳам ўз қўлингда. Ёки менинг вазиятимни мисол қиладиган бўлсак, қаҳвахона турган жойга эгалик қиламанми, демак, бизнесим ўзимнинг қўлимда. Масалан, “Starbucks”. У пайдо бўлган пайтларда ҳамма уни ўхшамаган ҳазил сифатида кўриб, узоқ вақтга бормайди, деб ўйлаганди. Дабдабали, қиммат қаҳва? Ҳа. Лекин улар нафақат ўз бизнесларини сақлаб

қолишди, балки тараққий этиб, кенгайишди ҳам. Маҳалладаги бошқа қаҳвахоналар тез орада ўз мижозларини йўқотиб, ёпила бошлади. Ўшанда дўстларимнинг ҳаммаси хафа бўлганди. Ишлари ёмон кетаётган эди, улар “Starbucks”га қарши уруш очмоқчи бўлишди, норозилик билдириб, ташвиқотлар қилишди.

У гапиришдан тўхтади. Зои айна дамда қандай савол бериши кераклигини яхши биларди.

– Сиз-чи?

Ҳенри табассум қилди.

– Мен “Starbucks”дан акция сотиб олдим.

Қиз қаҳвасини қўйиб, Ҳенрига тикилди.

– Тўхтаг. “Starbucks”дан акция сотиб олдингиз?! Сизми?!

– Ҳа, мен. Атрофдагилар ё қаҳва ичиш учун “Starbucks”га келиш, ёки унга бойкот эълон қилиш билан банд бўлган пайтда мен бу компаниядан акция сотиб олдим. Яъни вазиятни ўз назоратимга олдим, деб айтиш мумкин.

– “Starbucks” акциялари, – деб такрорлади Зои.

Ҳенри Зоига яқинлашиб, кўрсаткич бармоғи билан столга тегинди ва шу орқали ҳозир айтмоқчи бўлган гапининг муҳимлигини таъкидлади:

– Агар “Starbucks” акциялари 1992 йилда биржага чиққан пайтида уларни, айтайлик, 1000 долларга сотиб олган бўлсангиз, ҳозир уларнинг нархи қанчага кўтарилган бўларди, биласизми?

– Билмасам.

– Тахминан чорак миллион.

– Вой, – деб юборди Зои. – Сиз ҳақиқатан ҳам душманингиз орасига дўст бўлиб кириб олган экансиз.

Ҳенри яна кулиб юборди.

– Ҳа, шундай деб ҳисоблашингиз мумкин. Лекин мен масалага бошқа томондан қарайман. Ҳар сафар кимдир бу ерга келиб, бир чашка қаҳва сотиб олса, иккита нарса содир бўлади. Миждозлар бу бизнеснинг кичик бир қисмини ижарага олаётган бўладилар. Бу кичик қисм – битта идишдаги қаҳвага тенг. Иккинчи содир бўлаётган нарса эса – “Starbucks”нинг бир қисмига эгалик қилганим учун шу ўринда мен ҳам бироз бойиётган бўламан.

Зои Ҳенрининг сўзлари ҳақида ўйлади.

– Икки турли одамлар бор, дедингиз.

Ҳенри бош ирғади.

– Ҳа, шундай. Ижарага оладиганлар ва ижарага берадиганлар. Ва масаланинг энг яхши томони шундаки, сиз исталган вақтда қайси турдаги одамлардан бўлишни танлашингиз мумкин. Аввал ўзингизга пул тўлаб, уй, бизнес ёки акция сотиб олиш ёки ўз келажагингизга бирор йўл билан сармоя киритиш учун ўн ёки йигирма беш долларни жамғарар экансиз, ҳаётингиз назоратини қўлингизга олаётган бўласиз. Кўпчилик ўз ҳаётини қўлга ёки қарзга олади. “Аввал ўзингга тўла” тизимини автоматик йўлга қўйинг ва шу ишни ой сайин, йил сайин давом эттиринг, ниҳоят, ҳаётингизга бошқалар эмас, балки ўзингиз эгалик қила бошлайсиз.

– Сизнинг ҳолатингизда эса ўз бизнесингизга эгалик қила бошлайсиз, деб айтиш мумкин, – қўшимча қилди Зои.

Ҳенри бош ирғади.

– Бу бинони сотиб олаётганимда уни ўз маҳаллам ва бизнесимга киритилган сармоя деб ҳисоблагандим. Кейинги йилларда унинг нархи кўтарилиб, бир миллион доллардан ошди. Аммо асосий масала қуйидагича: қандай қилиб бу бинони сотиб олишга қурбим етди? Қасам ичиб айтишим мумкин, лотереяда ютганим ёки томорқамдан хазина топиб олганим йўқ. Ёки бирданига машҳур бўлиб кетган бирон-бир қўшиқ ҳам ёзмадим.

– Бойвучча қариндошингиздан мерос қолгани ҳам йўқ, шундайми?

Ҳенри табассум қилди.

– Йўқ, ёрдам берадиган ҳеч қандай бадавлат қариндошим ҳам йўқ эди! Зои, мен бу бойликни аста-секинлик билан тўпладим ва бу “Аввал ўзингизга тўланг” қоидаси орқали амалга оширилди.

Зои ўйчан кўринарди. Ҳенри уни нимадир безовта қилаётганини сезди.

– Яъни сиз сўрамоқчи бўлган нарса-да ... – дея ташаббус билдирди Ҳенри.

– Ҳа, – каловланди Зои. – Мен яна ўша жадвални кўриб чиқдим. Кунига 25 доллардан бошланадиган ва жамғармамга қўйиб бориладиган маблағ қирқ йилда 3 миллион доллардан ошади. Лекин ўша тахмин қилинган 25 долларни ҳар куни қаердан топаман?

– Саволингиз тушунарли... – деди Ҳенри. У чойини яна бир бор пуфлади-да, эҳтиёткорлик билан ҳўплади.

– Сиз кўпроқ маош олиш ечим бўла олмаслигини айтдингиз, – деб давом этди Зои. – Аммо сиз таърифлаган режага кўра, биз маощдан 10 фоизни олишимиз лозим. Агар кундалик бир соатга тенг иш ҳақини олиш керак, деб ҳисобласак, бу 10 фоиздан ҳам кўпроқ бўлади, чунки саккиз соат ишлайман, бир тақсим саккиз эса ўн икки фоиздан кўпроқ дегани. Ва буларнинг барчаси, албатта, назарий жиҳатдан жуда зўр, лекин ортиқча пулим бўлмаган, ойлик маошим харажатларимни зўрға қоплаб турган бир пайтда бу тизим қандай ишлаши керак?

Ҳенри бош чайқади.

– Зои, мана шу ерда бизга *латте омил* керак бўлади, – тушунтира бошлади кейин.

“Ниҳоят, ўша *латте омил* ҳақида гаплашамиз” деб ўйлади Зои ва ўзи англамаган ҳолда тинглашга тайёрланиб, курсисига яхшилаб жойлашиб олди.

Ҳенри чўнтагига қўлини солиб, беш долларлик қоғоз чиқарди ва уни стол устига қўйди.

– Бу эсингиздами?

– Кунига беш доллар. Мураккаб фоиз мўъжизаси.

– Айнан! – деди Ҳенри. – Энди бу фикрни қаҳвага татбиқ этайлик.

Зои аввалига ярим кофеинсиз латтесига, кейин эса Ҳенрига қаради.



– Менинг қаҳвамгами? – сўради у.

– Ҳа, сизнинг қаҳвангизга, – такрорлади Ҳенри. – Бу қанча туради? Тўрт долларми?

– Тўрт ярим, – жавоб қилди Зои.

– Тушунарли. Бу жуда аҳамиятсиз, арзи-маган пулга ўхшайди, шундай эмасми? Аммо мураккаб фоиз кучи уни қандай рақамлар-га айлантириши мумкинлиги ҳақида ўйланг. Тасаввур қилайлик, сиз ҳар куни ушбу “арзи-мас” тўрт ярим долларни “Фотосурат” деб номланган омонат ҳисобига ўтказяпсиз. Бу йил бўйи ҳафтада беш кундан давом этади, дейлик. Ҳеч қандай фоизларни ҳисобга олмаган ҳол-даям бу пул – Ҳенри бошини кўтариб, хаёлида ҳисоблади. – Хуллас, бир йилда тахминан... 1200 долларингиз бўлади. Сизга ёқиб қолган суратнинг нархи қанчалиги ёдингиздами?

Қиз эслади. Сурат нархи айнан 1200 доллар эди...

Зои латтесига тикилиб қолди, кейин яна Ҳенрига. Гапираркан, овози ҳаяжондан бўғиқ чиқаётганини сизди:

– Бир йилдан сўнг мана шу латте ҳисо-бига ўша суратни сотиб олишингиз мумкин, демоқчимисиз?

Ҳенри яна жимгина чойидан ҳўплади.

– Вой, – деди Зои, – бу бир чашка қаҳва анча кучли экан-ку!

Ҳенри кулиб юборди.

– Мана шу латте омили бўлади, Зои.

– Мураккаб қаҳва мўъжизаси, – ғўлдиради қиз секингина.

Ҳенри чойини кўтариб, Зоининг қаҳваси билан уриштирди:

– Хонангиз деворини безайдиган “Миконос” сурати учун кўтарамиз!

Зои бир лаҳза ўйланиб ўтирди ва ниҳоят тилга кирди:

– Хўш, шундай қилиб эрталабки латте билан хайрлашаманми?

Ҳенрининг табассуми йўқолди. У чойини бир четга, кафтларини стол устига қўйди ва қизга тикилди.

– Зои, айтганларимни нотўғри тушунманг. Мен латте ичишни тўхтатишингиз керак, демаяпман. Гап қаҳвада эмас. Латте омили – *метафора*<sup>1</sup>. Бу сиз пул сарфлайдиган, аммо унча зарур бўлмаган ҳар нима – қаҳва, сигарет, ширинликлар ёки қимматбаҳо коктейллар бўлиши мумкин.

Латте омили хасислик ёки ўзингизни ҳамма лаззатлардан тийиш ҳақида эмас. У нима *аҳамиятли* эканини аниқ билиш ҳақида. У кичик кундалик исрофлар ва ўйламай қилинадиган харидлар тўғрисида. Қанча бўлишидан қатъи назар (кунига беш долларми, ўн долларми, йигирма долларми) уларни осонгина келажагингизга – “ўзингизга сарфлаш”дан “ўзингизга тўлаш”га йўналтириш мумкинлиги латте омилidir. Яъни келажақда каттароқ нимагадир эришиш учун бугун кичик нарсдан воз кечиш керак бўлади.

Бу ҳеч қандай ортиқча пул сарфлай олмайсиз, дегани эмас. Албатта, сарфлай оласиз

<sup>1</sup> Метафора – кўчма маънода ишлатиладиган сўз ёки ибора.

ва сарфлашингиз керак. Ҳаёт роҳатланиш учун берилган. Сиз ўзингиз истаган ҳар қандай буюм – яхши кийим, мазали кечки овқат, концертга чиптани сотиб олишингиз мумкин. Фақат “аввал ўзингизга тўлаш”ни унутиб қолдирмаслигингиз лозим.

Зои секин бошини чайқади. У ҳамон қўлидаги қаҳвага тикилиб, Ҳенрининг қаҳвахонаси деворидаги ўша катта, ажойиб сурат ҳақида ўйлар, бу иккаласи орасидаги ўзаро боғлиқликни тушунишга уринарди.

– Менга доимий кундалик тартибингизни тасвирлаб бера оласизми? – сўради Ҳенри. – Масалан, бугун квартирадан чиққанингизда биринчи нима қилдингиз?

– Икки ҳисса латте учун қаҳвахонангизга бордим, – деди Зои оҳиста. – Йилига 1200 доллар турадиган латте учун.

– Бўлдими? – у қаламини чиқариб, столдаги салфеткага қисқача қайд ёзди. – Фақат латтенинг ўзими ёки бошқа яна нимадир борми?

Зои Ҳенрига қараб бир қошини кўтарди.

– Фақат қаҳва эмас. Кекс ҳам олдим. Одатда сабзи-майизли ёки сули-олмали кекс оламан. Энг тўйимлиси шу. Ва, албатта, доим мазали ҳам.

– Агар хотирам панд бермаётган бўлса, бу 2.75 доллар туради, – Ҳенри салфеткага бошқа рақамларни қўша бошлади. – Ва биз бу ҳомийлигингиз учун ташаккур айтамыз. Кейин-чи?

– Қаҳвахонадан кейин нимага пул сарфлашимни сўраяпсизми?

– Ҳа, шундай.

– Поездга. Бу бир неча доллар туради. Аниқроғи, поезд чиптаси ҳам 2.75 доллар туради.

Ҳенри қўл силтади.

– Транспортни кундалик тартибдан чиқариб бўлмайди. Усиз ҳеч қаерга боролмайсиз. Кейин-чи?

Зои бугун эрталаб нима қилгани ҳақида ўйлай бошлади.

– Баъзан эрталаб соат ўнларда ишда бироз танаффус қиламан ва пастга тушиб, “Juice Press”дан табиий, янги тайёрланган шарбат ичаман.

– У қанча туради?

– Етти доллар.

– Етти доллар, – такрорлади Ҳенри ва қайд этиб қўйди. – Кейин-чи?

– Кейин тушлик. Бошлиғим уйдан овқат олиб келади, мен эса офис ошхонасидан нимадир сотиб оламан. Бу... – Зои одатда тушлик қанча туришини эслашга уриниб, юзини буруштирди. – ...Бу яна ўн тўрт долларга тушади, – сўзини тугатди у.

Ҳенри ёзувларидан нигоҳини узиб, сўрашда давом этди:

– Тушдан кейин-чи? Нимагадир пул сарфлайсизми?

– Йўқ.

Зои бир сония ўйланиб қолди.

– Йўқ, тўхтанг. Бир шиша сув ҳам оламан. Бир ярим доллар туради.

Ҳенри қошларини чимирди:

– Қойил! Қимматбаҳо сув экан. Тушунарли.

У қоғоз салфеткага яна бир ёзувни қўшди ва қайдларни Зои кўриши учун қоғозни ўгирди.

– Келинг, шу пайтгача нималарни ёзганимизни кўриб чиқамиз.

Эрталабки латте	–	4.5 \$
Кекс	–	2.75 \$
Шарбат	–	7 \$
Тушлик	–	14 \$
Сув	–	1.5 \$
Жами	–	29.75 \$

– Кунингизнинг биринчи соати учун ўзингизга қанча тўлашингиз кераклиги эсингиздами? – сўради Ҳенри. – Яъни ҳисобингизда уч миллиондан ортиқ пул билан нафақага чиқишингизга сабаб бўлувчи тўлов...

– Йигирма беш доллар, – пичирлади Зои.

Ҳенри бош чайқади.

– Демак, сизда аллақачон бундан кўпроғи бор. Ҳали ярим кофеинсиз кечки қаҳвангизни ҳисобга олмадик, – деди Ҳенри Зоининг қўлидаги стаканга бош ирғаб. – Бу сизга “Миконос” суратини сотиб олиш учун етарли пул йиғиб беришини биласиз.

Зои салфеткага тикилди. Ҳенри уни олиб, қизга узатди.

– Сизнинг “латте омиллингиз”, – такрорлади Ҳенри. – Лекин ҳамма нарсдан воз кечиш керак эмас. Ахир нимадир ейишингиз ҳам керак-ку. Бироқ, айтайлик, эрталаб қаҳвани уйда тайёрласангиз ва ўзингиз билан бирор мева олиб келсангиз нима бўлади? Балки, ҳатто тушликни ҳам уйдан олиб келарсиз? Агар кундалик харажатларингизнинг камида ярмини пенсия ҳисобингизга йўналтира олсангиз, одатларингиздаги бу оддий ўзгариш сизга муҳим жамғармани йиғиб берган бўларди.

Унинг сўзлари Зоига Барбара бир неча соат олдин айтган гапни эслатди.

*“Молиявий муаммоларни кўпроқ пул топиш эмас, балки одатларни ўзгартириш ҳал қила олади.”*

Зои салфеткани олиб, чўнтагига солди.

– Демак, энди ҳар бир кичик харажатимни ҳисоблаб боришим керакми? Ҳар кеча оладиган нарсаларим рўйхатини тузиб, улар орасидан муҳим бўлмаганларини ўчириб ташлайми?

Зои учун бу энг даҳшатли қийноққа ўхшарди.

– Йўқ, йўқ, асло! – деди Ҳенри. – Сира ундай эмас! Мақсад – сарфлаётган ҳар бир долларингиз ҳақида қайғуриб, ҳисоб-китобларга муккасидан кетиш эмас. Эсингизда бўлсин: *бюджетни режалаб, тартибга солиш иш бермайди*. Гап шундаки, ўзингизга кичкинагина исбот – аллақачон катта бойлик тўплаш учун етарли даромад олаётганингизни кўрсатиб қўйишингиз керак.

Зои Ҳенрига қаради.

– Сизнингча, мен ўзим ўйлаганимдан кўра бойроқманми?

– Ҳа, ўзингиз ўйлаганингиздан кўра бойроқсиз, – қайтарди Ҳенри. – Бу рост, Зои. Сиз молиявий жиҳатдан мустақил бўла олиш учун етарлича пул топасиз. Шунчаки, кўпчилик каби сиз ҳам пуллариңизни қандай тез топган бўлсангиз, шунчалик тез совурилиб кетишига йўл қўясиз. Бу худди сув кетадиган тешиқни ёпмай, ваннага сув очиб “Нега сув тўлмапти?” дея ажабланишга ўхшайди. Биз каттагина бойлик учун асос бўла оладиган пуллариңи кичик ва арзимас нарсаларга сарфлаб ташлаймиз-у, бу ҳақда ўйламаймиз ҳам. Уйда осонлик билан тайёрлаш мумкин бўлган қаҳвани кўчадан сотиб олишга маҳкам ёпишамиз. Ҳар куни тушлик учун бирор жойга борамиз. Сув сотиб оламиз. Телевизориңизга ортиғи билан улаб олган телеканалларни кўрмаймиз ҳам, шкафлариңизни деярли кийилмайдиган янги либосларга тўлдириб ташлаймиз, тўловлариңи вақтидан ўтказиб, ортиғи билан тўлаймиз, ваҳоланки, бунинг олдини осонгина олса бўларди. Гап ўзингизни нималардандир маҳрум қилиш ёки жазолашда эмас, балки кундалик одатлариңизни аста-секин, босқичма-босқич ўзгартиришда. Ва бундай кичик ўзгаришлар тақдирингизни ўзгартиради.



Ўша оқшом Зои ортиб қолган пицца ва “Luigi”дан сотиб олинган янги юнон салатини тановул қилди. Сўнг ошхонасида турганча Жеффри ўтган туғилган кунда совға қилган қаҳва тайёрлайдиган кичкина эспрессо машинасига қаради. Қиз деярли ҳеч қачон ундан фойдаланмаганди. Ҳолбуки, уни ишлатиш Зоининг қўлидан келади! Шундай эмасми?

Иш пайти-чи? У ишхонадаги турли қаҳва ичимликлари бўлган машинадан бепул қаҳва ичиши мумкин. Зои бу ҳақда ўйларкан, ишхонадаги машинадан фойдаланмаслик учун ҳеч қандай сабаб кўрмади.

Тушлик-чи? У Барбара олиб келадиган эски тушлик қутиси ҳақида ўйлади ва хўрсиниб қўйди. Зои ҳам тушлигини ўзи билан олиб келса, қанча тежаб қолади? Бу фикр унга унчалик ҳам ёқиб тушмади. Ахир у нима ҳам тайёрлай оларди? Ерёнғоқли паста ва сэндвичми?

– Ха-ха-ха, – баланд овозда кулиб юборди у кичкина хонасига қараб.

Зои телевизорга қаради. Бошқа хонада яшовчи шериги иккиси ўзлари деярли кўрмайдиган бу кабель каналлари учун қанча тўлашаркин? Кийим шкафида у деярли ҳеч қачон киймайдиган нималар бор эди-я? У ерда яна қайси лаш-лушлар ётганикин? Буларнинг қанчасини кредит картага сотиб олган? Карталардаги қарз фоизлари қанча бўлдикин? Агар у ҳар бир харид тўловини ўз вақтида тўламаса (ростдан вақтида тўламасди), бу пуллар қанча пеня “туғаркин”?



Зои инграб юборди. Ҳозир буларнинг ба-  
рига қанча пул сарфлагани ҳақида ўйлагиси  
келмасди. У бошини орқага ташлади ва шифтга  
қараркан, баланд овозда: “Бу муаммоларни  
менга кимдир ҳал қилиб бера оладими?” –  
деди. Тагин кулди. Зои Барбара айтган учинчи  
афсонани амалда кўраётганини сизди.

У “Starbucks” қаҳвахонасида чўнтагига со-  
либ қўйган салфеткани чиқариб, столга қўйиб  
текислади, кейин рақамлар устунни ёзилган  
қатор охирига қаради.

29.75 доллар

Зои бу пулларнинг барчаси тежаб қолинса,  
нимага олиб келишига қизиқмай туролмади. У  
ноутбукини олиб, стол устига қўйди. Шундан  
сўнг экранни очиб, мураккаб фоизларни ҳи-  
соблай оладиган онлайн калькуляторни топди  
ва унга ҳар куни, ҳафтада беш кун, йилига  
эллик икки ҳафта давомида 10 фоизлик ставка  
билан махсус ҳисоб рақамига ўтказилган, солиқ  
солинмаган пуллар қирқ йил давомида қанчага  
ўсишини ҳисоблаш имконини берди. У ўзи-  
нинг кундалик *латте омилини* ўттиз доллар-  
га яхлитлаб, керакли рақамларни киритди ва  
“ҲИСОБЛАШ” тугмасини босди.

Натижаларни кўрганида эса ўтирган жойи-  
да қотиб қолди.

У натижани икки марта қайта ҳисоблади.  
Учинчи маротаба ҳам. Аммо ҳар сафар миқдор  
бир хил чиқарди.

4 110 652 доллар

*Тўрт миллион доллардан ортиқ...*

– Бўлиши мумкин эмас, – пичирлади Зои. Бу унга шунчаки имконсиздек туюлди.

Зоининг хаёлида Жеффрининг “10 фоизлик ставкани қаердан топмоқчисиз?” деган овози айланарди. Ҳенри эса буни тушунтириб берди. Шунга қарамай... Жеффри ҳақ бўлиб чиқса-чи, деган хавотир йўқ эмасди.

У ҳамма нарсани қайтадан ҳисоблаб кўрди, аммо бу сафар у ставкани 10 фоиздан 7 фоизга туширди.

1 706 129 доллар

Бу ҳам иш бермаса-чи? У яна ҳисоблади, бу сафар 5 фоиз билан.

991 913 доллар.

Зои экранга тикиларкан, барибир бунга ишонолмади. Атиги 5 фоизда ҳам натижа ҳамон деярли бир миллион доллар!

У ноутбукини ёпди ва ҳар куни эрталаб ишга кетишдан олдин уйда овқат пиширишни ва тушлигини пластик идишга жойлашни тасаввур қилишга уринди. Жаҳон савдо марказининг ўттиз учинчи қаватидан туриб, қаҳвани ўзи тайёрлаётганини кўз олдига келтирди. Чиндан ҳам Зои тушлик, икки ҳисса латте ва бошқа майда-чуйда нарсаларини келажакдаги бойликка “айирбошлаш”и мумкинми?

У бошини чайқаб, хаёлларини тарқатишга уринди.

У онасининг кулиб айтган гапларини эслади: “Нон пишираманми? Ҳатто оддий қиём тайёрлашни ҳам билмайман-ку!” Шунингдек, телефонда айтган гаплари ёдига тушди: “Эҳ, Зои, берганига шукур қилишни ўрган!”

Қиз ноутбукни олиб, полда турган сумкасига қайта жойлади.

У Ҳенри билан бўлиб ўтган суҳбатни худди журнали учун ёзилган мақоладек қабул қилаётганини англади. Умумий сюжетни тушунишга уринаётгани, кульминацион нуқтани кутаётганини пайқади. Кейин хўрсиниб қўйди. Бу чиндан ҳам у таҳрирлаётган мақолага ўхшарди. Кимнингдир фикри, кимнингдир саргузаштлари, кимнингдир саёҳати.

Ўзиники эмас, бошқа бировнинг ҳаёти.

Зонинг телефони жиринглади. Жессикадан хабар келганди.

“Эртага соат тўртда кўришамизми?”

Эртага жума. Янги иш таклифининг охириги муддати. Жессика билан ўтиришади. Атрофдагилар қўлини кўтариб, уни янги иши билан табриклайди...

Телефон яна жиринглади.

“Айтганча, агентлик билан гаплашдингми? Менга таклифни қабул қилганингни айт! :)”

Зои экранга худди бир соат тикилиб қолгандек бўлди. Ниҳоят, у телефонни эҳтиёткорона қўлига олиб, жавоб ёзди:

“Ҳа, эртага кўришамиз! :)”

У телефонини бир четга қўйиб, ўрнидан турди, тишларини ювди ва ухлашга тайёргарлик кўриб, шифтга тикилганча чўзилиб ётди.

Лекин ўзини умуман :) ҳис қилмаётганди.

“Йўқ, — ўйлади Зои, — умуман :) эмас”. У негалигига ишончи комил эмасди, лекин бир нарса аниқ, айна дамда унинг кайфияти :( эди.

## 10-БОБ

### УЧИНЧИ СИР

Жума тонги яхши бошланмади. Зои тушликка нимадир тайёрлаб олиб кетишга аҳд қилди ва ўз журналида берилган Ўртаер денгизи рецепти бўйича оддий бир таом пиширмоқчи бўлди. Бироқ бу уриниши куйиб кетган сабзавотлар ва дақиқа сайин ёмонлашиб бораётган кайфиятдан бошқа ҳеч қандай натижа бермади.

У кечқурун қўрқинчли туш кўрди. Югуриш йўлакчаси ҳақидаги қўрқинчли тушларнинг яна бири. Фақат бу сафар йўлакча қайнаб турган иссиқ лава устига осилган ва Зои оловга тушиб кетмаслик учун тезлик билан айланаётган механизмда мувозанатни сақлаши керак эди. У пастдан ҳовур кўтарилаётганини, атрофида айланаётган кул зарралари сочлари ва юзини қоплаганини ҳис қилди. Ниҳоят, у даҳшатдан қичқириб юборди ва ўз овозидан уйғониб кетди.

Саҳар соат учда, зулмат ичида ётаркан, Зои бир қарорга келди.

Жессика ишлайдиган агентликдан кейинги кунлари қўнғироқ бўлса, Зои “ҳа” деб жавоб беради.

Бугун журналнинг баҳорги сонини муваффақиятли топшириб олгач, у Барбарани тушликка таклиф қилади (офис қаҳвахонасига эмас, балки бино ташқарисидаги бирон-бир жойга) ва ишдан кетаётганини айтади. Зои бу суҳбатни орзиқиб кутмаяпти, лекин гаплашмаса ҳам бўлмайди. Тўғри, Барбара иш ҳақининг ошиши Зоининг муаммоларини ҳал қилмаслигини айтиб, истаганича баҳслашиши мумкин. Эҳтимол, бу борада ҳақ бўлар ҳам. Лекин, келинг, ҳаётга реал қарайлик: ахир иш ҳақининг сезиларли ошишидан ҳеч ким зарар кўрмайди-ку!

Зои сумкасини олиб йўлга чиқаркан, ташқарида ёмғир ёғаётганини кўрди. У соябонини олиш учун ичкарига қайтиб кирди. Кейин кўчага чиқиб, ёқимсиз об-ҳаводаги энг ёмон нарса – кўлмакларни четлаб ўтишга уриниб, поезд томон кетди. Зои уйдан кеч чиқди, бундан ташқари, нима бўлганида ҳам бугун Ҳенрининг олдига кириб, у билан гаплашмоқчи эмасди. Етар миллион доллар тўплаш ҳақидаги хаёллар! Эҳтимол, у бугун эрталабки латте ва кексдан воз кечиб, тўғри станцияга бориши керакдир.

Шунга қарамай, Зои кетиб бораркан, Ҳенридан эшитган фикрлар тўпламини шунчаки ўтказиб юборолмади. Начора, у муҳаррир эди, муҳаррирнинг мияси эса бу фикрларни таҳрирламай туrolмайди.

Журнал таҳририятида у қайсидир томондан яхши, лекин умумий манзараси мавҳум, нималигини аниқлаш қийин мақолаларга дуч

келарди. Баъзида муаллифлар жуда кўп ғояни битта мақолага сиғдиришга уринган бўлади. Бошқа бирида эса асосий фикрлар айтилмай қолади. Ёки умумий фикр яхши, лекин мавзуга етарлича кириб борилмаган ё табиий хулоса чиқарилмаган бўлади.

Хўш, бу ердаги табиий хулоса қандай?

Зои тўсатдан юришдан тўхтаганида станцияга етай деб қолганди. У ўзига келиб ури-лаётган, уни туртиб ўтиб кетишга мажбур бўлган пиёдаларга “Кечирасиз, кечирасиз”, деганча ғўлдираб қолди.

Ҳенрининг ҳикояси қандай эди?

*“Бойлик, молиявий эркинлик мавзуларими? Унчалик мураккаб эмас. Оддий уч босқичли жараён. Мен уларни ‘Молиявий эркинликнинг уч сир’ деб атайман.”*

Аввал, ўзингизга тўланг – биринчи сир. Тўловни автомат тарзда амалга оширинг, бу – иккинчиси.

Учинчиси нима эди?

Зои тўсатдан ортига ўгирилиб, “Елена қаҳваси”га қараб юрди.



Орадан ўн дақиқа ўтгач, қизнинг соябони йиғилиб, тутқичи тепага қараган ҳолда қаҳвахонага кираверишдаги махсус бурчакда турар, ўзи эса Ҳенрининг рўпарасида ўтирарди.

– Ҳа, – деди Ҳенри, – учинчи сирни ҳам айтишим керак. Яхши.

У гавдасини орқага ташлаб, қўлларини тиззасига қўйди ва сўзлашда давом этди:

– Келинг, нима муҳим экани хусусида гаплашайлик.

– Хўп, айтинг-чи, ўша муҳим нарса нима? – сўради Зои.

– Йўқ, – жавоб қилди Ҳенри жилмайиб бош чайқаркан. – Бунақаси кетмайди. Мен сўрайман, сиз айтасиз.

– Нимани назарда тутаётганингизни англолмадим, – жавоб берди Зои.

– Биз шунча пайтдан бери худди муҳим бир нарсасидек, пенсия даври учун пул жамғариш ҳақида гаплашдик, лекин аслида бу шахсан сизга қанчалик аҳамиятли? Ҳа, сиз ярим асрдаё кейин пенсияга чиқишингизни биласиз. Менга келсак, етмишдан ошганман ва аллақачон шу дунёда яшайман. Аммо сиз учун буларнинг барчаси айнан ҳозир ҳақиқатдан узоқдек туюлади. Гапим тўғрими?

Ҳенри ҳақ эди. Барбаранинг пенсия ёшидаги аёл қанчалик камбағал бўлиши ҳақидаги тасвирлари Зоини қўрқитиб юборган бўлса-да, лекин қирқ йиллик муддат у учун абадиятдек туюларди.

– Шундай экан, ҳозирча пенсия ҳақидаги фикрларни кейинга қолдирамиз. Ҳаётингиздаги энг муҳим нарса нима? Кейинги қирқ ёки эллик йилни қандай ўтказишни хоҳлайсиз? Хаёлингизда нималар бор? – сўради Ҳенри.

– Хаёлимда нима бор? – Зои елка қисди. “Эҳ, менимча, улар ҳақида эшитишни хоҳламаган бўлардингиз” деб ўйлади сўнг.



– Ҳар хил салбий ўй-хаёллару хавотирларингизни эмас, – деди Ҳенри худди унинг фикрларини ўқигандек, – орзуларингизни айтиб беринг. Ҳар доим бажаришни истаган машғулотингиз ҳақида айтинг.

Жавоб Зоининг оғзидан ўзи билмаган ҳолда чиқиб кетди.

– Жуда гўзал фотосуратлар олишни ўрганиш...

– Фотография дарслари, – маъқуллади Ҳенри. – Ажойиб.

– Бу орзу билан оламшумул ишларни бажариб бўлмайди, – деди Зои.

Ҳенри ўйчанлик билан бош чайқади:

– Орзуингизни ерга урманг. Каттароқ орзулар дегани ҳар доим ҳам энг яхши орзулар бўлавермайди. Орзу, бу – орзу. Баъзан уларнинг энг оддийлари энг эътиборни тортадигани бўлади. Бунинг устига, оддий орзуларни амалга ошириш анча осон. Худди сизники сингариларини. Фотография дарсларига қатнашмоқчисиз. Хўш, нега шундай қилмаслигингиз керак экан?

Зои энди гап бошлаганди ҳамки, Ҳенри бармоғини кўтариб, уни тўхтатиб қолди.

– Тўхтанг. Фақат битта шартим бор: бунга қурбим етмайди, демайсиз.

– Майли, – деди Зои.

Бироз тараддудланган Зои шундай деб қўшиб қўйди:

– Чунки улар жуда қиммат.

Ҳенри кулимсиради.

Дарҳақиқат, Зои сўнгги бир неча йил давомида жуда боргиси келган маҳаллий курс бор. Ва нархи унчалик қиммат ҳам эмасди – 600 доллардан камроқ турарди. Аммо Зои ҳалигача унга пул ажрата олмаганди.

– Майли, – деди Ҳенри. – Келинг, бир нарсани кўриб чиқамиз. 401(к) пенсия режаси бўйича автоматик депозитингиз борми?

Ҳенри Зоининг каловланиб қолганидан жавобни пайқади ва ўзи қўшимча қилди:

– Демак, йўқ.

– Шундай, – тан олди қиз. – Аммо энди бу ҳақда *ўйлай* бошладим.

Ҳенри иягини пастга туширди ва жиддий нигоҳларини унга қадади:

– Мен бу сўзларингизни эшитмаганга оламан.

Зои беғуборгина жилмайиб қўйди.

– Шундай қилиб, – давом этди Ҳенри, – ушбу пенсия ҳисобини очганингиздан ва унга оз бўлса-да пул тўплангандан кейин, “орзу” деб номланган яна бир ҳисоб рақами очишингиз керак. У пенсия ҳисобидан бутунлай мустақил ва фақат шу – фотография курслари учун пул тежашга мўлжалланган бўлади. Уни “Зоининг фотография курси ҳисоби” деб атанг ва унга ҳар ой, айтайлик, 100 долларни автомат тарзда ўтказасиз. Бу кунига уч ярим доллардан ҳам кам дегани.

“Яна *битта латте* кетди!” деди ичида Зои, бу ҳақда ўйлашдан ўзини тия олмай.

– Фотография курси қанча туради? – сўради Ҳенри.

– Тахминан 600 доллар.

– Яхши, демак, олти ой ичида бу пулни топишингиз мумкин. Орзуингиз амалга ошди. Олға юришда давом этамиз! Яна қандай орзуларингиз бор?

Зои жим қотиб қолди. Қандайдир сабабга кўра у бошқа бирор орзуси ҳақида ўйлай олмасди.

– Мен... мен... – деди у Ҳенрига қараб иккала кафтини ҳам кўтарганча. – Хаёлимга ҳеч нима келмаяпти!

– Кўзларингизни бир зум юмишга уришиб кўринг, – деди Ҳенри.

Зои кўзларини юмди.

– Чуқур нафас олинг... ва чиқаринг.

Зои маслаҳатга амал қилди.

– Энди беҳад улкан бахтни туйган, чинакам қувонган вақтингизни эсланг.

Зои яна чуқур нафас олиб чиқарди.

Мана, у етти ёшда. У ота-онасининг машинасида, орқа ўриндиқда ўтирибди. Бутун оила жамулжам бўлиб шимол томон йўл олган. Олдинда уларни Мейн қирғоқларига саёҳат кутмоқда.

Зои ота-онаси билан океан соҳили бўйлаб юрганларини эслади. Бутазор ер, осмонда чарх уриб айланаётган бургутлар, қирғоқ бўйлаб терилгандек турган харсанг тошлар ва музлаётган сув. Меҳмонхонага қайтганларида у ерда қилинган нонушта. Черниканинг майда меваларидан ёқимли ҳид таралади. У ҳаёти давомида татиб кўрган энг мазали (албатта, черникали) қуймоқлар.

– Эҳ, – деди Зои кўзларини очмай.

У бу саёҳатни кўп йиллардан бери эсламаганди. Зои хотирасида қолган барча таасуротларини Ҳенрига оҳиста тасвирлаб берди.

У ота-онаси билан қисқичбақа овлайдиган балиқчиларнинг қайиғига чиққанини эслади. Тўқ яшил рангдаги тўлқинларнинг урилиши қалбини ҳаяжонга соларди. Капитан унга руль дастагини бир неча дақиқа бошқаришга рухсат берганида, дағал ёғоч қандай бўлишини ўз қўллари билан ушлаб, ҳис қилиб кўрганди.

– Илгари ҳеч қачон қайиқда сузмаганман, – деб тушунтирди у.

– Хўш, айтинг-чи, Зои, – сўради Ҳенри худди у каби оҳисталик билан, – ўша кичкина қайиқ ичидалигингизда нималарни ҳис этгансиз? Ўша саёҳатдаги нима сизга шунчалик ёққан?

Зои кўзларини очиб, Ҳенрига қаради. Баристанинг кўзларида учқун порларди.

– Бу ҳақиқий саргузаштга ўхшарди. Ҳозирнинг ўзида отланиб, истаган жойимизга боришимиз мумкиндек эди. Бу худди учишга – озошлик ҳиссига ўхшарди.

Зои бир зум тин олиб, охирги сўзини яна такрорлади:

– Озошлик.

Кейин кўзларини юмиб, бу сўз ҳақида ўйлай бошлади.

Озошлик минораси.

У ҳар куни офис қаҳвахонасининг деразаларидан Озошлик ҳайкалини томоша қилади.

– Назаримда хоҳлаётганим шу, – пичирлади Зои. – Фақат фотография дарсларига бо-

ришни эмас, балки эркинлик ҳиссини туйишни ҳам хоҳлайман. Хоҳлаганимни қила олишим, истаган вақтда хоҳлаган жойимга бора олишим мумкинлигини билгим келяпти.

Зои кўзларини очди ва қизариб кетди.

– Эҳтимол, бу сўзларим худбинлик ёки хомхаёл бўлиб туюлгандир.

Унга қараб турган Ҳенрининг киприклари қилт этмади.

– Билмадим, – деди у. – Ростдан ҳам шундаймикин? Менга сўзларингиз жуда оқил-лона туюляпти. Агар бу дунёга бирор мазмунли ишни амалга ошириш учун келган бўлсангиз, унда, менимча, бу ишни бажара олиш учун албатта эркинлик хоҳлаган бўлардингиз.

Зои енгилгина бош ирғади.

– Шунақа бўлса керак, ҳа.

– Хўш, қани айтинг-чи, – деди Ҳенри, – Мейндаги қайиқдалигингизда ҳис қилган эркинлигингизни сизга эслатадиган, бир лаҳза бўлса-да, ўша ҳиссиётни сизга қайта тақдим этадиган нарса нима?

Зои яна кўзларини юмди ва хотираларига қайтди. Шу чоғда Ҳенрининг саволига жавоб қизнинг оғзидан кутилмаганда чиқиб кетди:

– Саргузашт!.. – Зои кўзларини очиб, Ҳенрига қаради. – Бу ҳақда ҳеч қачон яхшилаб ўйлаб кўрмаган эканман, лекин хоҳлаганим айнан шу. *Саёҳат* эркинлиги. Олдин кўрмаган нарсаларимни кўриш. Ҳеч қачон бормаган жойларимга бориш..

Ҳенри бош ирғади.

– Ва сиз қаерда ишлардингиз?

Зои унга ажабланиб қаради, лекин Ҳенри нимага шама қилаётганини тушунгач, кулиб юборди. “Эҳ, нозик жойимдан тутди-ку!” У саёҳат журналида кичик муҳаррир бўлиб ишлар ва бошқа бировнинг саргузаштлари ҳақидаги ҳикояларга сайқал берарди.

Бошқа бировларнинг саёҳатларига.

Ҳенри мулойимлик билан сўрашда давом этди.

– Қандай саргузаштлар? Сизга нима бера оладиган саргузаштлар?

Зои яна кўзларини юмди ва ўйга берилди. Агар у хоҳлаган жойига бориши, истаганини қилиши мумкин бўлса, қаерга борган бўларди?

– Албатта, парашютдан сакраш ёки мотокрос эмас. Тоққа чиқиш ҳам эмас. Дунёдаги энг гўзал маконларни томоша қилиш имконини берувчи саёҳатларни хоҳлардим, – Зои яна бироз ўйлаб олгач, қўшиб қўйди: – Бу завқли ишқибозлик йўлидаги эмас, балки *гўзалликдан* баҳра олиш учун амалга ошириладиган саёҳатлар..

У кўзларини очди. Ҳенри қаламини олиб, чарм муқовали ён дафтарининг янги саҳифасига учта сўз ёзди:

### **Эркинлик. Саргузашт. Гўзаллик.**

– Биласизми, нега кўпчилик пул тежамайди, Зои? – сўради Ҳенри. – Ёки тежашганида ҳам, жамғармалари арзимас чақага тенг бўлади? Чунки улар бунинг моҳиятини тушунишмайди. Моҳият эса мана бу, – Ҳенри боши билан дафтарга ёзилган учта сўзга ишора қилди.

– Одамлар каттароқ уй, яхшироқ машинага эга бўлиш, шаҳар ташқарисидан ҳовли олиш ёки яхшироқ маош олиш ҳақида гаплашадилар. Лекин аслида буларнинг ҳеч бири аҳамиятсиз. Балки бу нарсалар сизга нима бера олиши муҳим.

Зои, қисқа муддатли фотография курслари бўладими ёки дунё бўйлаб саёҳат каби сал узоқроқ давом этадими, бунисидан қатъи назар, орзуларингиз жуда муҳим. Улар худди кислород сингари аҳамиятли. Уларсиз ҳаётингиз бўғилиб қолади.

Балки, бу орзулар рўйхатингиз ҳали тўлиқ эмасдир. Уни қайта кўриб чиқишни, таҳрирлашни, яна нималарнидир қўшишни хоҳлаб қолишингизга шубҳа йўқ. Уларни шахсий қадриятларингиздек кўринг. Чунки сиз учун катта аҳамият касб этадигани мана шу нарсалардир.

У тағин бош ирғаб, дафтар саҳифасига ишора қилди. Кейин давом этди:

– Демак, саволим шундай. Амалга ошираётган ишларингиз ва ҳар кунги танловларингиз сизни мана шу нарсалар томон олиб боряптими? Сиз ўзингизга чиндан ҳам муҳим бўлган нарсалар учун пул сарфляяпсизми?

Зои бир зум ўйланиб, саволга савол билан жавоб берди:

– Бу сизга беҳад улкан бахтни туйиш, чинакам қувонч ҳиссини боряптими, демоқчимисиз?

Ҳенрининг юзига табассум ёйилди:

– Ҳа, айнан шундай демоқчиман.

Зои Ҳенри ёзган сўзлар рўйхатига назар ташлади. Негадир яна онасининг “Борига шукр қилгин, азизам” деган овозини эслади. У ўзида боридан мамнунмиди?

Кейин Ҳенрига қаради.

– Сизга шахсий савол берсам, қарши эмас-мисиз?

– Бемалол, – жавоб берди суҳбатдоши очиқ чеҳра билан.

– Нима сизга чинакам ва чексиз бахт олиб келади?

Ҳенри стулга суяниб, ўйчан қиёфада Зоига тикилиб қолди. Ниҳоят, енгил бош ирғади:

– Энди буниси зўр савол бўлди.

Кейин ўрнидан туриб, Зоига юзланди:

– Озгина сайр қиламизми?

Улар катта зал бўйлаб секин айлана бошлашди.



– Ўттиз олти йил олдин қадрдон бир дўстим мендан худди шу ҳақда сўраганди. Ўша пайтгача ўзимга бу саволни бериб кўрмаган эканман. Унга ҳеч қандай жавобим йўқлигини англаганимда эса эсанкираб қолганман.

Ўзимни бахтсизман дея олмасдим. Яхши фирмада ишлайдиган, келажаги бор ва истиқболи порлоқ ёш меъмор эдим. Қилаётган ишим ва ёнимдаги ҳамкасбларим ўзимга ёқарди. Аммо шунинг ўзи менга чиндан ҳам беҳад



улкан бахт ва қувонч ҳиссини бераётганми-ди? — Ҳенри секингина бош чайқади. — Йўқ, тан олишим керакки, бундай эмасди. Турли нарсаларга тўлов қилиш учун бир неча соатлаб қаттиқ меҳнат қилардим, аммо ўша нарсалар мени ўзим чин дилдан истаган ҳаётга яқинлаштирмаётганди.

Шундан сўнг раҳбаримнинг олдига бориб, биров вақт ишдан дам олишга рухсат сўрадим. Буюмларимни жомадонга жойладим, самолётга чипта сотиб олдим ва Европага учиб кетдим.

Аввалига бошлиғимга қайта ўзимга келиб олишим учун бир неча ҳафта вақт кераклигини айтдим. Бундай таътиллarga кескин ўзгаришлар деб ном қўйганман, — Ҳенри кулиб юборди. — Лекин кейин ҳеч қачон бу ишга қайтмаслигим маълум бўлди.

Дўстларим мени ақлдан озган, деб ҳисоблай бошладилар. Ахир ажойиб карьерадан воз кечаётгандим. Билишимча, улар ҳақ эди. Лекин, Зои, ўзимга бир неча йилдан бери шундай дердим: “Бир куни, Ҳенри, албатта дунё бўйлаб саёҳат қиласан, сайёрадаги энг қизиқарли, энг ажойиб ва энг чиройли жойларни қидириб топиб, уларни суратга муҳрлайсан”.

Ва шундай қилдим ҳам. “Энг яхши ҳаётни нафақага чиққандан кейин яшайсиз, орзуларингизни ўша пайтга асраб қўйинг” деган фикр кутилмаганда мен учун маъносини йўқотди. Ўша пайтда ишлаётган компаниямга ариза топширдим ва олти ҳафталик саёҳатга чиқдим. Қайтганимдан сўнг кичик бизнес учун

кредит олиб, севимли маҳалламда жойлашган бинонинг биринчи қаватидаги бўш ётган кичкина жойни ижарага олдим.

– Ва қаҳвахона очдингиз, – деб тахмин қилди Зои.

Ҳенри бош ирғади.

– Ва биринчи навбатда ўзимга тўлай бошладим. Ҳаётимга ўзим эгалик қила бошладим. Кўп ўтмай бутун бинонинг эгасига айландим. Ўша илк сафаримдан сўнг ҳар йили ўзимга дунёни кўриб келиш учун олти ҳафта вақт ажратаман. Охирги ўттиз олти йил ичида юзлаб мамлакатларда саёҳатда бўлдим.

Зои тўсатдан шунча вақт давомида бурнининг остида турган ҳақиқатни пайқамганини тушунди. Унинг эти жимирлаб кетди.

– Демак, бу фотосуратлар... – пичирлади қиз ҳаяжон ичра. – Уларнинг барини сиз олгансиз!

Ҳенри жилмайиб қўйди.

– Олдин ҳам айтганимдек, сизга жуда маъқул бўлган ўша сурат мен учун ҳам энг севимлиси.

Бу пайтда улар Миконос тонги тасвирланган суратга яқинлашиб қолишгани ва унга биргаликда тикилганча туриб қолишди.

– Ушбу суратни туширган куним кечагидек ёдимда, – Ҳенрининг майин овози узоқдан келаётгандек жаранглаб чиқди. – Манзарани тасвирга туширганимдан сўнг орқага ўгирилиб, камерани ерга қўйгандим ва бир оёғим билан тиз чўкиб, бўлажак рафиқамнинг қўлини сўрагандим.

– Ва у розилик жавобини берган, – пичирлади Зои.

– Ҳа, розилик билдирганди, – тасдиқлади Ҳенри.

– Еленами?

Ҳенри табассум қилди.

– Ҳа, Елена. Бутун Грециядаги энг гўзал аёл – троялик Елена каби. Биз илк бора бу суратни олишимдан бир неча ҳафта олдин ўша портда учрашгандик. Бу биринчи саёҳатим эди. *Кескин ўзгаришли* илк таътилим. Елена мен билан Америкага келди ва ... – Ҳенри тўхтаб қолди ва қўлларини ёйганча, гўё бу ҳаракати билан бутун қаҳвахонадаги барча суратларни кўрсатиб, “*Мана у*” деётгандек бўлди.

“Елена қаҳваси”.

– У ҳаётим мазмуни, – деди Ҳенри. – Ва ўшандан бери ҳаётга севги кўзлари билан боқаман.

Зои, ниҳоят, сурат нима учун уни бунчалик ўзига жалб этганини тушуниб етди. Бу шунчаки манзара гўзаллиги эмасди, бу айнан *лаҳза* – заррин нурлар остидаги севги ва чексиз имкониятларга тўла ёрқин олтин лаҳзанинг гўзаллиги эди.

Зои тўсатдан қаҳвахона деворларидаги барча фотосуратларда ушбу гўзаллик мужассам эканини тушуниб етди. Уларнинг ҳар бири ўзида Ҳенрининг ҳаётидаги ўзига хос лаҳзаларни акс эттирган ва энди бу лаҳзалар абадий у билан бирга.

Зои тўсатдан Ҳенрининг айнан нимаси ўзига хос эканини англади. Зои бир неча кундан бери тавсифлашга уринаётган ўша ўзига хослик нафақат уни, балки Барон, Жоржия, Барбара ва бошқаларни ҳам ўзига жалб қилганини тушунди. Зои “Ҳенри одамни оҳанрабо каби ўзига тортади, бунини харизма дейиш мумкин, ammo бу тўлақонли таъриф бўла олмайди” деб ўйлаганларини эслади. Бу ўзига хослик қандайдир осойишта шодонлик, мамнуният ҳисси сингари нарса эди. Ҳенри ўн минглаб лаҳзаларни яшаб ўтган, уларнинг барчасидан унумли фойдаланган ва чинакам бой яшаган.

Бу унинг кўп нарсани билиши, эски мактаб одами эканлиги, ўзгачалиги, мафтункор ёки ақллилиги билан боғлиқ жиҳат эмасди. Муҳими, Ҳенри бой эди. Фақат *моддий* томонлама эмас, балки *ҳаётий* жиҳатдан, тажрибаларда ҳам бой эди.

– Бу учинчи сирми? – сўради Зои.

Ҳенри табассум қилди.

– Ҳа. Ушбу учинчи сир бўлмаса, аввалги икки сир фойдасиз. Агар учинчи сир бўлмаса, дастлабки иккита сир иш бермайди, чунки усиз катта эҳтимол билан ундан олдингиларига ҳам қулоқ тутмайсиз.

У ён дафтарчасини орқага варақлаб, биринчи иккита сир ёзилган саҳифани очди ва учинчи сирни ҳам қўшиб қўйди:

### 3. Ҳозироқ бой яшанг

– Биринчи иккита сир – “Аввал ўзингизга тўланг” ва “тўловларни автомат тарзда амалга

оширинг” “Қандай қилиб?” деган саволга жавоб беради. Учинчи сир эса “Нима учун?” деган саволга. Сиз учун нима муҳим эканини аниқлаб олинг ва унга эргашинг.

“Олис келажакда эмас, ҳозироқ бой яшанг. Бугуннинг ўзидаёқ.”

## 11-БОБ

### ЙЎЛАКДАГИ МИЛЛИОНЕР

Зои ўттиз учинчи қаватдаги лифтдан чиқши билан бугун қиладиган ишлари бир дунё эканини билди. Журналнинг баҳорги сонини тайёрлаш учун берилган сўнгги муддат бугун тугайди. Офисдагиларнинг барчаси қизгин ижодий жазавада. Таърифлар, сарлавҳалар, қайта ёзилган матнларнинг чексиз оқими Зоидан эътибор талаб қилар ва у барчасини бирма-бир қараб чиқарди. Шунга қарамай, хаёли бугун Барбара билан тушликда бўладиган суҳбатда эди. Зои ҳали иш таклифи бўйича якуний қарорини айтиш учун Жессика ишлайдиган агентликка қўнғироқ қилгани йўқ ва бу ишни бугун амалга ошириши керак, лекин олдин бошлиғи билан гаплашиб, кетаётганини билдириб қўйиши ҳам лозим бўларди.

Бу ҳақда ўйлашнинг ўзиёқ оғир эди.

Ниҳоят, тушдан кейин соат бирда Барбара Зоининг столи ёнига келди.

Ёмғир тўхтаб, қуёш туманни тозалаётган, йўлакларни аста қурита бошлаганди. Улар офисдан бир неча блок нарида жойлашган ва ташқарисида ҳам ўтириш имкони бўлган

“Tribesa” қаҳвахонасига боришга қарор қилдилар. Йўл-йўлакай икковлари журналнинг аллақачон тайёрланиши бошланган ёзги мавсуми ҳақида бироз гаплашишди.

Улар столга жойлашишди, менюни кўздан кечириб, буюртма беришди ва бир-икки дақиқа майда-чуйда нарсалар ҳақида сўзлашишди. Аслида на Зои, на Барбара бекорчи нарсаларга вақт сарфлашни ёқтирмасди.

– Хўш, – деди Барбара бироз сукутдан кейин. – Нима ҳақидадир гаплашиб олмоқчи эдингиз?

– Ҳа, шундай, – дея каловланди Зои. У булочкани синдириб, ярмини зайтун мойга ботириб олди.

– Яхши... – деди Барбара. – Нима демоқчилигингизни тахмин қилишим керакми?

Зои кулиб юборди.

– Кечирасиз. Албатта, йўқ. Шунчаки, мен... мен... – Зои гапиришдан тўхтади, булочка бўлагини ликопчасига қўйиб, чорасиз қиёфада Барбарага қаради. – Мен бироз чалкашиб кетдим.

Барбара қўлини Зоининг қўлига қўйди.

– Тинчланинг, Зои. Бу менман. Тишлаб олмайман ахир. Тўғрими?

Зои бош ирғади.

– Ҳаммаси ғалати... Ҳенрининг қаҳвахонасидаги пул, мураккаб фоиз ва бойлик ҳақидаги суҳбатлар. Буларнинг барчаси мени...

– Пароканда қилди, – қўшилди Барбара.

– Ҳа, шундай, пароканда қилди.

– Лекин нега? – сўради Барбара. – Буларнинг барчаси шунчаки оддий суҳбатлар, шундай эмасми?

– Ҳа, – қўшилди Зои. – *Шунчаки суҳбатлар.* Уларнинг барчасида худди бошқа олам ҳақида гап кетаётгандек. Тунов кунги нефть магнати Барон-чи! У биринчи миллионингни тежаш қанчалик муҳим экани ҳақида гапираётганди. Мен эса унинг олдида ўтириб, “Албатта, биринчи миллионим эсимда, ўйлашимча, бу бреккетларимни ечишган пайт эди” дегандек бош ирғаб тургандим.

Барбара қаҳқаҳа отиб юборди.

Зои булочкадан яна бир бўлак синдириб, қўлида ушлаганча гапида давом этди:

– Лекин нима демоқчилигимни тушундингиз, тўғрими? Нега бу одам билан бирга ўтириб, миллионлаб долларлар ҳақида гаплашяпман? Нима учун бу суҳбатга қўшилиб ўтирибман? Бу менинг ҳаётим эмас. Мен ҳеч қачон бой одам бўлолмайман.

Барбара бир зум жим қолди, кейин сўради:

– Нима учун экан?

– *Чунки,* – жавоб бера бошлади Зои, газабини кўрсатмасликка интилиб, – чунки бошқа одамлар молиявий эркинликка эга, Барбара. Қимматбаҳо санъат асарларини сотиб олишга қурби етадиган одамлар. Замонавий медиа агентликларида ишлайдиган, телевизорда чиқадиган одамлар. Бизнинг журналимизни ўқиб, хоҳлаган жойига хоҳлаган вақтида дунё бўйлаб саёҳатга чиқадиган одамлар. *Бошқа одамлар,* Барбара. Мен эмас!



– Эҳ, – деди Барбара. Ва тагин саволини такрорлади: – Нега сиз эмас?

– Нега мен эмас? Чунки... чунки талабалик кредитларим бошимдан ошиб ётибди, кредит қарзларим ҳисобини юрита олмайман, ижара ҳақини тўлашга зўрға пул топаман. Ҳаётимга, танамга, мол-мулкка зиён этказмай, яхши бир таом ҳам тайёрлай олмайман!

Эндиликда Зои ҳис-туйғулари тўлиб-тошганидан қалтираган овозда гапирарди.

– Чунки мен пул билан ишлашни яхши билмайман, Барбара. Чунки оиламда ҳеч қачон кўп пул бўлмаган. Чунки мен менман.

Барбара жим қолди.

– Хўш, айтинг-чи, Барбара, нега? – давом этди Зои. – Нега мен бойиб кетишим керак?

Зои қаҳвахонадаги бир қанча мижозлар унга яширинча қараётганини пайқади, лекин бунга парво қилмади.

Барбара унга бир дақиқа хотиржам қараб тургач, кейин оҳисталик билан ўша сўзларни қайтарди:

– Нега бойиб кетмаслигингиз керак экан?

Зои ўзини тинчлантиришга уриниб, чуқур нафас олди ва сўзлади:

– Ҳатто нимадан шунчалик хафаман, ўзим ҳам билмайман.

Барбара бироз жилмайиб қўйди, Зои эса ўзини тута олмай кулиб юборди.

– Бошни ҳам оғритиб юборди бу масала, – деб қўйди кейин.

Официант буюртмаларни олиб келди. У тарелкаларни жойлаштираркан, иккала аёл

ҳам жим ўтирганча ўтаётган одамлар оқимини кузатишди.

Официант кетгач, Барбара сўради:

– Бу ерга келиб ўтирганимиздан бери столимиз ёнидан қанча одам ўтди деб ўйлайсиз?

Зои тахмин қилишга уринди:

– Билмасам, эҳтимол, бир неча юз кишидир? Ёки кўпроқ?

Барбара деди:

– Уларнинг бирортасиниям танимайман, лекин шуни айтишим мумкин: агар уларнинг юзтасини тасодифан тўхтатиб сўров ўтказсак, кўпчилигида жуда кам жамғарма борлиги ёки деярли умуман йўқлиги, баъзилари эса қарзга ботгани маълум бўлади. Чиройли кийинган олифталарни кўряпсизми? Уларнинг пулидан кўра қарзлари кўпроқ. Баъзилари эса бутунлай қарзга ботиб қолган.

“Номи улуг, супраси қуруқ” ўйлади Зои.

– Яна бир нарса: ўша юз кишидан қанчаси аввал ўзига тўлаб, бир-икки миллион доллар йиғишга эришганини биласизми? Тахминан, бештаси. Бу миллий статистикамиз: йигирмата одамдан бир кишигина шундай қилади.

– Бу ростми? – сўради Зои.

– Ҳа, рост, – жавоб берди Барбара. – Энди мана шу одамларга қараб айтинг-чи, уларнинг қайси бири пул жамғариш қоидаларига амал қиляпти, қайсилари эса йўқ? Ҳаракат қилинг-чи, аниқлай олармикинсиз.

Зои салатидан еркан, бир учрашувдан иккинчисига шошилаётган тадбиркорлар оқимини томоша қилди. Бу одамлар балиқлар

галаси каби диққатга сазовор жойларнинг бирдан иккинчисига кўчиб юрадиган сайёҳларнинг кичик оқимига аралашиб кетди.

Зои елка қисди.

– Таслим бўлдим. Буни айта олмасам керак.

– Ажратолмайсиз, – деди Барбара. – Мен ҳам ажратолмайман. Бу ерда ҳеч қандай аниқ белгилар ёки инкор этиб бўлмайдиган далиллар йўқ, чунки одамларнинг бундай синфи ёки имтиёзли гуруҳининг ўзи мавжуд эмас. Бой одамларни бошқалардан ажратиб кўрсатувчи алоҳида хусусият йўқ. Улар ҳамма қатори кўринади. Фақат ишларини бироз бошқача усулда бажаришади. Мана шу холос. Миллионер деганда кўз олдингизда ким гавдаланади?

– Ҳашаматли кийинган ва қимматбаҳо нарсаларга кўп пул сарфлайдиган одам, – жавоб берди Зои.

Барбара кулиб юборди.

– Албатта, шундай. Кўпчилик мана шундай ўйлайди. Лекин аслида ҳаммаси аксинча. Умуман олганда, бадавлат инсонлар ўзлари учун жуда муҳим бўлган нарсаларга пул сарфлашади – бундан ортиғияям, камияям эмас. Ҳар хил майда-чуйдаларга пул сарфловчилар *муҳтож* инсонлар бўлишади.

“*Муҳтож*” ўйлади Зои. У бундай атамани умрида бирор марта эшитмаган бўлса керак.

– Молиявий жиҳатдан хавфсиз одам ким? Миллионер-чи? Сизнинг оддий қўшнингиз ёки сантехнингиз ҳам миллионер бўлиши мумкин, – деди Барбара, таомини еркан. – Ёки сиз

доим борадиган қаҳвахона эгаси миллионер бўлиб чиқиши мумкин.

– Тўғри, – деди Зои ва бош ирғаб салатини чайнашда давом этди. – Ҳалигача бунга ишолмайман, лекин шундай. Мен борадиган қаҳвахона эгаси миллионер.

Барбара яна бир луқма ютиб, қўшиб қўйди:

– Ёки сизнинг раҳбарингиз.

Зои бошини кўтарди ва қўлидаги вилка ва пичоқни стол устига қўйди. У стулига суяниб, бошлиғига тикилганча қотиб қолди. Кейин ҳайратдан тош қотиб зўрға бир сўзни айта олди:

– Н-нима?

Барбара хўрсиниб қўйди.

– Эшитинг, бу ҳақда гапиришни унчалик ёқтирмайман, шунинг учун гап иккаламизнинг орамизда қолсин, хўпми?

Зои бош ирғади.

– Ҳенри берадиган маслаҳатлар бор-ку, мен уларни пул ишлашни бошлаганимдан бери амалда қўллаб келаман. Бунга бир неча ўн йиллар давомида риоя қилиб келяпман. Ҳенри билан учрашишдан анча олдин бошлагандим буни.

Зои гапиришга сўз тополмай қийналарди.

– Сиз... Лекин ким... Қандай қилиб?..

Барбара яна овқатланишга ўтди.

– Мени шундай тарбиялашган, – Барбара елка қисиб қўйди. – Айтганча, сиз айтган Барон ҳақ. Асосийси – биринчи миллионни топиш. Ўшанда ўзингизни жуда муҳим бир ишни қойиллатгандек ҳис этасиз. Лекин чин-

дан муҳим ишни амалга оширган бўласиз. Иккинчи миллионни топиш эса анча-мунча осонроқ: мураккаб фоиз сеҳри ҳақиқатан ҳам иш беради.

Зоининг хаёллари чувалалиб кетди. Унинг хўжайини, газета бошлиғи – Барбара... *У мультимиллионерми?*

– Лекин, Барбара... – деди Зои бўғиқ овозда шивирлаб. – Нега ҳали ҳам нашриётда ишлаб юрибсиз?

– Нимага ишламас эканман? Ишимни яхши кўраман. Одамларни яхши кўраман. Худди сиз каби инсонларни, Зои. Вақти-вақти билан мана шундай суҳбатлар қилиб турамиз. Кадрлар бўлимидаги Дейв билан гаплашиб олинг. У сизга 401(к) ҳисобини очишга ва уни энг юқори даражага етказишга ёрдам беради, компания бунга қанчалик мос келишини кўрсатади. Бу ердан пенсияга чиқаётганингизда аллақачон бадавлат инсонга айланган бўласиз.

*“Бу ердан нафақага чиқаётганингизда...”*

Бу сўзлар хаёлларида учаётган Зоини ба-тамом ерга қайтарди ва бирдан Барбарани кечки овқатга таклиф қилишининг асл сабабини ёдига туширди. Сабаби – жиддий суҳбат. Жессиканинг агентлигида иш бошлаш учун Барбаранинг ишидан кетиш масаласи.

У чуқур нафас олди, Барбаранинг сиридан воқиф бўлиш уни ҳайратга солган, энди эса мана шу ҳайратни унутиб, диққатини ёқимсиз мавзуга қаратишга уринди.

– Гап шундаки... – дея гап бошлади у, – сиз билан бир масалада гаплашиб олмоқчи эдим...

Бирдан телефон жиринглади. У беихтиёр дарров экранга қаради ва рақамни кўриб ҳайрон бўлди.

– Ҳозир, бир сония... – деди сўнг Барбарага ва жавоб бериш тугмасини босди. – Салом, яхшимисиз?

У бир муддат телефондаги овозга қулоқ солиб, зўрма-зўраки бош ирғаб турди.

– Албатта, – деб ғўлдиради кейин, – бугун кечқурун бораман.

Қиз телефонини ўчириб, Барбарага қаради.

– Кечирасиз, кетишимга тўғри келяпти. Қўнғироқ қилган онам эди.

## 12-БОБ

### ОНА

Пенн станциясига етиб олгунча Зои йўл бўйи ўзини койиб кетди. Шундай бўлишини олдиндан сезиши, кўриши керак эди. Кўпроқ эътиборли бўлиши керак эди.

У поездга ўтирди ва Нью-Йоркнинг юқори қисми бўйлаб узоқ саёҳатни бошлади. *Поупкизи, Олбани, Скенектади...* Онаси қайта-қайта “Мен яхшиман, Зои, шунчаки чарчадим”, деб айтганди. Бироқ Зои буни олдиндан сезиши керак эди. Албатта, отаси ишдан бўшатилоганида онаси стрессга тушиб қолган, кейин эса кичикроқ квартирага кўчиб ўтиш машмашалари ҳолсизлантирди... Грипп... Онаси бу гриппдан қутула олмаётганини айтганди. Доимий бел оғриғи... *Ютика, Онайда, Сиракьюс...* “Яхши бўлиб қоламан”, деб ишонтирганди онаси. Зои эса бунга ишонди.

У таксига ўтириб, шифохонага етиб боргунча ўзини ўзи айблашда давом этди. Онаси тушлик пайтида озиқ-овқат солинган иккита катта сумкани кўтариб, машина томон кетаётганида тўсатдан ҳушидан кетиб йиқилган ва

шу шифохонага олиб келинган. Кейин ундан бир нечта тахлиллар олишган.

Бу грипп эмас ва онаси тузалиб кета олмаслиги маълум бўлди. У шунчаки чарчаб қолмаган ёки оддий стрессга тушмаган. Онаси саратонга чалинган ва ҳаёти ниҳоясига етмоқда эди...

– Қўрқаманки, бу ошқозонности беши саратони, – деди шифокор. – Касалликнинг бу тури йўқ жойдан пайдо бўлиб қолгандек туюлади.

Аммо ҳеч нарса ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмайди, шундай эмасми?

– Олдинроқ сезишим керак эди, – деб пичирлади Зои, – эътиборлироқ бўлишим керак эди.

Зои чуқур нафас олиб, касалхонанинг катта кириш эшигидан ҳатлади.

Кейин керакли хонани топди ва ярим очиқ эшикдан сирғалиб кирди, отасини маҳкам қучоқлаб, пичирлаб тасалли берувчи сўзларни айтди, кейин эса каравот ёнидаги стулга ўтирди.

– Ойи?.. – шивирлади қиз.

Кекса аёлнинг қовоқлари қимирлади, кейин кўзлари очилди.

– Азизам, – жавоб қилди онаси ва кўзларини юмиб очди, сўнг заифгина куларкан, изоҳ берган бўлди, – бунчалик оғир сумкаларни кўтармаслигим керак эди...

Зои онасига қараб жилмаяркан, кўзларидан аччиқ ёш қуйилаётганини ҳис қилди.

– Гапирманг.



Онаси унинг қўлларидан ушлади.

– Зои, – деди у қизига бу сафар жиддий овозда. – Сенга ҳар доим бориға шукр қилиш кераклигини айтиб келганман.

– Биладан, ойи. Бориға шукр қиламан, албатта.

Онаси уни ўзига яқинроқ тортди. Зои эса унинг куч топганига ҳайрон қолди.

– Ундай қилма, Зои.

Зои онаси томон энгашди:

– Нима қилмай, ойи?

– Бориға шукр қилиб, ҳаракат қилмасдан ўтирма.

– Тш-ш, – пичирлади Зои. – Кучингизни асрашингиз керак, ойи.

– Ўрнимдан туришимга ёрдам бер, – деди онаси.

У қийинчилик билан каравотнинг бош томонига суяниб, сал гавдасини кўтарди. Кейин тагин қизининг қўлидан ушлади ва гапида давом этди:

– Менга қулоқ сол. Бориға қаноатланма. Отангни яхши кўраман, сени ҳам. Мен бахтсиз аёл эмасман.

У бироз тин олди. Онаси кейинги сўзларини сараладими ё шунчаки фикрини якунлаш учун куч тўпламоқчи бўлди, Зои буни англай олмади.

– Лекин қилмоқчи бўлган ишларим кўп эди, – сўзини якунлади аёл.

– Ойи...

– Энди жим эшит, – деди онаси яна. – Мен армон билан ўлишни хоҳламайман, Зои. Менга ҳаётда эришининг мумкин бўлган имкониятларининг йўққа чиқармасликка ваъда бер. Бор кучингдан фойдаланишга, ҳаётининг тўлақонли яшаб ўтишга ваъда бер.

– Ойи...

Онаси Зоининг қўлларини оғритадиган даражада қаттиқ қисди:

– Сўз бер.

Кўзлари жиққа ёшга тўлганидан Зоининг кўриши хиралашди.

– Сўз бераман.



Эртаси куни эрталаб Зоининг онаси хавотир олаётган ҳаммани, айниқса, шифокорларни ҳайратда қолдирди, у ўзини кечагидан кўра анча тетикроқ ҳис қилаётганди.

– Онангининг аҳволи барқарор, – деди отаси Зои ўзларининг тор ошхонасига кирган заҳоти. – Хавф ҳали ҳам мавжуд, аммо шифокорлар шошиб хулоса қилишган. Улар онангининг аҳволи яхшиланади, деб ўйлашмаган, лекин ҳозир вазият докторлар тахмин қилганидан анча яхшироқ.

Зои отаси билан ошхонада галма-гал овқат тайёрламоқчи бўлиб, масаллиқларни куйдиришди, касалхонада навбатчилик қилишди, то ярим оқшомгача суҳбатлашиб чиқишди. Онаси эса асосан ухларди.

Онасининг каравоти ёнида ўтказган узундан-узоқ соатларида Зоида ўйлаб олиш учун вақт кўп бўлди. У ўша жума куни эрталаб Ҳенри билан бўлган суҳбати ҳақида қайта-қайта ўйлади. Ҳенри Зоидан ҳаётида нима муҳимлигини сўраганида, қиз *эркинлик, саргузашт ва гўзаллик* деб жавоб берганди.

Энди эса у ушбу рўйхатда бир нарсани унутиб қолдирганини англади. Жуда муҳим нарсани.

Нега у сўнгги тўққиз-ўн йил ичида ота-онаси билан кўпроқ вақт ўтказмади? Хўп, у банд эди. У кунига саккиз ёки тўққиз соат, кўпинча ундан ҳам кўпроқ ишларди, бунинг устига, яна кечаси ҳам қўшимча ишларини қиларди. Лекин буларнинг барчаси нима учун эди? Шунча соатлар қаерга кетди? Агар буларнинг бари ўзига муҳим бўлган келажакни қуришда асқатмаган бўлса, орзулари рўёби учун сармоя сифатида хизмат қилмаган бўлса, унда шунча йиллик меҳнатнинг нима кераги бор эди?

“Балки, бу орзулар рўйхатингиз ҳали тўлиқ эмасдир, — деганди ўшанда Ҳенри. — Уни қайта кўриб чиқишни, таҳрирлашни, яна нималарнидир қўшишни хоҳлаб қолишингизга шубҳа йўқ.”

Ҳенри ҳақ бўлиб чиқди.

Эркинлик. Саргузашт. Гўзаллик. Ва оила.



Якшанба куни отаси Зоига бирор янгилик бўлса, албатта қўнғироқ қилишини айтиб, Нью-Йоркка қайтиши учун автобустга чипта олиб берди.

– Онанг анча яхши бўлиб қолди, энди қайтишинг ва ишинг билан банд бўлишинг керак, – деди отаси.

– Банд бўлиш? – сўради Зои. – Қандай иш билан банд бўламан?

Отаси Зоини маҳкам қучоқлаб олди, сўнг бағридан бўшатиб, пешонасидан ўпиб қўйди:

– Онангга берган ваъдаларингни бажариш билан банд бўласан, қизим...

## 13-БОБ

### ОЗОДЛИК МИНОРАСИ

Душанба куни эрталаб метронинг эшиклари очилди ва Зои Фултон маркази бўйлаб йўналган одамлар уммонининг бир томчисига айланди. Оқим уни кулранг йўлак бўйлаб “Окулус” станциясининг очиқ майдонига олиб борди.

Зои италянларнинг тоза оқ мрамари ётқизилган деярли икки юз метрлик йўлак бўйлаб юриб бораркан, Ҳенрининг сўзлари ҳақида ўйларди: *“Фотографияда окулус – сиз камерани қўядиган жой. Чунки суратни аввало ақл кўзингиз билан кўрасиз”*.

Зои янги узилган гуллар ҳаддан зиёд катта жойини эгаллаб турган стол ёнидан ўтиб борарди: бугун фақат оқ атиргул ва пиёзгулларни қўйишибди.

*“Қаерда турганингиз ва нимани кўраётганингиз тасвирнинг тўғри чиқишини белгилаб беради. Яъни манзарани ўзингиз хоҳлаётгандек тўғри тасвирлаш унга қайси томондан қарашингизга боғлиқ. Нимани назарда тутганимни тушуняпсизми?”*

– Менимча, тушундим, – шивирлади Зои юриб бораркан.

Ва юзинчи бор онасининг сўзлари ҳақида ўйлади: “Лекин қилмоқчи бўлган ишларим кўп эди”.

Қиз “West Concourse” йўлига кириб, девордаги улкан LED экрани ёнидан юриб ўтди. Экрандаги бугунги манзара шундай эди: қуёш ўзининг тўқ сариқ-бинафшаранг нурларини таратиб, Американинг жануби-ғарбидаги ажабтовур тоғ тизмаси устидан чиқиб келяпти.

Зои йўлида тўхтаб, узунлиги футбол майдонидек келадиган экран узра айланаётган реклама эълонини ўқий бошлади:

### **Орзуларингизни қандай рўёбга чиқаришни биласизми?**

**Уларни сотиб оласиз...  
битта-битта доллар билан.**

У эскалаторда икки қават юқорига кўтарилди, қуёш нурларидан чароғон шиша залга кирди, кейин кўчага чиқиб, орқага, Ғарбий кўча томонга бурилди. Қуёш тўғридан-тўғри Зоининг кўзларига тушар, у эса ишхонаси жойлашган бино қаршисида турарди. Қиз бошини орқага ташлаб, тўғри юқорига қаради ва нигоҳи билан ниманидир қидира бошлади.

Бугун у биринчи марта осмонўпар бинонинг юқори қисмини кўра олди.

Ўша куни эрталаб Зои кадрлар бўлимидаги Дейв билан учрашди. Дейв унга 401 (к) пенсия режасини қандай расмийлаштиришни тушунтирди. Бу Зои ўйлаганидан ҳам осонроқ бўлиб чиқди ва менежер унга янги режани

қандай амалга ошириш борасида бир нечта таклифларини айтди. Ўша куни кечқурун уйига қайтганидан сўнг Зои интернетга кирди ва “ФОТОГРАФИЯ КУРСЛАРИ” ва “САРГУЗАШТЛАР” деб номланган иккита жамғарма ҳисобини очди. Дейвнинг тавсиялари бўйича Зои бир неча дақиқа ичида ҳамма нарсани ўрнатиб бўлди, энди тўловлар автоматик равишда депозит ҳисобидан ечиб олинади ва янги ҳисобларга ўтказилади.

Тўловлар миқдори кўп эмасди, лекин бу яхши. Озгина вақт ўтиб, Зои уларни кўпайтириб олиши мумкин.

Оқшомга яқин отаси билан хайрлашиб, поездга жойлашиб олган Зои Ҳенри билан суҳбатлари унга янги молиявий режадан ҳам кўпроқ фойда келтирганини тушунди. У ҳаётдан мақсади, ўзи учун нима муҳим экани ҳақидаги ёрқин ҳиссиёт билан қайтди. Энди унга аён бўлдики, Зои худди Ҳенрининг ёшлигидаги сингари ҳар куни ўзи чин дилдан яшашни истаган ҳаётга яқинлаштирмайдиган нарсаларга тўлов қилиш учунгина кунига бир неча соат ишларкан.

Буни англаши билан Зои орзусидагидек ҳаёт кечириш учун ўзи ўйлаганчалик кўп пул кетмаслигини ҳам хаёлидан ўтказди. Балки, гап кўпроқ пул топиши кераклигида ҳам эмасдир. Эҳтимол, гап ишлаб топаётган пуллари шунчаки қандай сарфлаётганига аниқлик киритиб олишидадир.

Поездда қайтаётганида Зои Жессикага хабар ёзди:

“Жессика, ажойиб имконият учун катта раҳмат!  
 Лекин таклифни рад этишга қарор қилдим.  
 Бахтли@Озодлик минораси”

Гап шундаки, Зои ўз ишидан *мамнун*, ишини ҳам, ҳамкасбларини ҳам яхши кўради. У шунчаки ҳаётига баъзи ўзгартиришлар киритиши керак эди холос.

Дейв билан гаплашиб олгандан сўнг у Барбарага учрашди. Кейин унга саёҳатга чиқиш истагини айтди, худди Ҳенри бир пайтлар шу қарорга келгани сингари. Зои ҳам Ҳенрига ўхшаб саёҳатлар орқали *кескин ўзгаришлар* қилмоқчи эди. Бошқача айтганда, у йилига бир марта саёҳатга кетади, лекин у ўзи билан ноутбукини олиб кетиши ва, эҳтимол, масофадан туриб ишлаши мумкин бўлар. Хўш, Барбара Зои билан бу режа асосида ишлай оламан, деб ўйлармикин ва унинг амалга ошишига ёрдам берармикин?

Зои гапини тугатгач, Барбара бир муддат жим қолди, кейин эса елка қисиб қўйди. Юзида унга хос англаб бўлмайдиган, мавҳум ифода зоҳир эди.

– Албатта, лекин бир шарт билан, – деди кейин.

– Қандай шарт? – сўради Зои.

– Менга откриткалар жўнатиб турасиз.





Ўша кеча Зои туш кўрди.

У саватдан ёввойи черника меваларини олиб еганча Мейн қирғоғи бўйлаб кичик қайиқда секин сузиб борарди.

– Қара! – деди онаси нимагадир ишора қиларкан.

– “*Haliaeetus leucocephalus*”, – дея қўшимча қилди Зоининг отаси. – Америка оқ бошли бургути.

Зои бир қўли билан кўзларини пана қилиб, тепага қаради ва булутлар орасига чўзилиб кетган осмонўпар миноранинг юқори қаватлари атрофида чарх уриб айланаётган улкан қушни кўрди.

Зои уйғонгач ҳам чалқанчасига қимирламай ётаверди. Кейин ярим зулматга тикиларкан, ўзининг кичкинагина квартираси нега бунчалик сокин туюлганига ҳайрон бўлди. Нима бўлаётганини тушуниш учун эса унга бир дақиқа кифоя қилди.

Аслида, уйи одатдагидан тинчроқ бўлиб қолмаганди. Аксинча, қизнинг боши ичидаги шовқин кутилмаганда сокинлашган, бу доимий тилга чиқарилмаган хавотир ҳисси эди. Бу худди музлаткичнинг шовқинига ўхшарди, киши унга шу қадар кўникиб қоладики, ўчиб, тўсатдан сукунат пайдо бўлмагунча унинг мавжудлигига ҳам эътибор қаратмайсан.

Зои ярим зулмат ичра жилмайиб қўйди.

Қайсидир маънода, ҳеч нима ўзгармади. Янги ҳисовварақлар очилганидан бери ўн икки соат вақт ўтди, демакки, улар ҳали-бери Зоини бой қилиб қўйгани йўқ. Аммо у аллақачон

ўзини бошқача ҳис эта бошлади. Ҳисоблар энди ойма-ой, йилдан-йилга ўз-ўзидан тўлиб бориши ҳақида билишнинг ўзи унинг барча хавотирларини йўққа чиқарди.

Зои оҳиста кулди ва уйқуга кетди. У эр-талабгача ухлади. Уйғонганида, охирги марта қачон бунчалик мириқиб дам олганини эслай олмади. У, айтиш жоиз бўлса, худди ўликдек қотиб ухлаганди.

“Йўқ, – деб ўйлади у фикрини тўғрилаб, – ўликдек эмас, балки эркин инсондек ухладим.”

## 14-БОБ

### МИКОНОС

Уч йилдан сўнг...

Қуёш узоқдан кичик тепаликлар ортидан мўралайди, унинг заргарлик буюмлари каби жилоланаётган узун нурлари эса қаҳраб-тилла рангида порлайди. Зои камерасини кўтариб, манзарани кетма-кет уч марта суратга туширди. Кейин эса атрофни шунчаки томоша қилишга ўтди. Оқланган майда уйларнинг қатори тош кўчалар бўйлаб илонизи бўлиб кетган, уларнинг ёрқин мовий эшиклари ва дераза қопқалари ушбу манзарада худди черника рангидек ажралиб туради. Зои қараб турган жойдан қизил тумшуқли чайкалар галаси учиб ўтди. Олисдан кўзга ташланаётган денгиз қирғоғида балиқчилар қайиғи тебранганида, у қалин арқонларнинг ғичирлаб инграган товушини эшитди.

Зои чиндан ўттиз ёшга тўлдими? Бунга унинг ўзи ҳам ишониши қийин эди. Уч йил бамисоли вақтлар оша саёҳат чоғидаги носозлик ёки бир лаҳза сингари тез ўтиб кетди. Ва мана шу уч йил ичида жуда кўп воқеалар содир бўлди. Зои “Елена қаҳваси”нинг доимий ми-

жози бўлиб қолди. У ва Жоржия Доусон қалин дугоналарга айланишди. Зоининг бутун ҳаёти тамомила ўзгарди.

Унинг онаси яна олти ой яшаб, шифокорларини ҳайратда қолдирди. Зои шимолга, онасини даволашаётган масканга уни кўриш учун яна бир неча ўнлаб маротаба бориб қайтди ва мана шу олти ой давомида улар бутун умрларидагидан ҳам кўра кўпроқ вақтларини бирга ўтказишди. Ҳенри бу лаҳзаларни уларнинг “бонус вақти” дея тасвирлаганди. Зои ҳам унинг нақадар ҳақлигини ўйларди.

Аммо бу ёқимли лаҳза абадий давом этмади. Онаси вафот этгач, Зоининг отаси Нью-Йорк шимолидаги уйини сотиб юборди. Кейин мана шу даромад ҳамда суғурта тўловлари орқали Бруклиннинг шинам маҳалласидан икки хонали кичкина квартирага бошланғич тўлов қилиб, Зои билан бирга кўчиб ўтди. Ҳенрининг сўзлари билан айтганда, Зои *ҳаётини ўз қўлига олди*. Квартира кичкина бўлса-да, лекин ҳар кимнинг ўз ётоқхонаси бор эди. Зои хонасидан кичик студия сифатида ҳам фойдаланар, ёзиш ва йога машқларини шу ерда бажарарди. У кечқурунлари фотография курсларида ўқиди. Курсларга тўлов қилиш учун етарли пул тўплашга, худди Ҳенри башорат қилганидек, роппа-роса олти ой керак бўлди.

Кредит карта қарзларини тўлаш эса бироз кўпроқ вақт талаб қилди. У асосий тўловларни ўзи белгилаган ойнинг исталган кунида ҳисоб рақамидан автоматик ечилиши учун қандай созлашни ўрганиб олгач, кредит тўловларини

ҳам ўз-ўзидан тўлаб бориладиган қилиб қўйди. Бу нафақат унинг елкасидаги яна бир оғир юкни олиб ташлади, балки тўловларни кечиктирмагани учун жарималардан ҳам тежаб қолди (бундан Зоининг ҳайрати ва ҳаяжони чексиз эди).

Латте омили анчагина яхши иш берганди.

Ҳенрининг яна бир таклифига амал қилган Зои икки ҳафта ўтгач, минимал миқдорда тўлов қилинаётган ҳар бир картасига иккинчи автоматик ойлик тўлов режимини йўлга қўйди. Ва бу икки автоматик тўлов биргаликда дарахтга урилаётган ўткир болта мисоли иш берди: йигирма икки ой деганда “дарахт” қулади – Зоининг баланслари нолга тенглашиб, ҳеч қандай қарзи қолмади! Қарзлар йўқолиб, латте омили кўпайиб борарди.

Талабалик кредитлари... улар анча узоқ муддатга чўзиладиган лойиҳа бўлиб чиқди ва охиригача тўлаш учун бир неча йил керак бўларди. Лекин ҳаммаси жойида, бу Зоининг қўлидан келади.

Қуёш нурлари аллақачон ўз тусини ўзгартира бошлаганди. Қаҳрабо-тилла рангда товланаётган нурлар анча заифлашди. Қайиқ томондан келаётган шовқин янада кучайди. Зои тагин камерасини кўтарди ва яна бир неча марта суратга олди.

Карта ва кредитлар Зои ўз “латте омили”ни топган ягона нарсалар бўлиб қолмади. Ҳенри “Starbucks”да салфеткага чизиб берган оддий арифметика жуда аниқ экани маълум бўлди. Мўъжизалар ичра мўъжиза шуки, Жоржия-

нинг сабр билан берган ёрдами туфайли Зои овқат пиширишни ҳам ўрганди.

– Овқат пишириш ҳам суратга олишга ўхшайди, – деганди Жоржия унга, – фақат бунда аппаратни созлаб, суратни олишдан ташқари уни паққос туширишингиз ҳам керак бўлади.

Бу сўзларни эшитган Зои шу қадар қаттиқ кулиб юбордики, сал қолса ичаётган қаҳваси бурнидан чиқиб кетай деди. Бироқ уйда овқат пишириш орқали тежалган пул миқдори ҳазилакам эмасди. Худди Бароннинг чекишни ташлаши *кутилмаган дивидендлар* бўлиб хизмат қилгани сингари Зоининг ҳам анчагина пули ёнига қола бошлади. “Унинг *сигарет омили каби*”, дея жилмайди Зои буларни эсларкан.

Зои ҳеч қачон кўрмайдиган телеканалларига (*латте омили*) обунани ва у зўрға бир марта ишлатган спорт залига аъзоликни бекор қилди (*латте омили*). У ҳеч қачон киймаган кийимларини совға тариқасида тарқатди ва яна кўпроқ либослар сотиб олишга ундайдиган каталогларни (*латте омили*) ташлаб юборди. Бу орада эса унинг пенсия ва “саргузаштлар” ҳисобларига илк пуллар келиб тушаётганди.

Қуёш кўтарилиб бораркан, қишлоқ аҳли ҳам аста-секин ғимирлай бошлади, Зоининг қулоғига денгизга чиқишга тайёрланаётган балиқчиларнинг ўзаро суҳбати чалинди. Олтин дақиқалар тугаш арафасида.

У яна бир марта суратга олди, кейин эса яна ва яна. Сўнг қўлидаги камерани яхшилаб

томоша қилиш учун тўхтади. Бу камера гўзаллик эди! Камерани Зои АҚШдан чиқиб кетишидан олдин Жоржия ва Барон совға қилишди. Туғилган кунида Зоининг ёнида бўлолмасдилар, шу сабаб улар совғани олдинроқ беришди.

Ва ана шу кун бугун эди.

Миконос – Зоининг Греция ороллари бўйлаб қилган олти ҳафталик саёҳатидаги сўнгги манзил эди. У доим қайдлар ёзиб борди ва уларни бир кун олдин электрон почта орқали юборди. Ўша куни оқшом Барбара унга бир янгиликни етказиш учун электрон хат юборди: журналнинг кейинги сонида Зоининг мақоласини олган *фотосуратлари билан* очерк сифатида беришмоқчи экан. Зои ишга лавозими кўтарилиб қайтади. У энди нафақат муҳаррир, балки *колумнист* ҳам бўлади.

Барбара мактубини қисқача шундай яқунлаганди:

“Туғилган кунингиз билан, Зои.

Раҳбарингиз

Айтганча, юборган откриткаларингиз ажойиб”

Бу Зои ҳар йили амалга ошираётган саёҳатларнинг учинчиси эди – унинг учинчи *кескин ўзгариши*. Ўтган йили у ҳаётида биринчи марта Миссисипи штатининг ғарбига саёҳат қилди ва беш ҳафта давомида вақтини Аризонадаги Седонадан Нью-Мексикодаги Лас-Крусесгача бўлган жойлар – Американинг жануби-ғарбий қисмидаги тоғларда ўтказди.

Унинг ўша саёҳатларида олинган бир нечта фотосурат ҳозир “Елена қаҳваси”нинг деворини безаб турибди.

Иккинчи саёҳат ҳам бундан кам бўлмади. Седонанинг қизил қоялари... Лекин нима бўлганда ҳам буни биринчи саёҳат билан солиштириб бўлмасди. Ўша биринчи кузда, онаси билан видолашувдан кўп ўтмай, Зои ва унинг отаси Мейн қирғоғида тўрт ҳафта бирга вақт ўтказдилар. Улар ёввойи меваларни тегиб ейишди, дарё бўйида ин қураётган оқ бошли бургутларни суратга туширишди ва қайиқларда қисқичбақа тутиш билан машғул бўлишди. Бир-бирларига ўтмишдаги турли воқеаларни айтиб беришди, шу орқали Зои онаси билан бирга ўтган лаҳзаларни қайта жонлантириб, ўз вақтида қалб кўзлари билан юракларига абадий муҳрланган бу жонли “фотосурат”ларни ўзаро баҳам кўришди. Саёҳат унчалик қимматга тушмади (бу эса Греция ороллариغا бориш учун ҳамон маблағ тежаётган Зоига ёрдам берди), лекин унга ҳаётидаги энг бой тажрибаларни тақдим этди.

Грецияга жўнаб кетишдан олдин у *отасидан* имкони бўлса, қаерга саёҳат қилишини сўради.

– Аляскага, – деб жавоб берди отаси ҳеч иккиланмай.

– Келишдик, – деди Зои. – Келгуси йил Аляскага борамиз. Нарсаларингизни йиғишни бошланг.

Қиз иссиқ юнон қаҳвасидан бир қултум ҳўпларкан, Эгей денгизи ортидан чиққан қуёш



остидаги кичик бир қишлоқнинг жонлана бошлаганини томоша қилди. У камерани қўлида айлантирди ва яна бир бора сурат олиш учун уни кўзига – окулусига яқинлаштирди.

– Ҳа... – пичирлади у.

Зои Дэниелс бугун 30 ёшга тўлди ва ўзининг фикрича, у дунёдаги энг бой аёл эди.

<p><b>Молиявий эркинликнинг учта сири</b></p>
<p>1. Аввал ўзингизга тўланг</p>
<p>2. Тўловларни автоматик амалга оширинг</p>
<p>3. Ҳозироқ бой яшанг</p>

## | ДЭВИД БАХ БИЛАН СУҲБАТ

– Дэвид, китобингиз қаҳрамони Зои онаси вафот этишидан бир неча ой олдин у билан афсус-надоматларсиз яшаш ҳақида суҳбатлашган. Тушунишимча, бу бувингиз Роуз Бах билан бўлган охирги суҳбатингизга асосланган. Бувингиз айтиб берган ҳикоя ва у сизнинг ҳаётингизга, фаолиятингизга қандай таъсир қилгани ҳақида сўзлаб бера оласизми?

– Бувим Роуз ажойиб аёл эди. 30 ёшида у оиламиз тақдирини бутунлай ўзгартирган қарорга келди: у ортиқ қашшоқ бўлишни хоҳламади.

Ўша пайтда у Висконсин штатининг Милуоки шаҳридаги Гимбелс дўконида ишлаган ва у ерда париклар сотган. На бувим, на бобом Жек коллежда ўқишган. Улар классик Ўрта Фарбнинг меҳнаткаш аҳлидан бўлиб, маошдан маошгача учма-уч кун кечиришган. Уларнинг ҳаёти курашдан иборат эди. Аммо бувим яхшироқ ҳаётни орзу қилган. Ва ўттиз ёшга тўлган куни у бобомга шундай деб айтган:

“Ҳаётимизни ўзгартириш вақти келди. Тежамкор бўлиш вақти келди”.

Улар биргаликда ҳафтасига бир доллардан тежашни бошлаганлар. Том маънода бир доллар. Бувим ўшандан бошлаб ишга тушлигини ўзи билан олиб кетган. Дўстлари эса унга ҳазил-мазах қилишган. “Роуз, намунча, хасис бўлмасанг! Кел, биз билан бирга тушлик қил”, – дейишган. Бувимнинг айтишича, аввалига бу гаплардан хафа бўлган, лекин нима учун пул тежаётганини билган. У қишда жуда совуқ бўлган Милуоки шаҳридан узоқлашмоқчи эди. У бир кун келиб пенсияга чиққанида иссиқ жойларга кетишни истарди.

Бувим бутун ҳаёти давомида пул жамғариб, сармоялар киритиб, ўзини ўзи миллионерга айлантирди. Ва билими ва сармоёга бўлган муҳаббатини менга қолдирди. Етти ёшга тўлганимда, у менга биринчи акцияларимни (ўша пайтда дунёдаги энг севимли рестораним бўлган “McDonald’s” акцияларини!) сотиб олишга ёрдам берди. Бувим менинг биринчи молиявий устозимга айланди. Охир-оқибат, унинг сабоқлари бутун ҳаётимни, фаолиятим ва мақсадларимни белгилаб берди.

Йигирма йил олдин чоп этилган “*Ақлли аёл умрининг охиригача бой бўлади*” номли илк китобимни бувим ва ундан олган сабоқларимга бағишлаганман. Бу китобни ёзишни 1997 йилда бошладим ва бувим бу ишимни биларди. Афсуски, ўша йили ҳар куни яшил шарбат ичиб, саккиз километр пиёда юрадиган, бобомдан кейин ўн йил яшаган ва ҳатто ҳафтасига уч марта учрашувларга чиқиб юрган (фақат буни кейинроқ, у кишининг дафн

маросимида билдик), кучли ва соғлом бувим 86 ёшида инсультга чалинди.

Инсультдан сўнг биз уни Калифорния шта-тидаги Лагуна-Бич шаҳридан кўрфаз ҳудудига – офисимиз ва уйимиздан бир ярим километр наридаги қарияларни парваришлаш уйига кў-чирдик. Манзил офисимизга яқин бўлгани учун ҳар куни бувимни кўришга бориб, унга ғамхўрлик қила олардик. Унинг олдида охирги марта борган пайтларимиз худди кечагидек эсимда.

Ўшанда бувимдан менга ўргатишингиз мум-кин бўлган ҳаётий сабоқларингиз қолдими, деб сўрагандим. У эса бир сония ўйланиб, шундай деганди:

– Йўқ, барча ҳаётий билимларимни сен би-лан баҳам кўрдим. Сен ҳаётда катта ютуқларга эришасан.

Кейин қандайдир армонлари, афсуслари бор-йўқлигини сўрадим.

– Йўқ, ҳеч нарсадан афсусда эмасман, – деди бувим.

Шундан сўнг у ҳаётида мавжудлигидан миннатдор бўлган барча нарсани санай бош-лади.

Эртаси куни эрталаб яна бувимнинг олдида бордим ва қандай ухлаганини сўрадим.

– Жуда ёмон, – деди бувим. – Кечаси билан ҳаётдан қандайдир армонларим борми, дея ўйланиб чиқдим, катта раҳмат сенга!

Бу гапга биргалашиб кулдик, кейин бувим кўлимдан ушлаб, ўзининг ўсмирлик даврла-

рига бориб тақаладиган бешта армони ҳақида айтиб берди.

– Дэвид, мени диққат билан тинглашингни хоҳлардим, – деди сўнг. – Менинг армонларим сабоқ эмас. Нега уларнинг юз беришига йўл қўйганим ҳақиқий дарс бўлсин. Сенга айтиб берган лаҳзаларимнинг ҳар бирида қайси йўлдан боришни танлолмай, аросатда қолиб кетганман. Аниқ бир қарорга келишим керак эди: ўзим хавфсиз деб билган ва қандай натижага олиб келишини биламан, деб ўйлаган йўлни танлайми? Ёки таваккал қилиб, тилла топиш умидида ноаниқ йўлдан юрайми? Ўзим истаган нарсага эришиш учун таваккал қилишим керакми? Ўша лаҳзаларнинг барчасида хавфсиз йўлни танладим ва энди бундан пушаймондаман. Мана, жон берай деб ётибман, лекин ўшанда бошқа йўлни танлаганимда нималар бўлиши мумкинлигини энди ҳеч қачон биллолмайман.

– Лекин сиз ажойиб ҳаёт кечирдингиз, буви, – дедим мен.

У (жуда заиф бўлишига қарамай) қўлимни қаттиқроқ ушлади:

– Дэвид, ҳеч нимадан афсусланишингни хоҳламайман. Таваккал қил! Ёдингда бўлсин, – дея қўшимча қилди яна, – қай йўлдан юришни билмай, чорраҳада туриб қолсанг, ичингда иккита овозни эшитасан: биринчиси катта одамнинг товуши – “Хавфсиз йўлни танла, ўзингни хатарга отма!” дейди; иккинчиси – ёш бола эса “Мана бу йўлдан юр, Дэвид, бу

қизиқ бұлади! Кел, ҳаракат қилиб кўрамиз!” — дея ундайди. Ичингдаги мана шу қизиққон ва ўйнагиси келган болакайнинг сўзларига қулоқ тут, унинг ташқарига чиқиб ўйнашига, таваккал қилишига қўйиб бер. Дўстларингга ҳам шундай қилишни маслаҳат бер.

Бу бизнинг сўнгги учрашувимиз эди.

Мен офисга қайтиб, машинамни ерости автотураргоҳига жойлаштирдим ва қанчадир пайт ўзимни йиғидан тўхтата олмадим. Ниҳоят, бошимни кўтариб, орқа томонни акс эттирувчи кўзгуга қарадим. Кейин кўз ёшларимни артиб, ўз-ўзимга сўз бердим: “Етар, бас. Умримнинг қолган қисмини йирик фирмада молиявий маслаҳатчи бўлиб ўтказмоқчи эмасман. *“Ақлли аёл умрининг охиригача бой бўлади”* китобини ёзиб тугатаман ва умримни одамларга кўпроқ ёрдам беришга бағишлайман. Билмадим, қандай қилиб, лекин сизга ваъда бераман, бувижон, уч йилда бу ердан ташқарида бўламан ва орзуларимга эришаман. Айтганингиздек, ичимдаги болакайга ҳам ўйнаш имконини бераман”.

Ваъда берганимдек, ютуқларимга уч йил эмас, балки тўрт йил вақт кетди. Орадан роппа-роса тўрт йил ўтгач мен ўзим ишлаётган йирик молиявий компанияни тарк этдим ва барча қариндошларим ҳамда дўстларим яшайдиган Калифорниядан Нью-Йоркка кўчиб ўтдим. Қалбимда эса бувимнинг умр охиригача фаровонликда яшаш ҳақидаги сабоқларига таянган ҳолда кўпроқ китоблар ёзиб,

миллионлаб одамларга ёрдам бераман деган умид ва илтижолар бор эди.

Бу осон бўлмади. Ростини айтсам, анча қийналдим. Ва бу йўлда жуда кўп нарсалар нотўғри кетди, лекин сира афсусланмайман. Чунки орзу қилганимдан кўра кўпроғига эришдим. “*Ақлли аёл умрининг охиригача бой бўлади*” китоби жуда тез бестселлерга айланди ва шу кунгача миллиондан ортиқ нусхада сотилди. Беш йил ўтгач, мени *Опра Уинфриннинг шоусига* таклиф этишди ва мурожаатларим ўн миллионлаб одамларга етиб борди.

Ҳеч қандай армонсиз яшаб ўтишга бўлган интилишимни ушбу китоб давом эттирди.

*Опранинг* жонли шоусида латте омили ҳақида гапирганимдан бери йиллар давомида бу мавзуни содда тилда тушунтирадиган кичкина бир китоб ёзишни хоҳладим. Бу латте омилини оддий ҳикоя билан тушунтириб бера оладиган шундай китоб бўлсинки, уни ҳар қандай одам, ҳатто пул ҳақидаги китобларга ҳеч қачон қизиқмаганлар ҳам бир неча соат ичида ўқий олишсин. Бироқ нашриёт, афсуски, бу ғояга унчалик қизиқиш билдирмади. Мен яна еттита китоб ёздим, лекин нашриётимни ҳануз латте омили ҳақидаги кичик ғоям яхши чиқишига ишонтира олмадим. Кейин барибир ушбу китобни ёзишга ва уни нашр этиш учун янги нашриёт топишга қарор қилдим. Ҳаммаси мана шундай юз берди. Ва энди китоб қўлингизда турибди.

Онаси Зоига “Имкониятларингни *йўққа чиқарма*, ҳаётингни *тўлақонли* яшаб ўт”,

деганида, бу сўзлар қизни озига қаноат қилиб таҳлика ва хавотир ичида яшашдан тўхташга ва тажрибаларга бой ҳаёт сари интилишга ундовчи далда бўлиб хизмат қилди. Бу пул унчалик аҳамият касб этмайдиган, балки ҳар бир нарсада афсус-надоматларсиз яшаш муҳимроқ бўлган ҳаёт эди.

“Латте омили” айнан қаҳва ёки ҳатто пул ҳақида ҳам эмас. У инсонларни орзулари томон интилишга ундайдиган, уларга илҳом бағишлайдиган бир метафора холос.

Таассуфларсиз ҳаёт. Ичингиздаги кичкина болакайга эркинлик ва ўйнаш имконини бериш...

Буларнинг барчасини бугуноқ бошлашингиз мумкин.

**– Бундан кейин нима қилмоқчисиз? Бошқа бирор китоб устида ишляпсизми?**

– Одатда китоб ёзаётганимда ўзимга ва аёлимга (рафиқам аллақачон бу сўзларимга эътибор бермасликка ўрганган) бошқа ёзмайман, деб ваъда бераман. Одатда китоб ёзиб тайёрлангач, тез орада кейинги янги ғоя пайдо бўлади.

Қисқача айтганда, ҳа, яна бир китоб ёзишни режалаяпман ва бу жуда қизиқарли, шунингдек, тамомила бошқача асар бўлади.

“Латте омили” нашр этилганидан сўнг оилам билан Италиянинг Флоренция шаҳрида бир йил яшаш учун Атлантика океанини кесиб ўтмоқчиман. Мен чиндан ҳам ҳаётимда ҳеч қандай армонларга ўрин қолдирмасликка



ҳаракат қиламан ва фарзандларим Италиядаги ҳаёт тарзини кўришларини, коллежга бориш ва мустақил ҳаётга қадам қўйишдан олдин дунё бўйлаб саёҳат қилиб қолишларини хоҳлайман. Шундай экан, агар ҳаммаси режам бўйича кетса, бу сатрларни ўқиётганингизда, мен Флоренцияда яшаётган бўламан, аёлим ҳамда ўғилларим билан итальянча макарон – паста ейман, вино ичаман ва, албатта, итальянча музқаймоқ – гелатони яхши кўришимизни амалда исботлайман. Шунингдек, ўзимнинг кескин ўзгаришим ҳақидаги мемуаримни ёзаман. Худди Зои каби.

Эҳтимол, ўша ердан туриб блог очарман ва подкастлар бериб борарман. Саёҳатимизга “[www.devidbach.com](http://www.devidbach.com)” сайти орқали қўшилишингиз мумкин.

**– Сиз китобга ажойиб диаграммалар ва тўлдирилиши керак бўлган жадвалларни киритгансиз. Улардан фойдаланиш бўйича қандайдир қўшимча маслаҳатларингиз борми?**

– Сиз кўрган биринчи нарса – мураккаб фоиз мўъжизасини кўрсатадиган севимли жадвалларим. Биринчи жадвал “Пулнинг вақт қиймати” деб номланган бўлиб, у 20 ёшга тўлганимда пул тежашни бошлашимга илҳом бағишлаган.

Кейин 2 фоиздан 12 фоизгача ўзгарувчан фоиз ставкаларини кўрсатадиган жадвални қўшдим, унда сиз даромадлар пулингиз қанчалик тез ўсишига қандай таъсир кўрсатаёт-

гани ва орадаги фарқларни кўришингиз мумкин (213-бет).

Ва ниҳоят, яна бир жадвал бор, уни биринчи бор кўрганимда 20 ёшда эдим ва ҳайратда қолганман. Унда 1926 йилдан бери киритилган барча инвестицияларнинг йиллик даромади кўрсатилган (214-бет). Биржага сармоя киритиш энди иш бермай қўйган, дейдиган танқидчиларга ишонманг!

Китоб сўнгидаги жадвалларни кузатиб борар экансиз, ҳаракат бошлашингизга ёрдам берадиган бир нечта оддий жадвалларни кўришингиз мумкин. Уларнинг биринчисини мен “Латте омили челленжи™” деб атайман. Китобни бир кун давомида ёнингизда олиб юринг ва ўз латте омилинингизни кузатиб боринг. Фақат бир кун. Одатдагидек пул сарфланг, кунни одатдагидек ўтказинг, ўзлигингизча қолинг. Кун охирида эса қайси харажатларни латте омили сифатида ҳисоблаган бўлсангиз, уларнинг барчасини жадвалга киритинг. Ҳисобкитоб қилиб кўринг: кундалик ҳаётингиздаги бир нечта майда нарсани ўзгартирсангиз, бир кунда қанча тежашингиз мумкин?

Сўнгра эртаси куни “Икки ҳиссалик латте омили челленжи”да қатнашинг. Буни китобда муҳокама қилмаймиз, лекин у жуда оддий: ойлик харажатларингизни ёзинг, жами суммани қўшинг. Кейин харажатларингизни тезроқ камайтириш учун нималарни қисқартиришингиз ёки умуман рўйхатдан олиб ташлашингиз мумкинлигини ҳал қилинг.

– Агар бу ёзганларингиз орасида ўқиган биринчи асарим бўлса, бундан кейин қайси китобларингизни ўқишни тавсия қиласиз?

– Шубҳасиз, биринчи “Автоматик миллионер” китобимни ўқинг. Ҳаммага мутолаани мана шу нашрдан бошлашни тавсия қиламан ва ҳозирча у энг машҳур китобим. Тез ва осон ўқиладиган бу асар молиявий режаларсиз миллионер бўлиш учун нима қилиш кераклигини ўргатади. Аёл китобхонларга “Ақлли аёл умрининг охиригача бой бўлади” китобини, жуфтликларга эса, “Ақлли жуфтликлар умрининг охиригача бой бўлади” китобини ўқишни тавсия қиламан. Ушбу китоблар қадриятларингиз, истакларингиз ва ҳаётий мақсадларингизни ўрганишга ва уларни ҳақиқатга айлантириш учун молиявий режангизни тузишга ёрдам беради. Учала китоб ҳам яқинда Америка нашрларида қайтадан синчиклаб янгиланди, шундай экан, албатта, охириги пухта нашрга буюртма берганингизга ишонч ҳосил қилинг.

– Қанийди бу китобни йигирма йил олдин ўқиганимда! Агар ёшим 40, 50 ёки ундан ҳам каттароқ бўлса, латте омил тамойилларига амал қилишни бошлаш учун кеч қолган бўламанми?

– Қисқа жавоб шундай: агар ҳаракатни ҳозирдан бошласангиз, умрингизнинг охиригача бадавлат ҳаёт кечириш учун ҳеч қачон кеч эмас.

“Кеч бошласанг ҳам, бой ҳолатда яқунла” номли китобимни айнан шундай вазиятдаги одамлар – пул жамғаришни жуда кеч бошлаганлар ё жуда кўп қарзга ботганлар ёхуд кутилмаган қийинчиликларга тушиб қолганлар учун ёзганман. Ҳаракатни кечроқ бошлаш дегани мавҳум келажакка маҳкум этилгансиз, дегани эмас. Орзуларингизни амалга оширишнинг кечи йўқ. Сиздан талаб қилинадиган ягона нарса шундай ҳаётни бошлаш учун қарор қабул қилиш холос.

Жамғарма ва сармоя киритишнинг мўъжизавий томони шундаки, пул сизнинг ёшингизни билмайди. Бу оддий арифметика холос. Айтайлик, сиз 50 ёшдасиз ва оилалисиз. Шахсан ўзингиз кунига 10 доллар тежай оласизми? Жуфтингиз-чи, у ҳам шунча тежай оладими? Ажойиб; бу кунига 20 доллар бўлади, уни йил – 365 кунга кўпайтирсак, 7300 доллар бўлади. Бу пулни сармоёга тикиб, 10 фоиз даромад ишланг ва 20 йилдан кейин пулингиз 461 696 доллар бўлади, бу эса деярли ярим миллион дегани!

Агар ҳар бирингиз 10 доллар эмас, кунига 20 доллардан тежасангиз, бу миқдор икки барабар ошади. Бир йил ичида тахминан 14 600 доллар топасиз ва йигирма йил ичида 10 фоизлик сармоя ҳисобига пулингиз миллион долларга яқин бўлади.

Улуш ундириш режаси устида ишлашда энг муҳими – ҳаракат қилиш, у ҳақда хавотир олиб ўтириш эмас. Бугун сиз бўлишингиз керак бўлган жойдасиз ва энди барини бошлаш вақти келди!

– Ўқувчиларга айтмоқчи бўлган сўнги сўзларингиз борми? Одамлар сиз билан қандай боғланишлари мумкин?

– Энг муҳими, шу ерда эканингиз ва китобни ўқиганингиз учун ташаккур.

Ўйлайманки, Зои бошдан кечирган ушбу ажойиб саргузашт – “барчасини ёлғиз ўзингиз амалга оширишингиз шарт эмас” деган фикрга бир намуна. Зои уни қўллаб-қувватлайдиган, орзуларига ва янги ҳаётига руҳлантирадиган мураббийлар, янги дўстларни топади. “*Латте омили*” саёҳатида сизни илҳомлантирадиган ва қўллаб-қувватлайдиган ҳамфикр дўстлар топиш учун ўзингизнинг “Ҳозироқ бой яшанг” деб номланган жамоангизни тузишни тавсия қиламан.

Буни бошлашнинг ажойиб усули, масалан, китобхонлар гуруҳини тўплаб, биргаликда “*Латте омили*” китобини ўқиш, сўнг уни жамоада муҳокама этиш бўлиши мумкин. Жамоадошларингиз билан бирга латте омили челленжларида қатнашсангиз ва бир-бирингизни қўллаб-қувватласангиз бўлади. Буни яқинларингиз ёки сиз каби бой яшашни истган янги дўстларингиз билан бирга амалга оширсангиз, ҳаётингизда ўзгаришлар қила оласиз.

Агар сизга ушбу китоб ёққан бўлса, илтимос, “[succes@finishrich.com](mailto:succes@finishrich.com)” манзилига электрон почта орқали хабар юборинг. Ҳамма хабарларга шахсан жавоб ёзаман, дея олмасамда, лекин ҳар бир хатни ўқишга ваъда бераман.

Ўқувчиларимни яхши кўраман ва улардан ҳар куни хабарлар келиб туриши мени ғоят қувонтиради. 25 йилдан ортиқ вақт мобайнида амалга ошириб келаётган ишларимнинг шу тахлит давом этишига илҳомлантирган куч – ўқувчиларимнинг китобдан фойдаланган ҳолда эришган муваффақиятидир.

Шунингдек, “[www.devidbach.com](http://www.devidbach.com)” сайти-мизга ҳам ташриф буюринг. Сайтимизда ушбу интервьюнинг давомини ўз ичига олган “Латте омили” номли подкаст бор ва ундан турли янги ғояларни олишингиз мумкин. Шунингдек, сайтда илҳомланган пайтларда ёзадиган ахборотномамиз ҳам жойланган, бу – ўқувчиларим билан ўзаро алоқа ўрнатишнинг бир усули. Ахборотномаларни ўқиш мутлақо текин, биз спам ёки реклама билан шуғулланмаймиз ва сизни ниманидир сотиб олишга мажбурламаймиз (албатта, янги китобим чиққан бўлмаса *кулади*).

Энди эса ушбу китобни *ҳаётингизга* татбиқ этишни бошланг.

Армонларга ўрин қолмасин!

## | ИЛОВА: ЖАДВАЛЛАР

**Пулнинг вақт қиймати**  
**Кеч бўлмасидан ҳозироқ сармоя қўйинг**

**Сюзен** (йиллик 10 % ставка)      **Жим** (йиллик 10 % ставка)

**Пул қўйиш ёши – 19**      **Пул қўйиш ёши – 27**

Ёш	Сармоя	Умумий қиймат	Ёш	Сармоя	Умумий қиймат
19	2000 \$	2200	19	0	0
20	2000	4620	20	0	0
21	2000	7282	21	0	0
22	2000	10210	22	0	0
23	2000	13431	23	0	0
24	2000	16974	24	0	0
25	2000	20874	25	0	0
26	2000	25158	26	0	0
27	0	27674	27	2000	2200

28	0	30442	28	2000	4620
29	0	33486	29	2000	7282
30	0	36834	30	2000	10210
31	0	40518	31	2000	13431
32	0	44570	32	2000	16974
33	0	48027	33	2000	20874
34	0	53929	34	2000	25158
35	0	59322	35	2000	29874
36	0	65256	36	2000	35072
37	0	71780	37	2000	40768
38	0	78958	38	2000	47045
39	0	86854	39	2000	53949
40	0	86854	40	2000	61544
41	0	105094	41	2000	69899
42	0	115603	42	2000	79089
43	0	127163	43	2000	89198
44	0	130880	44	2000	100318
45	0	153868	45	2000	112550
46	0	169255	46	2000	126005
47	0	188180	47	2000	140805
48	0	204798	48	2000	1557086
49	0	226278	49	2000	174094
50	0	247806	50	2000	194694
51	0	272586	51	2000	216363
52	0	299845	52	2000	240199
53	0	329830	53	2000	266419
54	0	362813	54	2000	295261
55	0	399094	55	2000	326988
56	0	439003	56	2000	361886
57	0	482904	57	2000	400275



58	0	531194	58	2000	442503
59	0	584314	59	2000	488953
60	0	642745	60	2000	540048
61	0	707020	61	2000	590253
62	0	777722	62	2000	658078
63	0	855494	63	2000	726086
64	0	941043	64	2000	800895
65	0	1035148	65	2000	883185

Сармоядан олинган даромад: 1 019 148 \$

Сармоядан олинган даромад: 805 185 \$

Съюзеннинг даромади: 1 019 148 \$


Кимнинг даромади: 805 185 \$


Съюзеи 213 953 доллар кўпроқ даромад қилди.

Съюзеннинг сармояси Кимнинг сармоясига қараганда беш баробар кам эди, лекин охирида 25 % кўпроқ даромад олди.

**Сармоя киритишни вақтлироқ бошланг!**

Ушбу жадвал жамғаришни эртароқ бошлаш қанчалик афзаллигини кўрсатади. Сармойни ёшлиқдан киритсангиз, қариган чоғингизда бой бўласиз. Жадвалда йилига 10 % даромад келтирадиган сармоёга пул тикиш учун 65 ёшга тулғунингизга қадар ойга 300 доллар тежасангиз, қанча пул туллашингиз мумкинлиги кўрсатилган.





**Қанча вақтли бошласангиз,  
келажак учун жамғарган пулингиз шунча кўп бўлади**  
(Ҳиллик даромад ставкасини 10 фоиз деб оладиган бўлсак)

<b>Кунлик сармоя</b>	<b>Ойлик сармоя</b>	<b>10 йил</b>	<b>20 йил</b>	<b>30 йил</b>	<b>40 йил</b>	<b>50 йил</b>
5 \$	150 \$	30 727 \$	113 905 \$	339 073 \$	948 612 \$	2 598 659 \$
10 \$	300 \$	61 454 \$	227 811 \$	678 146 \$	1 897 224 \$	5 197 317 \$
15 \$	450 \$	92 180 \$	341 716 \$	1 017 220 \$	2 845 836 \$	7 795 976 \$
20 \$	600 \$	122 907 \$	455 621 \$	1 356 293 \$	3 794 448 \$	10 394 634 \$
30 \$	900 \$	184 360 \$	683 432 \$	2 034 439 \$	5 691 672 \$	15 591 952 \$
40 \$	1 200 \$	245 814 \$	911 243 \$	2 712 586 \$	7 588 895 \$	20 789 269 \$
50 \$	1 500 \$	307 267 \$	1 139 053 \$	3 390 732 \$	9 486 119 \$	25 986 586 \$

**Бир кунлик сигарет пули пенсия даврини  
гуллатишга қодир**

(Йиллик даромад ставкасини 10 фоиз деб оладиган бўлсак)

	10 йилда	20 йилда	30 йилда	40 йилда	50 йилда
210 \$	43 017 \$	159 467 \$	474 702 \$	1 328 057 \$	3 638 122 \$

**Бир шиша сув – исроф бўлган бойлик**

1 кунда	1 ойда	10 йилда	20 йилда	30 йилда	40 йилда	50 йилда
1 \$	30 \$	6 145 \$	22 781 \$	67 815 \$	189 722 \$	519 732 \$

### 65 ёшда миллионер бўлиш учун кунига қанча пул тежаш лозим?

65 ёшда 1 миллион доллар эгаси бўлиш учун ойлик ёки кунлик сармоялар (йиллик 10 фоиз ставка билан)

Бошлаш ёши	Кунлик жамғармалар	Ойлик жамғармалар	Йиллик жамғармалар
20	4 \$	124 \$	1 488 \$
25	6 \$	186 \$	2 232 \$
30	10 \$	310 \$	3 720 \$
35	16 \$	496 \$	5 952 \$
40	26 \$	806 \$	9 672 \$
45	45 \$	1 395 \$	16 740 \$
50	81 \$	2 511 \$	30 132 \$
55	161 \$	4 991 \$	59 892 \$


Бу жадвалдан мақсад 65 ёшгача миллионер бўлиш учун 10 % лик даромад ставкаси билан кунига, ойига, йилига қанча пул тежашингиз кераклигини кўрсатишдир.

### Ойга юз доллар тежашдан келадиган фойда

Даромад ставкаси қанча баланд эканлигига қараб фоизли ҳисоб рақамига ойига атиги 100 доллар қўйсангиз ва кейин унинг тўпланишига имкон берсангиз, бу пул каттагина жамғармага айланиши мумкин

Ставка	5 йил	10 йил	15 йил	20 йил	25 йил	30 йил	35 йил	40 йил
100 \$ / 2 % ставка	6 315 \$	13 294	21 006	29 529	38 947	49 355	60 856	73 566
100 \$ / 3	6 481	14 009	22 754	32 912	44 712	58 419	74 342	92 837
100 \$ / 4	6 652	14 774	24 691	36 800	51 584	69 636	91 678	118 590
100 \$ / 5	6 829	15 593	26 840	41 275	59 779	83 573	114 083	153 238
100 \$ / 6	7 012	16 470	29 227	49 435	69 646	100 954	143 183	200 145
100 \$ / 7	7 201	17 409	31 881	52 397	81 480	122 709	181 156	264 012
100 \$ / 8	7 397	18 417	34 835	59 295	95 737	150 030	230 918	351 428
100 \$ / 9	7 599	19 497	38 127	67 290	112 953	184 447	296 385	471 643
100 \$ / 10	7 808	20 655	41 792	76 570	133 789	227 933	382 828	637 678
100 \$ / 11	8 025	21 899	45 886	87 357	159 058	283 023	497 347	867 896
100 \$ / 12	8 249	23 234	50 458	99 915	189 764	352 991	649 527	1 188 242

## Ким сизга ўн фоизлик ставкалар йўқ деди?



Ушбу шартли рақамлар базасидан  
кўрсаткичлар асосидан ўн фоизлик  
даромаднинг ўртача кўрсаткичи бу  
АҚШнинг 1926 йилдан 2015 йилгача  
сўраш давридаги ўртача кўрсаткичи бу  
сўраш давридаги ўртача кўрсаткичи бу  
сўраш давридаги ўртача кўрсаткичи бу  
сўраш давридаги ўртача кўрсаткичи бу  
сўраш давридаги ўртача кўрсаткичи бу  
сўраш давридаги ўртача кўрсаткичи бу  
сўраш давридаги ўртача кўрсаткичи бу  
сўраш давридаги ўртача кўрсаткичи бу  
сўраш давридаги ўртача кўрсаткичи бу



## Латте омили челленжи

Кун \_\_\_\_\_

Сана \_\_\_\_\_

Сотиб олган нарсам	Унинг нархи	Пул исроф бўлдими? (Жавоб “ҳа” бўлса, ✓)
-----------------------	----------------	---

1			
2			
3			
4			
5			
6			
7			
8			
9			
10			
11			
12			
13			
14			
15			

Менинг умумий латте омилим қиймати

=

### Латте омили ҳисоб-китобларда

Кунлик латте омили = \_\_\_\_\_

Ойлик латте омили = \_\_\_\_\_ (латте омили x 30)

Йиллик латте омили = \_\_\_\_\_ (латте омили x 365)

Ўн йиллик латте омили = \_\_\_\_\_ (латте омили x 3650)

### Латте омилимни сармоя қилсам:

10 йил ичида унинг қиймати = \_\_\_\_\_

20 йил ичида унинг қиймати = \_\_\_\_\_

30 йил ичида унинг қиймати = \_\_\_\_\_

40 йил ичида унинг қиймати = \_\_\_\_\_

### Латте омилингизни ҳисоблаш

Юқоридаги рақамларни ҳисоблаш учун “[www.dacidbach.com](http://www.dacidbach.com)” сайтига ташриф буюринг ва латте омили менюсига кириг. У ерда сиз латте омили калкуляторидан фойдаланишингиз мумкин.

### Сиз учун совғам! Текинга!

Латте омили ёзуви туширилган кружкаларимизни ютиб олиш учун [success@finishrich](mailto:success@finishrich) манзилига ўзингизнинг латте омили тажрибангиз ҳақида хабар юборинг. Ушбу челленжни қабул қилганингиздан сўнг қандай ўзгаришлар бўлди? Қанча пул топдингиз? Нималарни ўргандингиз? Ҳар ҳафта битта голиб аниқланади!

## Икки ҳиссалик латте омили челленжи

Икки ҳиссалик латте омили челленжида нафақат кундалик, балки кўпроқ тежаш учун катта ва кичик маҳсулотлар, хизматларни қидириб топиш мақсадида ҳафталик, ойлик, мавсумий, йиллик харажатларингизни ҳам кўриб чиқасиз.

	Маҳсулот ёки хизмат	Нарх	Пул исроф бўляптими?		Тежаб қолинган миқдор	Ойлик тежалган миқдор
			Агар бу маҳсулотдан воз кеча олсам, ✓	Агар бу маҳсулотни камроқ ишлатиш мумкин бўлса, ✓		
	Сотиб олган ёки оладиган нарсам	Қанча пул сарфладим ёки сарфлайман	✓	✓	Мен у қилиш орқали х тежай оламан!	
Маҳсулотга мисол	Крем пишлоқли тешиккулча ва кичкина қаҳва	3.50 \$		✓	Уйда овқатланиш орқали кунига 2 \$	60 \$
Хизматга мисол	Алатиа ва ўзим учун иккита мобил телефон	Ойига 200 \$ Барча қўшимча тўловлари ичида		✓	Хизмат режасини ўзгартириш орқали ойига 50 \$	50 \$
1						
2						
3						
4						
5						
6						
7						
8						
9						
10						

11						
12						
13						
14						
15						

Икки ҳиссалик латте омилим (бир ойда умумий қанча пул тежаб қола олишим)

## | ТАШАККУРНОМА

Аввало сиз – китобхонларга чин юракдан миннатдорлик билдираман. Ҳаётим давомида қилган ишларимнинг ҳеч бири сизнинг меҳрингиз, далдангиз ва асарларимга қизиқшингиз бўлмаганида, амалга ошмасди. Ўтган йил давомида уюштирилган сафарларимда минглаб ўқувчиларим билан тадбирларда учрашиш ва шахсий ҳикояларингизни эшитиш мен учун шараф бўлди. Ёзганларимни ўқиётганингиз учун сиздан чексиз миннатдорман.

Қисқагина ташаккурим ажойиб агентларим – Жейн Миллер ва Лейси Линчга ҳам тегишли. Биз йигирма йилдан бери биргамиз. Иккалангизга ҳам менга ва ғояларимга ишонганингиз, уларни ҳаётга татбиқ этишда берган ёрдамингиз учун раҳмат. Адвокатим Стивен Брамерни ҳам эслатиб ўтмоқчиман: йигирма йиллик ҳимоя, мураббийлик ва ғамхўрлик учун сиздан миннатдорман. Қилган ишларимнинг ҳеч бири ушбу жамоасиз амалга ошмаган бўларди.

Ҳамкорим, жаҳон миқёсида таниқли Жон Дэвид Маннга ўн йилдан кўпроқ вақтдан буён ушбу китоб ҳақида гапириб келаман.

Гапларимни эшитганингиз ва ниҳоят мен тай-ёр бўлганимда уни бирга ёзишимизга ишонганингиз учун ташаккур. Китоб устида сиз билан ишлаш ҳақиқий ижодий завқ ва яна кўплаб бошқа натижаларни берди.

“Atria/Simon & Schuster” ноширлик жамоасига ҳам раҳмат. Ушбу ҳикояни ҳаяжон билан ўқиган ва китоб ҳимоячиси бўлган муҳарриримиз Сара Пелзга ҳам миннатдорлик билдираман. Ноширимиз Либби МакГуайр ва Сьюзен Донахью, Линдси Сагнетт, Кристин Фасслер, Дана Трокер, Лиза Сайамбра, Милена Браун, Мелани Иглесиас Пересдан иборат бутун “Atria” жамоасига китобни дунё миқёсидаги шов-шувга айлантиришга хизмат қилгани ва бу йўлда давом этаётгани учун раҳмат айтиб қоламан.

Женевада кечки тамадди пайтида мендан “Дэвид, кейинги китобингиз нима ҳақида?” деб сўраган Пауло Коэльога ҳам раҳмат. Пауло, ушбу китобни ёзиш ҳақидаги орзуларимни айтиб берганимда, сиз жилмайиб: “Ундай бўлса, Дэвид, бу китобни ёзишингиз керак!” – дегандингиз. Бу гапни айтаётганингизда юзингизда акс этган оддий табассум ва самимий нигоҳингиз мени қанчалик илҳомлантирганини тасаввур қила олмайсиз. Ўша оқшомдаги суҳбат ва илҳомбахш китобингиз – “Алкимёгар” учун сиздан умрбод миннатдорман.

Ва ниҳоят, оиламга ташаккур билдирмоқчиман. Бувижоним Роуз Бах, сиз берган илҳом ва муҳаббат бутун фаолиятим, бугунги

ҳаётимга таъсир қилди. Сизни ҳар куни эслаб, соғинаман.

Доимо кайфиятимни кўтарган ва “Латте омили”ни қачон ёзиб тугатишимни сўраб турган ота-онам – Бобби ва Марти Бахга ҳар доим мен билан бўлгани ва қўллаб-қувватлагани учун раҳмат айтмоқчиман! Сиз ҳар қандай фарзанд орзу қилиши мумкин бўлган энг яхши ота-онасиз.

Рафиқам Алатия Бредли Бахга ҳам ташаккур. Мен билан янги ҳаёт бошлашингни сўраганимда, розилик билдирган кунинг ҳаётимдаги энг бахтли сана бўлганди. Сен ҳам ўн йил давомида ушбу китоб ҳақида гапириб келсам-да, уни ёза олиш-олмаслигим эмас, балки қачон ёзишим ҳақида сўрадинг. Шу кунни сабр билан кутганинг ва муҳаббатинг учун раҳмат. Ўғилларим – Жек ва Жеймс, сизларнинг отангиз бўлиш мен учун энг улкан бахт. Биламан, бу китобни биринчи бўлиб ўқийдиган одам сиз бўласиз. Умид қиламанки, доимо қалбингизга, ичингиздаги “кичкинтой”га қулоқ тутасиз ва орзуларингиз томон интиласиз. Ҳаётда армонсиз яшанг, ўғилларим! Отангиз сизни доим севади!

## | МУАЛЛИФЛАР ҲАҚИДА

Девид Бах – энг ишончли молиявий экспертлардан, шунингдек, замонамизнинг молия ҳақидаги бестселлерлари муаллифларидан бири ҳамдир. У ёзган китобларнинг тўққизтаси кетма-кет “New York Times”нинг бестселлерлари (иккитаси биринчи ўринларда) қаторидан жой олган. Шунингдек, у ёзган 11 та китоб миллий бестселлерга айланган. Муаллиф ёзган асарларнинг умумий адади 7 миллиондан кўпроқ бўлиб, бу китоблар 19 дан ортиқ тилга таржима қилинган.

Унинг 1-рақамли шиддатли бестселлери – “Автоматик миллионер” 31 ҳафта давомида “The New York Times”нинг энг кўп сотилаётган китоблари рўйхатидан тушмаган. У бир вақтнинг ўзида тўртта китоби “Wall Street Journal”, “Business Week” ва USA TODAY бестселлерлари рўйхатига кирган саноқли бизнес-муаллифлардан биридир.

Сўнгги йигирма йил ичида уни семинарлари, нутқлари ва ОАВдаги минглаб чиқишлари орқали ўн миллионлаб одам тинглади. У “NBC Today” телешоуси ҳамкори бўлиб, уч юздан ортиқ чиқишлар қилган. У, шунингдек, “The



Oprah Winfrey Show”, ABC, CBS, “Fox”, CNBC, CNN, “Yahoo!”, “The View”, PBS ва бошқа кўплаб канал ҳамда дастурларда мунтазам иштирок этган.

Дэвид “FinishRich Media” таъсисчиси ва АҚШда энг юқори тезликда ўсиб бораётган RIA (рўйхатдан ўтган сармоявий масалаҳатчилар)дан бири – “AE Wealth Management”нинг ҳаммуассиси. “AE Wealth Management” ўз платформасида 6 миллиард доллардан ортиқ активларга эга (2018 йил декабрь ҳолатига кўра). Дэвид Бах бутун дунё бўйлаб чиқишларида бой ҳаёт кечириш сирлари ҳақидаги маърузаларини мунтазам ўқийди. Бўш вақтида ўғиллари билан чанғида учини, оиласи билан бирга саёҳат қилишни яхши кўради.

Қўшимча маълумотлар учун: “[www.devid-bach.com](http://www.devid-bach.com)”

Жон Дэвид Манн 28 тилга таржима қилинган ва миллиондан ортиқ нусхада сотилган кўпчиликнинг севимли классик асари – “The Go-Giver”нинг ҳаммуаллифидир. Ушбу китоб глобал ўзгаришларга қўшган ижобий ҳиссаси учун “Axiom Business Book Awards”нинг олтин медали ҳамда “Living Now Book Awards”нинг “Evergreen” медалига сазовор бўлган. Жон Дэвид уч қисмдан иборат “The Go-Giver” китобига Боб Бург билан ҳаммуаллифлик қилишдан ташқари “New York Times”нинг учта бестселлери ва тўртта миллий бестселлерга ҳаммуаллиф бўлган. Жон Оқ уйнинг собиқ маслаҳатчиси Бетси Майерс билан ҳамкор-

ликда ёзган “Take the Lead” (“Ташаббусни қўлга ол”) асарини Том Питерс “The Washington Post” газетасида “2011 йилнинг етакчилик ҳақидаги энг яхши китоби” деб топган.

Ўқувчилик пайтларида Жон бир гуруҳ дўстларига етакчилик қилиб, ўзининг муваффақиятли мактабини ташкил этишга эришган. Виолончель созандаси ва мукофотга сазовор бўлган бастакор сифатида ўзини танитгач, Жон ёзиш ва китоб нашр этиш соҳасига ўтиб кетишидан олдин юз минглаб ишчилар ишлаган кўп миллион долларлик савдо ташкилотига асос солган. Жоннинг ўттизга яқин тилга таржима қилинган китоблари дунё бўйлаб уч миллиондан ортиқ нусхада сотилган. У Ана Габриел Маннга уйланган ва ўзини дунёдаги энг бахтли одам деб ҳисоблайди.

Қўшимча маълумот учун: “[www.johndavidmann.com](http://www.johndavidmann.com)”

Дэвид Бах  
Жон Дэвид Манн

# Латте омили

Бадавлат бўлмаи бой яшаш сири

*Таржимон*

Раҳимжон Қудратов

*Муҳаррир*

Муҳаббат Шарифова

*Мусахҳиҳлар*

Йигитали Маҳмудов

Зиёда Турдибоева

*Саҳифаловчи*

Умида Абдусаломова

*Дизайнер*

Жасур Ўролов

Ушбу китобнинг ўзбек тилига таржимаси учун муаллифлик ҳуқуқи "Asaxiy books" лойиҳасига тегишли бўлиб, "Asaxiy books" рухсатисиз китобни босма, электрон, аудио, видео ёки бошқа ҳар қандай шаклда тарқатиш Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан тақиқланади.

Тасдиқнома №5295, санаси: 23.01.2021  
Босишга 28.12.2022 да рухсат этилди. Бичими 84x108 1/32.  
Офсет қоғози. Офсет босма. Cambria гарнитураси.  
Шартли босма табағи 12.38. Босма табағи 7.37.  
Адади 10000 нусха. Буюртма № Д138.

“Ofset print” МЧЖ босмахонасида босилди.  
Босмахона ва нашриёт манзили:  
Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўнқўрғон кўчаси, 4-уй.

*Қайдлар учун*